

433

Ўттиз еттинчи йил чиқиши

Сафар 1444ҳ

Сентябр 2022м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Al-Wa'iy

Ал-Ваъй сўзи

**Эрдоган ҳамда илмонийлик
тахтидаги йигирма йиллик ҳосил!**

**Намунавий
иқтисод
низоми (3)**

**(Ислом
низоми ва
капиталис-
тик низом
кўринишлари)**

**Ғарб тафаккурининг
қора қутиси (1)**

**Аллоҳнинг тақсимотига
рози бўлиш**

**Бугунги кунда инсон
ҳаётида ҳукм сураётган фа-
содга (бузғунчиликка) барҳам
беришнинг тўғри ечими**



433

Ўттиз еттинчи
йил чиқиши
Сафар 1444х
Сентябр 2022м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Эрдоган ҳамда илмонийлик тахтидаги йигирма йиллик ҳосил!..... 3
- Намунавий иқтисод низоми (3) (Ислом низоми ва капиталистик низом кўринишлари) 11
- Ғарб тафаккурининг қора қутиси (1)..... 24
- Бугунги кунда инсон ҳаётида ҳукм сураётган фасодга (бузғунчиликка) барҳам беришнинг тўғри ечими 34
- Ахлоққа чақириш... ҳақиқат ва иллюзия ўртасида..... 43
- Иқтисодий мустамлакачиликнинг исломий юртларга бўлган хатари..... 48
- **Олам муслмонлари хабарлари** 53
- **Қуръони Карим суҳбатиди**..... 60
- **Жаннат боғлари:** Аллоҳнинг тақсимотига рози бўлиш 71
- **Сўнғи сўз:** Уммон муфтийси... Аллоҳга берилган аҳд паймон билан ҳукмдорга берилган аҳд паймон ўртасида..... 75
- Ҳиндистон собиқ расмийси: Ҳеч ким ҳозирги дунё тартибини хоҳламайди..... 76

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ЭРДОГАН ҲАМДА ИЛМОНИЙЛИК ТАХТИДАГИ ЙИГИРМА ЙИЛЛИК ҲОСИЛ!

Рамзи Рожиҳ – Яман

Эрдоган бугун Туркиянинг Америка томонидан қўллаб-қувватланган ҳукмдоридир. У минтақада Америка сиёсатига хизмат қилиш ва унинг манфаатларини таъминлаш позициясини эгаллаган. Энг аввало, у Исломни бошқарувдан узоқлаштириш ўйинида Америка қўлидаги шахмат доналаридан биридир. Эрдоган Исломга душман бўлмаган илмонийликни қабул қилганини очиқдан-очиқ эълон қилган. У бошқарувда Халифалик давлатини қулатган Мустафо Камолга ва ундан кейинги Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа қонунлар билан ҳукм юритган барча илмоний ҳукмдорларга ўхшайди. Бу ҳукмдорлар билан унинг ўртасидаги фарқ шуки, улар динга душман бўлишган бўлса, у динга душманлик қилмайди. Бошқача айтганда, у динни фақат намоз, рўза, ҳаж ва закот каби ибодатлардан иборат деб ҳисоблайди... Исломда бошқарув низоми борлигини тан олмайди. Шунга кўра, у куфр ҳукмлари билан ҳукм юритади ҳамда Туркиянинг ва бошқа Ислом юртларининг ҳукмдорлари каби Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатишга ҳаракат қилувчиларга қарши курашади. Чунки унинг наздида Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатиш диндан эмас. Шунинг учун мусулмон одам Эрдоганга баҳо бермоқчи бўлганида, унга бир кўз билан эмас, икки кўз билан қараши керак. Шунда у бир кўз билан унинг намоз ўқиб рўза тутаетганини, Қуръонни тажвид билан ўқиётганини ва масжидлар очаётганини кўрса... иккинчи кўз билан унинг Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа қонунлар билан ҳукм юритаётганини кўради. Эрдоган Американинг мусулмон мамлакатлардаги мустамлакачилик режаларида, шунингдек, Афғонистон, Ироқ, Ливия ва Суриядаги Исломга қарши урушида унинг ёнида турди. У бугун мутакаббирларча, Аллоҳдан қўрқмасдан Асад режими билан алоқа ўрнатиб, у билан ҳар бир водийда сарсон-саргардон кезиб юрган бошпанасиз мусулмонлар ўртасида сулҳни яратишга ҳаракат қилишини маълум қилмоқда. Унинг (Исроил) билан разведка, ҳарбий, иқтисодий ва туризм соҳасида ўрнатган яқин алоқалари,

шунингдек, судхўрликка асосланган иқтисодий сиёсатни олиб бораётгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади... Эрдоганни фош этувчи энг аниқ далил шуки, агар у Аллоҳ ва Унинг Росули хоҳлаган динда бўлганда эди, Аллоҳнинг душманлари бўлган яҳудийлар, Америка ва Европа биринчи бўлиб унга қарши курашган бўларди. Аксинча, у уларга, улар эса унга хушомадгўйлик қилишмоқда.

Ислом ва илмонийлик икки бошқа йўналиш бўлиб, уларни бирлаштириш мумкин эмас. Ислом «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг элчиси» деган ақидага асосланади. Илмонийлик эса «динни давлатдан ажратиш» ақидасига асосланади. Ҳукмдор ёки оддий фуқаро бўлишдан қатъий назар, ҳар бир мусулмон Ислом ақидасини фикрлари учун асос, ишлари ва хатти-ҳаракатлари учун миқёс қилмоғи лозим. Бу борада у учун ихтиёр йўқ. Чунки масала ё ҳақ ёки ботилдир. Ислом Аллоҳнинг ҳақ дини бўлиб, ундан бошқаси ботилдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ

وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ صَلَالًا مُّبِينًا﴾

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳни ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди»

[Аҳзоб 36]

Ушбу мабдани сақлаб қолиш учун Ислом ҳукмдорни ҳам, оддий фуқарони ҳам, агар улар Аллоҳнинг динини татбиқ этишда хатога йўл қўйсалар ёки уни ўзгартирсалар, муҳосаба қилишни қонун қилиб белгилаган. Чунки маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш Аллоҳнинг Китоби ва Росулulloҳ ﷺнинг Суннатларида мутлақ келган бўлиб, рухсат ёки хослаш билан чекланмаган. Рошид халифалар бошқаруви, шунингдек, умавий ва аббосийлар бошқаруви даврида мусулмонлар ҳукмдорларни муҳосаба қилган эдилар. Бироқ Ислом билан ҳукм юритган ҳукмдорни муҳосаба қилиш билан, айти шу даврда исломий юртлар ҳукмдорлари каби илмонийлик билан бошқарган ҳукмдорни муҳосаба қилиш ўртасида фарқ бор.

Милодий 1924 йилда Усманий Халифалик қулатилганидан кейин мустамлакачи мусулмон юртларда ўз нуфузини ва илмоний низомларини кенгайтирди. Мустамлакачи хоин ҳукмдорлар орасидан ёлланган малайларни етиштириб чиқаришни пухта ўзлаштирди. Бу хоин ҳукмдорлар миллатчилик, ватанпарварлик ва фуқаролик карталарини ўйинга ташлаш, ўзларининг макрли, жирканч

услугларини ишга солиш орқали мусулмонларни адаштиришга ва уларни динларидан узоқлаштиришга ҳисса қўшишди. Баъзида улар мусулмонларни ҳеч қандай фойда келтирмайдиган ишлар билан машғул қилишди. Мусулмонларни алдашда ҳар бир ҳукмдорнинг ўз услуги ва макрли воситалари бор эди. Мусулмонлар ўзларининг онглилиги билан демократиянинг жирканч карталаридан, тубан ва бадбўй робиталардан ошиб ўтиб, бузғунчи режимлар қаршисида ўз кучларини кўрсатдилар. Сўнг мустамлакачи учун унинг демократиясига қаноатланган, исломий характерга эга бўлган картани ўйинга ташлашдан бошқа чора қолмади. Шунинг учун мусулмонлар душманлар ва малай ҳукмдорларнинг Исломнинг ҳокимиятга келишига тўсиқ бўладиган услубларини билишлари, уларнинг макр-ҳийлаларидан огоҳ бўлишлари керак.

Эрдоганнинг Ислом ва мусулмонларни ҳимоя қилишни даъво қилиб сўзлаган ёлғон нутқлари ва у олиб борган сиёсий ишлар бизни бошқа ҳукмдорлардан кўра кўпроқ унга эътиборни тортиб унинг маккор юзини фош қилишга ундади. Унинг даъвоси ёлғондан бошқа нарса эмас. У бу даъвоси билан Аллоҳ Соф сурасида огоҳлантирган энг манфур ишни қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لِمَ تَقُوْلُوْنَ مَا لَا تَفْعَلُوْنَ ۗ كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللّٰهِ اَنْ تَقُوْلُوْا مَا لَا تَفْعَلُوْنَ﴾

﴿تَفْعَلُوْنَ﴾

«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)»

[Соф 2-3]

Аббосийлар ва Усманийлар бошқаруви даврида ижтиҳоднинг тўхтаб қолиши ҳамда араб тилига эътиборсизлик натижасида мусулмонлар бошига тушган фикрий турғунлик бўлмаганида, Эрдоган ҳам, ундан бошқаси ҳам мусулмонлардан биронтасини алдай олмаган бўларди. Ижтиҳоднинг тўхтаб қолиши ва араб тилига эътиборсизлик мустамлакачилар томонидан Ислом юртлари эгаллаб олинишининг энг муҳим омилларидан бўлди. Шунинг учун Эрдоган масжидда суратга тушганида, қўлида Қуръон тутганида, Ақсо ҳақидаги баёотни қоралаганида ёки Аё-Софияни аввалгидек масжидга айлантирганида, у учун ақли калта одамларни тўлқинлантириш осон. Чунки булар ҳар бир мусулмон, қолаверса, кекса аёлларимиз қиладиган амаллардан бошқа нарса эмас. Мусулмонлар Соф сурасининг илк оятларини тиловат қилар экан, Эрдоганга ҳокимият курсида ўтирган ва қарор эгаси бўлган

ҳукмдор деган эътиборда қараш уларга лойиқдир. Шунинг учун Эрдоганнинг Усмоний Халифалик даврида Ислом диёрини маркази бўлган Туркияни қандай тузум билан бошқараётганига, шунингдек, у олиб бораётган сиёсий ишларнинг ҳақиқатига онгли равишда қарашлари лозим. Яъни унинг сиёсати қаёққа қараб кетяпти? У кимнинг манфаати учун ишляпти? Армия, оммавий ахборот воситалари, таълим ва савдо-сотиқ ишлари, қолаверса, режимнинг ўзи кимга хизмат қиляпти? Фаластин, Сурия, Ливия масалаларида, шунингдек, олдин бўлган ёки келажакда бўладиган бошқа масалаларда ҳал қилувчи позицияни эгаллаяптими? Эрдоган олиб бораётган ишларга шу тарзда қараб, текширган киши учун унинг манфур юзини англаб етишдан бошқа чора қолмайди. Дарҳақиқат, золимларни Фиръавн ва унинг аъёнлари қисматига тушириш, уларга ёрдам бермаслик фурсати аллақачон келди.

Қуйида биз Эрдоганнинг йигирма йил давомида илмонийлик курсисидан йиққан умумий ҳосилидан фақат бир қисминигина ҳавола қиламиз. Менимча, Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор мўминларга бу сир бўлмаса керак. Лекин бу эслатма олувчилар учун бир эслатмадир.

Эрдоган илмонийлик курсисидан Мустафо Камолнинг набираси, Аммо у Америка қарамоғида!

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1945 йилда дунё етакчилигида Американи Британия ҳисобига биринчи ўринни эгаллашига тайёрлаган бир қанча иқтисодий ва сиёсий омиллар бор эди. Муслмонлар масалалари ҳақида гап кетганда Яқин Шарқ географик ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятли бўлгани учун Америка ўз амбициялари билан Туркиядаги ҳукумат марказига Британия малайлари ҳисобига кириб боришни истади. У ерда Британия малайи жиноятчи яҳудий Мустафо Камол томонидан Усмоний давлат қулатилганидан кейин англизларнинг таъсири кучайган эди. Маълумки, Американинг англизлар ҳисобига Туркиядаги ҳукумат марказларига кириб боришда ишлатган найранги мўътадил Ислом картасини ўйинга ташлаш бўлган. Чунки мўътадил Ислом унинг ўртача ечимга асосланган демократик мабдасига мос келади. Ушбу ролни бажаришга Эрдоганнинг танланишида айни шу ҳол юз берди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Бир томондан, Америка ўз малайларининг ҳукумат тепасига келиши йўлида исломий бошқарувга муштоқ бўлиб талпинаётган турк муслмонлари туйғуларидан фойдаланди. Бундан ташқари, Америка Эрдоган билан бир неча бор учрашувларни ўтказганидан кейин, 2002 йилда

Эрдоганни Туркия президентлигига тайёрлашга қаратилган ташвиқот ишларида иқтисодий масаладан фойдаланишга муваффақ бўлди. Бошқа томондан, у ҳокимият марказида исломий атрибут (белги) борлиги билан мусулмонларни чалғитди. Бу жараён Эрдоганнинг мўътадил исломий ҳаракатлар етакчиларини, биринчи навбатда, «Мусулмон биродарлар» ҳаракати етакчиларини ўзига жалб қилишида яққол намоён бўлди. Улар Эрдоганнинг ёлғонларига ишонганлари ҳолда қандай қилиб динни барпо этадилар?! Бу илмоний раҳбар уларни илмонийлик тоғидаги хавфсиз бошпана билан алдади. Шундай қилиб, Эрдоган улар билан Росулulloҳ ﷺ

«... تَمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جَبْتِئَةٌ»

«Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади», дея башорат қилган Халифаликни барпо этиш учун холис ҳаракат қилувчилар ўртасига тўсиқ қўйди.

Юзаки, мўътадил ва гибрид ғоялар ҳукмрон бўлган кишиларнинг девор ортидаги нарсани кўрмаслиги ажабланарли эмас. Агар ёрқин фикр юритганларида эди, Эрдоган ҳақидаги ҳақиқат уларга аён бўларди. Ким илмонийликни экса, унинг нажосатидан бошқа ҳеч нарса олмайди! Туркиянинг кечаги мавқеи билан бугунги мавқеи ўртасида фарқ бор. Чунки Туркия Усманий Халифалик даврида Исломи динининг маркази, мусулмонлар пойтахти бўлган ва Константинополни фатҳ қилиш билан Набий ﷺ башорат қилган мақтов шарафига сазовор бўлган. Зеро, Росулulloҳ ﷺ:

«سَتُفْتَحُ الْقُسْطَنْطِينِيَّةُ، وَلَنَعَمَ الْأَمِيرُ أَمِيرُهَا، وَلَنَعَمَ الْجَيْشُ جَيْشُهَا»

«Келажакда Константинопол фатҳ қилинади, унинг амири қандай бахтли амир, қўшини қандай бахтли қўшин», деганлар. Бошқа томондан, Эрдоган Туркияни ундан олдин жиноятчи Мустафо Камол бошқарган илмоний тузумнинг айни ўзи билан бошқармоқда. Агар Мустафо Камол масжидларда азон айтилишини тақиқлаган бўлса, Эрдоган матбуотга берган интервьюсида Туркияда гомосексуализмни ҳимоя қилувчи қонун бўлишини очиқ эълон қилди. Қолаверса, у ўзининг бузғунчилиги билангина чекланиб қолмади, аксинча, бошқаларга маслаҳат берадиган даражада чегарадан чиқди. «Доктор Муҳаммад Мурсий Миср бошқарувини қўлга олганида Эрдоган «илмонийлик энг муносиб бошқарув низоми» дея илмонийлик билан бошқаришни маслаҳат берган... У ўзининг илмоний эканини ва низоми фақат илмоний низом бўлишини бир неча бор аниқ баён қилди. Ўз идорасида жиноятчи Мустафо Камол суратини ўзининг шахсияти ва амбициялари рамзига айлантди. Туркияда

илмонийлик ўрнатилганини эслатиш учун ҳар йили унинг қабрига гулчамбар қўйиб, таъзия билдиради. Шундай қилиб, у илмонийлигида Мустафо Камолнинг набираси, сиёсатида америкаликларнинг малайи эканини бир неча бор исботлади.

Эрдоган ҳақиқат билан ёлғонни аралаштирди. Чунки у ўзининг илмоний эканини айта туриб, айти шу пайтда Исломни ҳимоя қилишини даъво қилди. Унинг ҳийла-найрангларида сабоқ олмаганлар учун Росулulloҳ ﷺнинг қўйидаги ҳадисларини эшлаш вақти келди. Ул зот айтадилар:

«أَعَاذَكَ اللَّهُ يَا كَعْبُ بْنُ عُجْرَةَ مِنْ إِمَارَةِ السُّفَهَاءِ، قَالَ: وَمَا إِمَارَةُ السُّفَهَاءِ؟ قَالَ: أَمْرَاءُ يَكُونُونَ بَعْدِي لَا يَهْتَدُونَ بِهَدَايَتِي، وَلَا يَسْتَتُونَ بِسُنَّتِي، فَمَنْ صَدَّقَهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَأَعَانَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَأُولَئِكَ لَيْسُوا مِنِّي، وَلَسْتُ مِنْهُمْ، وَلَا يَرُدُّونَ عَلَيَّ حَوْضِي. وَمَنْ لَمْ يُصَدِّقْهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَلَمْ يُعِنْهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَأُولَئِكَ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُمْ، وَسَيَرُدُّونَ عَلَيَّ حَوْضِي»

«Эй Каъб ибн Ужра, Аллоҳ сени аҳмоқлар амирлигидан асрасин. Каъб сўради: аҳмоқлар амирлиги нима? Росулulloҳ ﷺ айтдилар: Улар мендан кейин бўладиган, менинг ҳидоятимга юрмайдиган ва Суннатимга эргашмайдиган амирлардир. Ким уларнинг ёлғонини тасдиқлаб, зулмларига ёрдам берса, улар мендан эмас, мен ҳам улардан эмасман ва улар менинг ҳавзимдан ичмайдилар. Ким уларнинг ёлғонларини тасдиқламай, зулмларига ёрдам бермаса, улар мендандир, мен ҳам уларданман ва улар менинг ҳавзимдан ичадилар».

Иккинчи: Эрдоганнинг Фаластин масаласида йиққан ҳосили:

Фаластин масаласи муслмонлар назарида тақдирий масалалардан бири саналади. Муборак Фаластин заминида сионистлар босқинчилиги узоққа чўзилди. Унинг атрофида унга ҳеч қандай нафи тегмайдиган бир нечта муслмон мамлакатлар, шу жумладан, босқинчи яҳудийларга қаратилган кескин танқид ва таҳдидлари билан қулоқларни том битирган Эрдоганнинг давлати бор. Лекин бу танқид ва таҳдидлар унинг ҳаракатларига зид бўлган сўзлардир. Афсуски, турк армияси жанговар тайёргарлик бўйича дунёда деярли бешинчи ўринда туради. Лекин у Ислом назарида ҳеч қандай салмоққа ва қадрга эга бўлмаган давлатдир. Чунки Туркия Исломдаги бошқарув низомини татбиқ этмайди, Ислом даъватини даъват ва жиҳод орқали дунёга кўтариб чиқмайди.

Эрдоган Ақсодаги фарзандини йўқотган оналар фарёдини эшитса, уларга таъзия билдириб қўйиш билан кифояланади. Агар унинг

телефонига Америкадаги бошқарув муассасасидан битта қўнғироқ келса, Туркия армияси ҳўжайини буйруғининг ижросига шайланади. Эрдоган уларнинг режа ва тил бириктирувларини амалга ошириш учун улар билан иттифоқ тузади. Бу иттифоқлар, гоҳида террорга қарши уруш баҳонасида холис муслмонларга қарши жанг қилиш учун тузилса, баъзи ҳолларда тинчлик ўрнатиш баҳонасида бойликларни талон-торож қилиш учун тузилади.

Муборак Фаластин замини бошқа жойларга қараганда Эрдоганга узоқ эмас. Шундай экан, Эрдоган Ифринни ёки ундан бошқа жойларни озод этиш учун Туркия армиясини ҳаракатга келтирганидек, Фаластинни озод этиш учун ҳам армияни ҳаракатга келтирмайдими?! Эрдоганнинг сўзлаган нутқлари ёлғондир. Чунки бу нутқларни сўзлаган тил Фаластинга ёрдам кўрсатишни даъво қилган бўлса, кейин айна ўша тил ҳеч уялмасдан Американинг «икки давлат ечими» лойиҳасини қабул қилишга чақирди. Бундай сўзни хоин ва разил кишигина айтади.

Азиз ўқувчи, Эрдоганнинг хиёвати илдизини тушуниш учун Шимон Переснинг 2007 йили Туркия парламентида сўзлаган нутқида айтган гапини эшитиш кифоя. У иброний тилда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Туркия ишончни мустаҳкамлайди ва мен Туркияга миннатдорчилик билдириш учун келдим».

Ушбу ёлланма ҳукмдорнинг пасткашлигини англашингиз учун, унинг «Биз Исроил давлатига қарши эмасмиз, балки, қотиллик қилаётган Исроилга қаршимиз», деб айтган гапини эшитишингиз кифоя. (Ал-Жазира канали). Эрдоган Фаластин заминида ёки бошқа жойларда яҳудийларнинг вужуди бўлиши мумкинлигини даъво қилмоқда. Эрдоганнинг гўё Аллоҳнинг Китобида яҳудийлар ҳақида келган ҳақиқатларни ўқимагандек ёки Фаластиннинг босқинчи яҳудийлардан тозаланиши керак бўлган исломий юрт эканини унутгандек бу даъвони қилиши ҳайратланарлидир. Эрдоганнинг нутқларига алданган, у билан яҳудий вужуди ўртасида яқин дўстлик борлигини англамаган кишиларнинг борлиги янада ҳайратланарлидир. Чунки Эрдоган савдо алмашинуви, хавфсизлик ишларини мувофиқлаштириш ва дипломатик муносабатларда доим яҳудийлар билан ёнма-ён ишлайди. Бу билан Эрдоган яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштирувчиларнинг биринчиларидан бўлди. Эрдоганга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи ҳукм қилади.

Учинчи: Эрдоганнинг сиёсий ишларида йиққан ҳосили

Эрдоган америкаликларнинг стратегик иттифоқчиси ҳисобланади. Бу унинг сўзлари ва ишларидан яққол кўриниб турибди. Чунки

Америка 2003 йилдаги Ироқ урушида ҳарбий юриш бошлаганида, Ироққа бостириб кириш олдидаги тўсиқларни енгиб ўтиш учун Туркиядаги «Инжирлик» базасидан фойдаланди. 2011 йилда Американинг Суриядаги малайи Башар Асадни сақлаб қолиш учун Туркия у ерда Исломиёв давлатни барпо этишга чақириб чиққан исломиёв оқимни жиловлашга ҳеч иккиланмай ҳаракат қилди. Бундан ташқари, «Фурот қалқони» ва «Зайтун новдаси» каби амалиётларни бошлаш учун ўзига боғланган «Озодлик армияси» кучларини ҳар томонга тарқатиб юборди. Фурот қалқони амалиёти Башар Асаднинг Ҳалабни ўз назоратига олишига имкон берган бўлса, Зайтун новдаси амалиёти унинг Шарқий Ғутага киришига имкон берди. Американинг Эрдогандан фойдаланиши кошки шу билан тўхтаб қолса. Демак, Эрдоган ўз хожасига итоат этиш учун яна қўшимча ҳарбий амалиётларга кирилади. Америкага хизмат кўрсатиш йўлида Ливиядаги можарога ёки Арман-Озарбайжон можаросига аралашиш Туркиянинг мана шундай амалиётларидандир.

Яқинда Эрдоган Турк лирасини қулашдан сақлаб қолиш учун яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришда ва хиёнатда етакчилик қилган Бирлашган Араб Амирликлари давлатидаги банклар эшиги олдида тиланчилик қилди. Бу тиланчи Сурия, Ливия, Озарбайжон ва бошқа жойларда ўзини ҳамда Туркия армиясини тўлиқ Американинг ихтиёрига топширди. У Суриядаги мусулмонларни Башар Асаднинг зулмида, Ливиядаги мусулмонларни Ҳафтарнинг истибдодидан озод қилолмади. Туркия иқтисодидаги парокандаликни ҳам ҳал эта олмади. Америка Яман, Судан ёки Сурияда ҳам кучи етганича Эрдоганга ўхшаганларни тайёрлашга ҳаракат қилади... Дарҳақиқат, улар ўзларининг макр ҳийлаларини қилдилар, агар уларнинг макр-ҳийлалари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлсада, уларнинг бу макр-ҳийлалари Аллоҳ ҳузуринда маълумдир.

Ислом Уммати рошид Халифалик давлатини барпо этиш арафасида турибди. Дарҳақиқат, Уммат орасидан ўз аҳлини алдамайдиган етакчи ҳизб етишиб чиқди ва у ўз ғоясини англаб етган, тариқатини кўра билган ва фикрларини ўзлаштирган Ҳизб ут-Тахрирдир...

«... تَمُّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مَنَاجِ التُّبُوَّةِ»

«Сўнг пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик бўлади...».
Аллоҳнинг изни ила эртанги кун кутаётган киши учун яқиндир. □

НАМУНАВИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИ (3) (ИСЛОМ НИЗОМИ ВА КАПИТАЛИСТИК НИЗОМ КЎРИНИШЛАРИ)

Маҳмуд Абдулҳодий

Ўлик ерни тирилтириш

Ислом маълум бир эгаси бўлмаган ўлик ерни тирилтиришни одамларга мубоҳ қилди ва уни умумий мулк қилиб белгилади. Ўлик ердан ким фойдалана олса фойдаланади ва уни ким тирилтирса, ер уникидир. Ислом фуқаролар ишларини ғамхўрлик билан бошқаришни, уларга ёрдам кўрсатишни, эҳтиёжларини таъминлашни ва турмушларини енгиллаштиришни давлатнинг бурчи қилиб белгилади. Шунинг учун кимки яшаш ва экин экиб, унумдор ерга айлантириш учун ўлик ерни тирилтирса, ер уникидир. Шу ўринда савол туғилади: ушбу аҳкомлар татбиқ этилиши билан ишсизлик, уй-жой муаммоси ёки товар ва хизматларнинг етишмаслиги муаммоси сақланиб қоладими? Ёки бу аҳкомлар инвестицияга рағбатлантириб, пул олиб келадими? Иш ўринларини яратиб, бойликни кўпайтирадими? Ишсизликни ва қашшоқликни тугатадими? Ишларни муолажа қилиш ва тартибга келтиришда Ислом ва капиталистик низомларидан қайси бирини «муваффақиятли» деб айтиш тўғрироқ? Шубҳасиз, муваффақиятли низом мўъжизакор Ислом низомидир.

Солиқлар Ислом ва капитализм ўртасида

Ислом одамларга, уларнинг меҳнати ва пулларига солиқ солишни, божхона солиқларини жорий этишни ҳаром қилган. Аксинча, Ислом одамларнинг эҳтиёжлари қондирилишини енгиллаштиришни давлатга мажбурият қилиб юклаган. Йўлларга асфалт ётқизиш, бозорларни таъминлаш, одамларнинг пуллари ва савдоларини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал этиш ҳамда улар ўртасида солиқсиз ва эвазсиз ҳукм чиқариш орқали одамларга ёрдам кўрсатиш давлатнинг мажбуриятидир. Чунки имом бошқарувчидир ва у ўз фуқаролари устидан жавобгар. Аллоҳ Ўз Пайғамбари ﷺ ни одамларга солиқ йиғувчи эмас, балки ҳидоятга бошловчи қилиб юборди. Бундай ҳукмлар шахс, жамият ва давлат учун қандай натижаларни олиб келади? Бундай ҳукмлар одамларни меҳнат қилишга, мулкка эга бўлишга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантиради. Жисмоний шахслар турмуши фаровонлашишини ва уларнинг бойликка эга бўлишини таъминлайди. Сифатни яхшилайдиган ва нархларни кескин пасайтирадиган рақобатга ундайди. Шунингдек, давлатнинг бой ва кучли бўлишини таъминлайди ҳамда уни қарзлардан беҳожат қилади. Тўғрироғи, мамлакатни ҳақиқий сармоя қибласига ва пуллар бошпанасига айлантиради. Одамлар у ерда яшашга интилади, унга мансуб бўлишни ва унинг фуқаролигини

олишни истайди. Шунингдек, капитализмнинг ёндирувчи жазирамасидан қочиб, унинг кенг соясидан бошпана қидиради.

Капиталистик низомга келсак, одамларга солиқ солиш унинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб, ушбу низомни бошқарувчилар шу орқали барча шахслардан, улар рози бўлган ёки хорланган ҳолларида, пулларини тортиб олишади. Капиталистик низомда солиқ давлат пулининг манбасидир. Бунинг учун улар бутун маҳоратларини ишга солиб, солиқ солиш ва уни кўпайтириш йўллариини ўйлаб топишади. Солиқ барча товар ва хизматларга солинади. Бундан одамларнинг тўқсон фоизни ташкил этувчи гуруҳи зиён кўради. Биринчи навбатда фойда кўрувчилар 1 %дан биров кўпроқни ташкил этувчи гуруҳдир. Солиқ солинадиган ўринлар кўп қиррали бўлади. Ишлаб чиқаришнинг, шунингдек, жисмоний шахслар, товарлар, булардан бошқа пул ва хизматлар ҳаракатининг барча босқичларида солиқ солинади. Бу эса товар ва хизматлар нархининг хаёлий нисбатларга кўтарилиб кетишига олиб келади. Нархлар баъзида 100 %га, баъзида 200 %га ва баъзи ҳолларда бундан бир неча баробар кўпроқ фоизларга кўтарилиб кетади.

Агар қандайдир бир товарни ишлаб чиқариш учун завод қурмоқчи бўлган инвесторни тасаввур қиладиган бўлсак, солиқлар завод қуриш учун лицензия олишдан бошланади. Завод қуриладиган жойнинг ёки шу жой ижарасининг нархиға, кейин маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материалларга солиқ солинади. Буларнинг барчаси уларни сотиб олиш нархиға етгунига қадар бир қатор солиқларга дучор бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш қуролларига ҳам солиқ солинади. Кейин ишлаб чиқарилган маҳсулотга сифатни текшириш, уни назорат қилиш ва шунга ўхшаш бир неча сабабларга кўра солиқ солинади. Солиқнинг ўлғуржи солиқ, чакана солиқ ва қўшимча қиймат солиғи каби турлари бўлади. Инвесторнинг қўлидаги ходим ва хизматчилар тўғридан-тўғри даромадларидан солиққа тортиладилар ва у юқори бўлади. Солиқлар инвесторни ходимларининг иш ҳақини оширишга мажбур қиладди. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулот харажатлари ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини оширади.

Ўлғуржи савдо билан шуғулланувчи савдогарнинг хизматчиларига ҳам даромад солиғи солинади, бу эса товарнинг нархи кўтарилишига олиб келади. Бу ҳолат чакана савдо билан шуғулланувчи савдогарга ҳам тегишли. Шундан сўнг, биринчи инвестордан тортиб то охириги савдогаргача бўлган сотувчиларнинг фойдаларидан йиллик даромад солиғи олинади. Бундан ташқари, савдогарлар товарларнинг нархиға «ишчиларнинг ижтимоий таъминоти» ва ишдан бўшатиш нафақасини

қўшишлари керак бўлади. Буларнинг барчаси давомида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона юқори солиқни ўз ичига олган ёқилғига муҳтож бўлади.

Ушбу тизимда ҳар бир ҳаракатга, одамлар учун керакли ҳар бир хизматга ва ҳатто суд тизими ёки ўлган одам қолдирган меросга ҳам солиқ солинади. Ким ҳужумга учраса, унинг судга мурожаат қилиши ва ўз ҳуқуқларини тиклаши унга жуда қимматга тушади. Мерос ўз ворисига топширилганида ҳам, унга катта солиқ солинади. Солиқларнинг нархларга, бинобарин, қашшоқлар турмушига таъсири қандай бўлади? Солиқлар шахс ва жамият учун энг катта ёвузлик бўлиб, уларни бутунлай кўтариш нархларнинг кескин тушиб кетишига олиб келади. Шундай қилиб, солиқларни олдини олувчи тизим сармоядорлар, сайёҳлар, рақобатга интилувчилар, шунингдек, фойда, бойлик ва фаровон турмуш изловчилар учун манзилга айланади.

Ғарб фикрларига алданган тўтиқушлар ушбу тизим арбоблари одамлар онгига нимани сингдирган бўлса, шуни такрорлашади. Улар одамларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқариш учун давлатга даромад манбаси керак, бунинг учун солиқлардан бошқа манба борми? – дейишади. Буни айтишар экан, ўзларини ҳақ устидамиз деб ўйлашади. Улар мавҳумлик гирдобида қолган нодонлардир. Уларнинг кўзларини парда қоплаган бўлиб, капитализм шайтонлари, пул китлари ва ушбу тизимдаги нуфузли кишилар кўрсатган нарсадан бошқа нарсани кўришмайди.

Росулulloҳ ﷺ Исломни ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, иқтисодда ҳам татбиқ этганлар. Бунда У зотга рошид халифалар эргашди ва асрлар давомида Исломий давлат шу йўлдан борди. Шундан экан, улар давлат пулларининг манбаларини ва давлат ўз фуқаролари ишларини қандай бошқарганини билиш учун барча солиқларни ҳаром қилган ушбу низомга қарамайдиларми?!

Исломда мулк турлари

Ислом мулкни уч турга бўлди. Улардан бири давлат мулки бўлиб, унинг манбаларини сифат ва турлари билан чегаралади. Шунинг учун улар ўзгармайди. Нефть, бошқа фойдали қазилмалар, ўрмон ва яйловлар каби давлат мулкидан ташқари умумий мулкларни ҳам ишларни бошқаришнинг энг муҳим манбаларидан бири қилиб белгилади. Давлат жамият манфаатлари йўлида маблағ сарфлаши лозим. шунинг учун электр энергиясини ишлаб чиқариш, йўл ва транспорт тармоқларини қуриш, истироҳат боғларини яратиш, одамларнинг эҳтиёжлари қондирилишини осонлаштириш, шунингдек, уларнинг меҳнат қилишлари, ҳаракатланишлари ва савдо

ишлари билан шуғулланишлари учун қулайлик яратиш каби бутун жамиятга фойда келтирадиган ишларни амалга оширади. Шунингдек, манфаати бутун фуқароларга тегишли бўлган заводларни қуриш, таълим ва тиббиёт соҳасини бошқариш, қурол-яроғ ишлаб чиқариш, лабораториялар барпо қилиш ишлари ҳам давлатнинг вазифасидир. Бу одамларга қимматчилик олиб келмайдиган, аксинча, пул ва фойда олиб келадиган муҳим манбадир. Чунки буларнинг барчаси умумий мулкдир. Шунингдек, пулга, экин ва чорва турларига, савдо молларига закотни фарз қилди ва унинг сарфланадиган ўринларини белгилади. Закот шариат белгилаган бобларда давлат ўз фуқаролари ишларини бошқарадиган ишлардандир. Ислом ўлжа, хирож, жизя ва рикознинг бешдан бирини давлат мулкининг манбалари қилиб белгилади.

Одамларнинг молиявий ишларини таъмин этишнинг бундай услубига назар ташласак, камбағалга ёки бой бўлмаганларга жуда оз миқдорда бериладиган фитр садақасидан бошқа пул юкланишини кўрмаймиз. Мусулмонлар фитр садақасини оиласининг ҳар бир вакилидан чиқарадилар. Давлатнинг барча фуқаролари умумий мулк ёки унинг фойдаларидан бепул фойдаланади. Закотга келсак, у зараркунанда тузумлардаги каби ишга, ишлаб чиқарилган маҳсулотга солинадиган солиқ, ишга рухсат олиш учун тўланадиган тўлов эмас. Балки шарт ва сабаби топилиши билан бойнинг эҳтиёжидан ортган пулидан 2,5 фоиз миқдорда бериладиган садақадир. Экин ва чорвалар закоти ҳам шунга ўхшайди. Закот истеъмолчиларга товар ва хизматлар нархининг кўтарилиши каби қийинчиликларни олиб келмайди, балки камбағалларга даромад олиб келади, бозорни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни фаоллаштиради. Хирожга келсак, у хирожий ерга солинадиган тўлов миқдоридир. Хирожий ерга давлат эгалик қилади ва давлат бу ердан ижара ҳақи олмайди. Жизяга келсак, у давлат фуқаролари бўлган ғайримусулмонларга солинадиган арзимаган тўлов миқдоридир. Жизя балоғатга етган, уни тўлашга қодир бўлган эркак кишилардан олинади, аёллар ва ёш болалардан олинмайди. Файъ (ўлжа) эса, уруш ва жиҳод ғаниматлари бўлиб, у жамиятга бирон бир зарар ва қимматчилик олиб келмайди, камбағал ёки мискинни машаққатга солмайди, аксинча, уларга ризқ ва манфаат олиб келади.

Монополия

Ислом ҳар қандай товарнинг монополия қилинишини ҳам ҳаром қилди. Монополия одамлар турмушини оғирлаштириш сабабларидан, шунингдек, капиталистик низомдан манфаатдор бўлганларнинг ўз фойдаларини одамларга машаққат туғдирадиган

даражада кўпайтириш воситаларидан биридир. У мулк эркинлиги талабларидан бўлиб, китоб, ғоя, машина, қурилма ва булардан бошқа маҳсулотларга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ўз ичига олади... Дори-дармон ишлаб чиқариш ҳуқуқлари, ихтиро ва инновация патентлари ҳам шу ҳуқуқлар сирасига киради.

Исломда мулкчилик мулк эгасининг ўз мулкига нисбатан қонуний ваколатидир. Ким бирон бир китоб ёки электрон маҳсулотга эга бўлса, ундан нусха олиб босиб чиқариш, сотиш ва ундан ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланишда, шунингдек, қонуний фойдаланишнинг барча жабҳаларида ҳуқуқлидир. Дори воситалари, ҳар қандай саноат маҳсулоти ёки бошқа нарсаларда ҳам уларга эгалик қилган киши айна шу ҳуқуқларга эга. Келинг, бунинг жамиятга ҳамда нархларни туширишга, маҳсулотни такомиллаштириб ривожлантириш йўналишидаги доимий рақобатга таъсирини кўриб чиқайлик. Албатта бу катта миқдордаги кўнгилхушлик қилишда ишлатиладиган, зарарли, вақт ва меҳнатни беҳуда совурадиган маҳсулотларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Бу эса кенг жамоатчиликка ва истеъмолчиларга фойда келтиради. Ушбу икки низомдан қайси бирини инсониятга маълум низомларнинг энг юксаги ва намунавийси деб аташ тўғрироқ?! Инсониятнинг улардан қайси бирини татбиқ этиши ва унинг қонунларига бўйсунуши яхшироқ?! Шубҳа йўқки, татбиқ этишга ва қонунларига бўйсунушга меҳрибон ва ҳар бир ишдан хабардор зот томонидан нозил қилинган раббоний низом лойиқдир.

Исломда пул ва молия низоми олтин ва кумуш низомидир

Агар юқорида айтилган иқтисодий муносабатлар борасидаги мисоллардан пул ва молия тизими борасидаги қонунларга ўтадиган бўлсак, бу борада Ислом ва капитализм ўртасида аниқ фарқларни кўрамиз. Яъни муолажаларнинг инсонийлиги ва намунавийлиги жиҳатидан, шунингдек, ҳаётнинг гуллаб-яшнаши, турмуш хотиржамлиги, жамиятлар хавфсизлиги, шахсларнинг етарли даромадга эга бўлиши ва инсоннинг уйғониши жиҳатидан аҳкомларда, қонунлар ва натижаларда фарқ борлигини кўрамиз. Ислом олтин, кумуш ёки булардан бошқа металл ва қоғоз пуллар каби барча турдаги пулларни муомалада қўллашни мубоҳ қилди. Ислом давлатининг пул бирлиги билан бошқа давлатлар валюталари ўртасида алмашинувга ҳам рухсат берди ва пул босиб чиқаришни давлатга тегишли қилди. Аммо, агар муомаладаги пул бирлигининг исталган вақтда қонунда белгиланган қийматдаги олтин ёки кумушга алмаштириш имконини берадиган қопламаси (таянчи) бўлмаса, Ислом ҳар қандай қийматдаги пул бирлигини босиб чиқаришни

ҳаром қилди. Шунинг учун давлат томонидан босиб чиқарилган ҳар қандай пул бирлиги, хоҳ у металл ёки қоғоз пул бўлсин, шаръан муомаладаги қийматига тенг олтин ёки кумуш билан қопланган бўлиши керак. Шундай қилиб, одамларнинг пуллари сақланиб қолади. Чунки уларнинг қиймати, қиймати ўзига хос бўлган икки фойдали қазилманинг (олтин ва кумушнинг) бири билан белгиланган. Бу пулларга эгалик қилган киши ўша фойдали қазилманинг қиймати асосида уларга эгалик қилади. Чунки уларнинг қиймати олтин ва кумуш қиймати билан белгилангани учун барқарор бўлади. Бу пул бирлиги ўлчови бўлган пойдеворнинг барқарорлиги туфайли пул низомидаги барқарорликка олиб келади. Шунинг учун давлатнинг олтин ва кумушдан бошқа нақд пул, янги банкнотлар ва облигацияларни, агар уларнинг қиймати қонуний қопламага, яъни олтин ва кумушга таянмаса, босиб чиқариши жоиз эмас.

Шундай қилиб, Ислом давлатининг пули босиб чиқарилган биринчи кунданоқ жаҳон бозорларига кириб борадиган пул бўлади. Одамлар қаерда бўлмасин, ўз пулларини сақлаб қолиш учун унга эгалик қилишга интиладилар. Унинг қиймати кафолатланган, барқарор ва инфляцияга учрамайдиган бўлгани учун ўзларининг савдо ва молиявий муносабатларида бошқа пулларга қараганда кўпроқ у билан муомала қилдилар. Шундай қилиб, Исломий пул низоми ишончли низом бўлиб, барча одамларнинг пуллари унга ишониб топширилади. У шунингдек, одамларнинг пулларидан ҳеч қандай воқеа натижасида ҳам, вақт ўтиши билан ҳам чегириб қолмайди. Бу низом олтин ва кумуш ўртасида, олтин ва кумуш билан қопланган пуллар ўртасида, қопламаси қандай бўлишидан қатъий назар турли валюталар ўртасида ҳам, ҳатто валюта курслари фарқли ва ўзгарувчан бўлса ҳам айирбошлаш имконини берадиган низомдир. Ислом давлати пулининг қиймати барқарор бўлгани сабабли, олтин ёки кумуш билан қопланмаган ва ўз қийматини доимий равишда йўқотадиган бошқа валюталарга нисбатан узоқ муддат давомида доим кўтарилади. Шунинг учун исломий пул низоми олтин қоидасига ёки икки фойдали қазилма бўлган олтин ва кумуш қоидасига асосланади.

Бугунги кунда Америка бошқараётган капиталистик пул-молия низомига келсак, у халқларнинг бойлиги ва меҳнати устидан ҳукмронлик қилувчи низомдир. Бу низом пул ва бойликларни тўплаш йўлида очкўзлик ва адолатсизликнинг энг очиқ ва жирканч кўринишлари билан барча қадриятларни оёқ-ости қилади. Бу мустамлакачиликнинг ҳар хил, янгиланган услублари орасидаги бир услубидир. Буларнинг барчаси эркинлик, инсон ҳуқуқлари ва

ривожланиш каби жозибадор шиорлар, шунингдек, тараққиётни ҳамда қашшоқлик, касаллик ва қолоқликни тугатишни ваъда қиладиган ёлғон режалар остида амалга оширилади. Шундай қилиб, халқларга куч ва алдов билан, малайларни ишга солиш орқали иқтисодий ва молиявий қонунларни, ислохот ва ривожланиш программаларини юклайдилар. Улар буларни гўёки даволаниш учун берилган тиббиёт рецептидек тақдим этадилар. Аслида эса, булар халқларни тузоққа тушириш, уларни бўйсундириб қул қилиш мақсадида ўзларига боғлаш учун берилган рецептлардир. Улар халқлар бойлигини талон-торож қиладилар ва агар бойликлари таланиб тугаса, пайдо бўлган янги вазиятни ҳал этиш учун янги режаларни ўйлаб топадилар. Аслида булар мамлакат бойликлари ва ресурсларига бевосита эгалик қилиш учун капитализмнинг ўйлаб топилган тузоқларидир. Агар улар бунга эришсалар, даволаниш рецептлари номи остида яна янги режалар тузадилар, услублар ўйлаб топадилар. Шундай қилиб, капиталистлар инсон аъзолари билан савдо қилиб, одамлар артерияларидаги қонни ўзларининг захиралари ва банкларига ҳайдайдилар. Капиталистик низомдаги ривожланиш лойиҳалари халқлар устидан ҳукмронлик қилиш ва уларни қулга айлантиришдан ҳамда қашшоқликни тугатиш шиорлари қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас. Аслида, бу бойларни қашшоқлаштириш ва камбағалларни йўқ қилишдир. Бугунги глобал молия низоми бир кўриб чиқишнинг ўзиёқ, ушбу ҳақиқатни аниқ кўрсатади.

Капиталистик пул низомининг қоғоз-доллар низомига ўтиши

Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган пул низоми доллар низоми ёки доллар қоидаси деб аталишга лойиқ. Чунки долларни ва Қўшма Штатлар босиб чиқарган ҳар қандай қоғоз пулни дунё қабул қилади ҳамда ҳақиқий қийматнинг муқобил балансисиз, унга қайд этилган рақамга кўра қийматга эга деб ҳисоблайди. Бу алдов, тил бириктирув, куч қўллаш ва эксплуатация қилиш орқали бутун дунёга юкланган.

Тарихда одамлар олтин қоидаси асосида муомала юритишган. Ён тўққизинчи аср бошларида ушбу низомни қонунлаштириш ҳамда ташқи савдони ва халқаро савдо алмашинувини шу асосда тартибга келтириш пайдо бўла бошлади. Кўплаган давлатлар ўз валютасининг қатъий қийматини белгилашга киришди. Масалан, 1816 йил 22 июнда Британияда фунт стерлинг қийматини 7,988 грамм олтин оғирлигида белгилаш тўғрисида қонун чиқди. Францияда 1802 йил 10 апрелда француз франкининг қиймати 322,58 миллиграмм олтин оғирлиги билан белгиланди. Германияда 1873 йил 9 августда немис маркасининг қийматини 398,2 миллиграмм олтин оғирлигида

Белгилаш тўғрисида қонун чиқди. Россия рублига нисбатан ҳам айна шу ҳол юз берди. Чунки 1897 йилда Россия рубли 747 миллиграмм олтин оғирлиги билан белгиланди. Америка долларининг қиймати ҳам, кўп иккиланишлардан сўнг 1900 йил 14 мартда қабул қилинган, олтин стандарт хартияси деб танилган қонунга мувофиқ 1,5 грамм олтин оғирлиги билан белгиланди. Ушбу асосларга кўра, халқаро савдо ва валюта алмашинувида муаммолар йўқ эди. Чунки ҳар бир валютанинг бошқа валютага нисбатан эквиваленти уларнинг олтиндаги қийматидан келиб чиқиб аниқланарди. Бу ҳолат дунёда олтин қонидаси қабул қилинганидан бошлаб то биринчи жаҳон уруши бошланишигача давом этди.

Уруш кўлами кенгайиб, унинг харажатлари урушда қатнашаётган давлатлардаги ишлаб чиқариш қувватидан ошиб кетгач, бу давлатлар ўз захираларини ўзларининг пулларидан ва уларнинг олтин қопламаларидан бўшата бошладилар. Шунингдек, катта миқдорда қопламасиз мажбурий қоғоз пулларни чиқардилар. Шундай қилиб, олтин қонидаси низоми тугатилди ва халқаро пул низоми қулади. Урушдан кейин ушбу низомни ислоҳ қилиш уринишлари бўлган бўлса-да, бироқ бу уринишларнинг барчаси муваффақиятсизликка учради. Чунки дунёдаги олтин захираларининг асосий қисми уруш харажатлари таъсирини ҳис қилмаган Америка Қўшма Штатларига юборилган эди. Урушда қатнашган Европа давлатлари эса, вайрон бўлган, ожиз ва ғазнаси бўшаган ҳолатда эди. 1929 йилда юз берган, Американи ва бутун дунёни қамраб олган глобал иқтисодий инқироз бунга қўшимча бўлди. Европа давлатлари ўз валюталарини қонуний жиҳатдан олтинга эквивалент бўлиши керак бўлган нарсага алмаштиришдан воз кеча бошладилар. 1931-1936 йиллар оралиғида Англия ва унинг барча мустамлакалари, Япония, Америка, Белгия, Люксембург, Франция, Голландия, Италия ва Швейцария ўз валюталарини олтинга алмаштиришни тўхтатишларини эълон қилишди. Кейин 1939-1944 йилларда иккинчи жаҳон уруши бошланди. Уруш ғарбий Европа давлатлари, Совет Иттифоқи ва Япония иқтисодиётини вайрон қилди. Бу давлатларнинг пуллари ва олтинлари урушдан қочган капитал шаклида ёки ҳарбий харидлар учун АҚШга оқиб келди. Ҳатто дунё олтин захираларининг учдан икки қисми Америкага тегишли бўлиб қолди.

Бреттон-Вудс келишуви ва олтин алмашинув низоми

Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан Европа улкан йўқотишларга ва вайронагарчиликларга учради, пул тизимида тартибсизликлар юзага келди, Америка иқтисодий ва молиявий кучга айланди. Буларнинг натижасида дунё раҳбарлари ва расмийлари халқаро валюта

шароитлари ва ташқи савдони тартибга келтириш учун шошилинь конференция ўтказишга чақирдилар. Сўнг 1944 йил 1 июльдан 22 июлгача давом этган Бреттон-Вудс конференцияси Қўшма Штатларнинг Нью-Гемпшир штатида ўтказилди ва унда 44та давлат иштирок этди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги шароит туфайли Бреттон-Вудс келишуви дунёга келди. Америка бу келишув орқали Европа ва бутун дунё устидан ўзининг валюта ва иқтисодий назоратини ўрнатиш асосларини яратишга муваффақ бўлди. Америка долларни қаттиқ валюта ва валюталар қироли сифатида тақдим этиб, унга глобал ишонч бағишлади. Шундай қилиб, олтин алмашинув низоми деб номланган янги валюта низомининг янги босқичи бошланди. Бу босқич 1944 йилдан бошлаб 1971 йилга қадар давом этди. Бу низом АҚШ доллари учун зарарли бўлди ва унинг иқтисодига хавф солди. Сўнг АҚШ президенти Никсон келишувни, келишув мажбуриятларини ва маънавий жавобгарликни ҳисобга олмасдан, уни бекор қилишини эълон қилди.

Бреттон-Вудс келишувида ҳар қандай давлат валютасининг қиймати олтин миқдори билан белгиланиши кўзда тутилган эди. Лекин келишувда чиқарилган нақд пул миқдорининг олтин қопламаси бор бўлиши кераклиги ва Американи истисно қилганда, давлатларнинг ўз валюталари эвазига олтин бериши шарт қилинмаганди. Аммо бу давлатлар ўз валюталарини қоплаш учун ўзларининг марказий банкларида маълум миқдорда доллар сақлашлари, шунингдек, пул бирлигининг қиймати олтин ёки долларнинг тахминий салмоғи билан белгиланиши керак эди. Америка доллар қийматини бир унция учун 35 доллар эквивалентида белгилади ва талаб қилинганда ўз долларини олтинга алмаштиришга ваъда берди.

Келишувда пул нархларининг фақат 1 % миқдорида кўтарилиши ёки пастлашига йўл қўйилиши кўзда тутилган. Бу давлатлар урушдан вайрон бўлган, хазиналари бўм-бўш ҳолда чиққанлари сабабли, Америка эса, кучли, дунё олтинининг учдан икки қисмига эга бўлган ҳолда чиққани туфайли, бу давлатлар ўз пулларини чиқаришда долларни қоплама қилиш учун уни Америкадан қарзга олиши керак эди. Агар бу давлатлар молиявий қийинчиликка дучор бўлса ёки уларнинг пули беқарорликка учраса, улар ўз пулининг нархини 1 %дан ўтиб кетмаган ҳолда сақлаб қолиши керак эди. Шунинг учун улар ликвидликни ошириш учун доллар қарз олишга мажбур бўлишарди ва фақат шартлар билангина ўз валютасини девалвация қилишга ҳақли эди. Америкага келсак, у долларга нисбатан олтин таклиф қилишга тайёр эди ва бунни қатъий тарзда эълон қилди.

Шундай қилиб, агар маълум бир нақд пул эгаси, масалан, ўз пули эвазига олтин олишни истаса, у биринчи навбатда долларни олиши керак эди. Долларнинг манбаи эса ушбу нақд пулни чиқарган марказий банкдир. Шундан кейингина доллар эвазига олтин олади. Бу барча одамларга, муассасаларга ва давлатларга мос келади. Шундай қилиб, доллар қопламага, марказий банклардаги захирага, шунингдек, бошқа валюталар эга бўлмаган ишонч ва хавфсизлик манбаига айланди. Глобал валюта тахтини эгаллаган бу низом олтин алмашинув низоми деб аталади. Аслини олганда бу, биринчи навбатда доллар қоидаси низоми, кейин олтин алмашинув низоми деган маънони англатади. Ушбу келишув ижросини назорат қилиш ва унинг устида пайдо бўлган муаммоларни бартараф этиш учун Халқаро Валюта Фондини глобал муассаса сифатида ташкил этишга қарор қилинган. Халқаро Валюта Фонди келишув ижросини, унинг тўғри ишлашини, молиявий операцияларни ва валюта курсларини назорат қилади ҳамда кредитлар беради. Ўз валютасини девалвация қилиши керак бўлган ҳар қандай давлат ундан олдин кредит олиши керак бўлган ва бу кредитларнинг фойдалари Америкага қайтиб келган. Шунингдек, бу келишувда Халқаро Ривожланиш Банкни ташкил этишга ҳам қарор қилинган. Бу эса, йирик давлатлар ва бутун дунё устидан иқтисодий назорат ҳалқаларини мустаҳкамлаш учун бўлган.

Дарҳақиқат, бу келишув Америка учун олтин тухум қўядиган товуқ бўлди. Шунинг учун Америка халқаро муассасаларни ташкил этиб, уларни Жаҳон Банкига боғлади. У ҳар сафар ўзининг иқтисодий ва молиявий ҳукмронлигини кенгайтиришга эҳтиёж сезганида, Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фонди қонунларини ўзгартирди ва унга янги қонунларни қўшди. Кейин урушда вайрон бўлган Европани қайта тиклаш учун «маршал» лойиҳаси эълон қилинди. Бундан мақсад сармоя, тўғрироғи, Американинг бутун дунёни мустамлака қилиб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўзига рақобатчи бўлган кучларга зарба бериши эди. Ушбу лойиҳа АҚШ давлат котиби Жорж Маршал томонидан тайёрланган ва у буни 1947 йил 5 июнда Гарвард университетидан қилган нутқида эълон қилган. У иккинчи жаҳон уруши пайтида АҚШ армияси штаб бошлиғи бўлган.

Шундан сўнг, Америка учун ҳам, ўз мамлакатлари ва заводлари қайта тикланишидан фойда кўраётган, шунингдек, Американинг, айниқса, Британия ва Франциянинг мақсадларидан огоҳ бўлган Европа учун ҳам ишлар яхши кечди. Чунки Европа берилган ушбу катта кредитлардан фойда кўрди. Европага кредит бериш ва у ерга сармоя киритишда Америка учун ҳам катта манфаат бор эди. Долларни халқаро валюталар устидан ҳукмронлиги, унга бўлган

ишонч ва уни Бреттон-Вудс келишувида назарда тутилган курс бўйича олтинга алмаштириш ишончилиги натижасида унга бўлган талаб ошди. Шунинг учун Америка доллар банкнотини мунтазам равишда босиб чиқарарди. Бунинг натижасида бозорларда доллар миқдори кескин ошди. Европа давлатлари Америка босиб чиқараётган ва уни уларга кредит қилиб бераётган ушбу қоғоздан ўзлари учун хавфни ҳис қилди. Шундай қилиб, Европа давлатлари олтинга муҳтожлигини тушуниб етди ва уни талаб қилиб, ўз банкларида тўплана бошлаган долларларни олтинга алмаштира бошлади. Америка доллар эвазига бир унцияси 35 доллар қилиб белгиланган қийматда олтинни етказиб беришга мажбур эди. Бу эса унинг хазинасида тўпланган олтин захираларининг йўқола бошлашига олиб келди. Бунга АҚШ тўлов балансининг доимий тақчиллиги ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Америка доллар банкнотларини босиб чиқариш орқали камомадга бардош бера олгани, бойлиги ва катта миқдордаги олтинга эгаллиги туфайли, ишнинг бошида бу унинг учун инқироз эмас эди. Бироқ олтинга бўлган талаб ҳажмининг ортиши ва тўлов балансида камомаднинг тўпланиши инқирозга олиб келди. Бу инқироз долларнинг етакчилик қилишига хавф туғдириб, Американи хавотирга солиб қўйди.

Америка учун неъмат бўлган Бреттон-Вудс лаънатга айланди

Устоз Фатҳий Салим ўзининг «Халқаро валюта низоми» номли китобида бу масалани батафсил тушунтириб шундай дейди: «АҚШ иккинчи жаҳон уруши туфайли ўз фондларида дунё олтинининг учдан икки қисмидан кўпроғини, яъни ўша пайтдаги қиймат бўйича тахминан 25 миллиард долларни тўплашга муваффақ бўлди. Дунёдаги доллар захиралари бу қийматнинг чорак қисмидан ҳам кам эди. Ўша пайтда долларнинг 100 % олтин билан қопланиши тўрт баравардан кўпроқ эди. Кейин ташқарида доллар миқдори ошди ва у ерда (Америкада) олтин миқдори камайди. 1949 йилда Америкадаги олтин миқдори 24,5 миллиард долларни, ташқаридаги доллар эса 6,2 миллиард долларни ташкил этди. 1957 йилда олтин захиралари 22,8 миллиардга тушиб кетди, ташқаридаги доллар миқдори эса 14,6 миллиардга кўтарилди. Қоплаш 1960 йилга қадар етарли бўлиб келди. Чунки олтин миқдори 18,8 миллиард долларга, доллар миқдори эса 18,7 миллиардга тенг эди. Кейин пул инқирозларининг бошланиши ҳақида огоҳлантиришлар бошланди ҳамда 1965 йилда номутаносиблик сезиларли ва хавотирли бўлди. Чунки Америкадаги олтин захиралари 14 миллиард долларга тушиб кетган бўлса, ташқаридаги долларлар 25,2 миллиардга кўтарилган эди. Олтин ва доллар инқирози 1968 йил март ойининг ўрталарида энг юқори чўққисига чиқди. Чунки Америка олтин захирасининг эриши

(йўқолиши) тезлашиб, 10,5 миллиард долларга етди, бозорлардаги доллар эса 40 миллиардга чиқди. Бошқача айтганда, Бреттон-Вудс келишувидан кейин долларнинг олтин билан қопланиши 4 баравар бўлган. 25 йилдан сўнг эса, долларнинг атиги 25 %и олтин билан қопланган. Яъни 16 марта пасайган.

Шундай қилиб, Американинг келишувга риоя қилиши унга зарарли бўлиб, инқирозларни келтириб чиқарди. Чунки долларнинг олтинга нисбатан қиймати ошкор бўлди. Америка ҳар 35 доллар учун бир унция олтин бериш мажбуриятини олган бир пайтда, бир унция олтиннинг қиймати тахминан 160 долларни ташкил этар ва у бутун дунёни ўз валюталарини шу асосда сотиб олишга мажбур қилар эди. Бу эса ҳукуматларнинг атайлаб доллар сотиб олишни тўхтатишига, олтин талаб қилиш орқали ундан қутулишига олиб келди ва Американинг олтин захираси йўқолиш арафасига келиб қолди. Америка 1971 йил 15 августда такаббурлик билан, маънавий мажбуриятларни ҳам эътиборсиз қолдириб келишувга риоя қилишни тўхтатишини ва доллар қондаси асосида иш юритишини эълон қилди. У ўзининг ҳарбий ва иқтисодий қувватига таяниб бутун дунёга буни юклади.

Америка қонунга ва ахлоқ нормаларига риоя қилмасдан, куч билан Бреттон-Вудс келишувини бекор қилди

Ҳизб ут-Таҳрир «Пул инқироzi» сарлавҳаси остида 1971 йил 16 августда чиқарган нашрада шундай дейилади: «Кемп-Дэвиддаги резиденцияда 48 соат давомида ёлғиз бўлган президент Никсон 1971 йил 15 август якшанбага ўтар кечаси телевизор экранида пайдо бўлиб, америкаликларга қуйидагича мурожаат қилди: «Долларни ҳимоя қилиш, ишсизликка қарши курашиш, савдо ва тўлов балансини яхшилаш янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Бундан мақсад АҚШнинг дунёдаги биринчи иқтисодий давлат сифатидаги мавқеини сақлаб қолишдир. Бу давлат дунёдаги биринчи рақамли иқтисодий куч бўлиб қоладими ёки биз таслим бўлиб, иккинчи, учинчи ёки тўртинчи давлат бўлишга рози бўламизми? Дунёда эркинлик ва тинчликни таъминлаган кучни сақлаб қоламизми ёки чекинамизми? Буларнинг барчаси сизнинг муҳокамангиз руҳига боғлиқ. Биз бу мамлакатга ўтмишда буюк давлат қуришда ёрдам берган ва келажак дунёсини шакллантиришга ёрдам берадиган ишончни қайтаришимиз керак». Бу сўзлар билан АҚШ президенти бутун Ғарб иқтисодиётини белини синдиришга яқин бўлган, Ғарбга тобеъ мамлакатларни судраб келётган йирик пул-кредит инқирозига қарши курашиш бўйича ўзининг иқтисодий сиёсатини эълон қилди. Никсоннинг режаси эркин дунёга зарба бўлиб, халқаро савдо стандартларини бузди. Ғарб дунёси фонд

биржаларида тартибсизлик уруғини сепди. Кейин эса, саноатлашган мамлакатлар валюталарини беқарорлаштирди».

Ҳа, шундай қилиб, Америка ўз президентининг мурожаати билан ўз мажбуриятини бекор қилди. Ўша вақтдан бошлаб то шу кунгача доллар купюралари билан дунё бойликларини талон-торож қилишда, долларни босиб чиқариб қоғоздаги рақам сифатида тақдим этишда давом этмоқда. Олтин қоидасига асосланган Исломий пул низомига бўйсуниб ўрнига, доллар низомига бўйсуниб ва унга рози бўлиш тўғрими? Исломдаги иқтисод ва пул низоми ҳақида гапирилганда, уни инкор этаётган ёки масхара қилаётганларни нодон, ғофил ва тўтиқушлар деб айтишда бошқа нима дейиш мумкин.

Америка дунёни доллар ва мажбуран жорий қилган қонунлари билан талон-торож қилмоқда

Америка олтин қоплама ғоясига ва олтиннинг пул сифатида қабул қилинишига зарба бериш учун режа тузиб фитналар уюштиришга, олтинни бошқа товарлар каби бир товарга айлантиришга ва мажбурий қоғоз пул низоми қабул қилинишини умумлаштиришга азм қилди. Бундан мақсад доллар банкнотларини валюталар тахтига чиқариш, қолаверса, уни бошқа валюталар қоидаси ва қопламасига айлантириш эди.

Агар ушбу пул низомига капиталистик низомнинг судхўрлик, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг молиявий операциялари каби энг оғир оқибатларини қўшсак, халқларнинг бойликларини талон-торож қилиш ва уларнинг бойликларини куч билан юкланган қонунлар йўли билан қуритишдек шафқатсиз жараёнга гувоҳ бўламиз. Капитализмнинг бутун дунё мамлакатлари ва халқлари учун хавfli инқирозларни олиб келувчи низом эканлигини ҳисобга олсак, у ҳақда агар ундан олдиндан халос бўлинмаса, ҳаммани портлатиб йўқ қиладиган бомба деб айтиш тўғрироқ. Бунга мисол тариқасида айтиш мумкинки, Америка бутун дунёга мажбуран халқаро қонунларни юкламоқда. Бу қонунлар эса, Америка компаниялари ва катта сармоядорларининг жаҳон бозорларига ҳеч бир тўсиқсиз кириб боришига йўл очмоқда. Уларнинг жаҳон бозорларига эркин кириб боришлари учун, бозор эркинлиги, глобал эркин савдо, очиқлик, сармоя киритиш ва булардан бошқа шиорлардан фойдаланилмоқда. Сармоядорлар ва уларнинг пулларини ҳимоя қилиш учун ҳам қонунлар белгиланган. Улар шу қонунлардан фойдаланиб шундай операциялар ва мақсадли тил бириктирувларни амалга оширишадик, бу операция ва тил бириктирувлар улар кириб борган мамлакатлар пулларининг Америка ғазнасига тушишига хизмат қилади. □

ҒАРБ ТАФАККУРИНИНГ ҚОРА ҚУТИСИ (1)

Соир Аҳмад Салома

Демократик, илмоний, либерал, капиталистик мабда моҳиятини ўрганиш учун беш йилдан ортиқ давом этган тадқиқотлардан сўнг, ушбу мабда таянган фикрий асосларга зид бўлган жиҳатлар аён бўлди. Бу жиҳатлар унинг гносеологик¹ қарама-қаршиликларини кўрсатди. Шунингдек, демократия ва илмонийликнинг жамиятда адолатни рўёбга чиқарадиган ёки одамларга уларнинг ҳуқуқларини баён қилиб, тартиблаштириб берадиган ёки давлатнинг барпо этилишидан кўзланган жамоат манфаатини кўрсатиб берадиган бирон бир қонунни чиқара олмаслигини кўрсатди. Бунга қўшимча, яхшилик ва ёмонлик, тўғри ва нотўғрини қонунчиликдан кўзланган муайян мақсадлар ва ижтимоий нормаларни рўёбга чиқариш учун қонунчиликнинг бошланғич асосини таъминлайдиган тарзда белгилаб берадиган бирорта ҳам қонун чиқара олмаслиги аён бўлди. Ғарб тафаккури назариётчилари фикрига таяниб ҳокимиятнинг бошланғич асоси ва манбасининг интеллектуал назарияси ҳамда қонуний тузилиши атрофлича ўрганиб чиқилганидан кейин, ушбу тадқиқот замонавий давлат дилеммасини (чорасиз аҳволини) аниқ баён қилиб берди. Интеллектуал (гносеологик) дилемма қуйидагича гавдаланади:

Биринчи: бир томондан инсон билан унинг ҳаётдаги роли, иккинчи томондан у билан ҳаёт ўртасида фикрий бўшлиқ пайдо бўлади.

Демократик-илмоний-либерал-капиталистик мабданинг асл моҳиятини ўрганиш давомида қуйидагича хулосага келдик:

1 – Демократик-илмоний-либерал мабдада инсон, ҳаёт ва коинот ҳақидаги умумий фикратнинг (holistic world view) йўқлиги: Бу оддий ва табиий савол, аммо унинг жавоби маълум бир эътиқод учун асос бўлиши мумкин бўлган бутун бир мафкуравий тизимни ташкил этади. Унинг ёрдамида барча муаммолар – улар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ёки ахлоқий бўладими, бундан қатъий назар – бир текисда муолажа қилинади.

2 – Демократик-илмоний мабданинг инсонга унинг мавжудлигидан (дунёга келишидан) кўзланган мақсадни тушунтириб берадиган тушунчани тақдим этмаслиги: Демократик мабда инсонга нима учун дунёга келгани ҳамда унинг яратувчи, ҳаёт ва коинот билан алоқаси ҳақида бирон бир тушунча бермади. Бу

⁽¹⁾ Борлиқни, дунёни билиш, унинг аниқлиги, манбаи ва шакллари ҳақидаги фалсафий таълимот.

нарса инсоннинг хатти-ҳаракатларига, шу жумладан асосланиб яшаши керак бўлган турмуш тарзининг андозаларига, шунингдек, инсон уларни рўёбга чиқариш учун яшайдиган ёки уларни ўз амаллари учун миқёс қилиб олиши мумкин бўлган қийматларни белгилаб берувчи назарияга таъсир қилади. Демократик мабда инсонни коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги тушунчаларидан ажратишга, шунингдек, инсон билан ушбу манҳаж ва қийматлар ўртасини боғловчи риштани узишга ҳаракат қилди. Шундай қилиб, инсонга бирон бир манҳаж (программа) ва талқинни тақдим этмади. Ҳатто қийматларни қадрламади ва инсонни ўз манҳажини, талқини ва қийматларига кўра яшашига ҳам ташлаб қўймади. Бу ақлий зиддият ва улкан интеллектуал муаммодир. Чунки дунёга келишдан кўзланган мақсадни англаш идеологиялар уни четлаб ўтиши мумкин бўлган иккиламчи масала эмас. Бундай тасаввурга эга бўлмасликнинг таъсири фақат ҳалокатли бўлиши мумкин. Чунки ҳеч қандай шароитда инсон онгида дунёга келишдан кўзланган мақсад, ҳаёт манҳажини ва қийматларини ҳақидаги тасаввур билан ҳаёт ўртасида бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳаётнинг бундай тасаввурдан холи бўлиши ҳам тўғри эмас. Ҳаёт манҳажининг (бундай тасаввурдан) ажратиб қўйилиши ҳаддан ташқари қарама-қаршилиқни келтириб чиқарувчи масаладир. (Илмонийлик инсон учун унинг ҳаётдаги вазифасини (яъни, ҳаёт ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқадиган масъулияти ва дунёга келишидан кўзланган ғояни) белгилаб берадиган ҳар қандай эътиқоддан узоқлаштирувчи ҳаёт программасини чизиб беришни истайди). Қандай қилиб инсон ўз ҳаёт йўлини бу ҳаётда амалга ошириши учун зиммасига олган роли, вазифаси ва масъулиятларига алоқадор бўлган марказий саволдан ажратиб қўйиши мумкин. Зеро, борлиқ ва ҳаёт ҳақидаги айни шу тасаввур инсоннинг турмуш тарзи ва эътиқодини баён қилиб берадиган механизм, услуб ва манҳаж ўрнидадир. Инсон ушбу ҳаётда яшайдиган кўзланган мақсадига эришиши учун шу эътиқод ва турмуш тарзига асосланиши лозим.

Иккинчи: Ҳокимиятнинг қонунийлиги дилеммаси (ҳокимият инстанцияси ва манбаи):

Ғарб муфаккирлари илгари сурган назарияга кўра, давлатни, унинг конституцияси ва қонунларини халқ суверенитети тамойилини амалга ошириш ҳамда халқ ҳақиқатдан ҳокимият манбаи бўлиши асосида қуриш зарур. Давлатнинг (ҳокимиятнинг) мавжудлиги ушбу асдан келиб чиқиши ва давомийлигининг қонунийлигини рўёбга чиқариш учун унга таянилиши керак. Ушбу асосга таяниш халқ суверенитетини

амалга оширишнинг асл кафолати ҳисобланади. Чунки ҳоқимият халқнинг умумий иродаси (General will)¹ маҳсули бўлсагина қонуний бўлади. Халқ ўз суверенитетини кўрсатадиган ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаса ва бу ҳаракатлар суверенитетнинг ҳақиқий тимсолига айланмаса, у ўзининг мутлақ суверенитети ҳуқуқидан фойдаланолмайди ва ҳоқимият манбаи бўла олмайди. Шунингдек, қонунлар халқ иродасини ифодаласагина, халқ ҳақиқатдан ҳоқимият манбаи бўлади. Халқнинг қонун ва конституцияга бўйсунуши шу шартга (унинг ҳоқимият манбаи бўлишига) асосланади. Чунки халқ ўзининг умумий иродасини гавдалантирган ҳамда суверенитетини ва ҳоқимиятига табиий эгаллигини ифодалайдиган қонун ва конституцияга бўйсунди. Агар халқ ушбу сифатни йўқотса, уни конституция ва қонунларга бўйсундириш учун катта куч сарфлаш керак бўлади.

Агар қонунчиликни ва қонунларни ўрнатишга боғлиқ масалаларда, ҳоқимиятни танлашда, халқ суверенитетини ва унинг ҳоқимият манбаси эканлигини гавдалантирган ҳолда бошқарув, қонунчилик ва адлия ишларида уни халқ номидан вакил қилишда ҳоқимият билан халқ ўртасида яқин ва ҳақиқий алоқа бўлмаса, ундан келиб чиққан ҳоқимият халқнинг умумий иродасини, унинг ҳоқимият манбаси эканлигини, суверенитетга ва ҳукмронликка эгаллигини гавдалантирмайди. Натижада, давлат ўз қонунийлигини йўқотади, унинг ижтимоий шартномаси бузилади ва у демократик ҳоқимиятдан авторитар ҳоқимиятга айланади.

Қолаверса, демократик-илмоний-либерал низом қонуний ва амалий жиҳатдан халқнинг суверенитет тамойили рўёбга чиқишини таъминлай олмади ёки уни ҳақиқатда ҳоқимият манбаига айлантира олмади. Шунинг учун сиёсий ҳоқимиятнинг келиб чиқиши ва унинг

(1) Маърифатпарвар файласуфлардан бири Руссо умумий ирода «general will» атамаси билан жамоа иродаси «ofal will» атамаси ўртасида фарқ бор деб қарайди. Унинг айтишича, жамоанинг иродаси ўз манфаатларига эришиш учун ўзларининг бир хил иродасини ифодалаш мақсадида бирлашган айрим шахсларнинг иродасидир. Улар учун бошқаларнинг иродаси ва манфаатлари аҳамиятсиз. Масалан, улар сайловлар орқали эришиш мумкин бўлган шахсий манфаатларни илгари сурадиган бир-бирига қарши иродалардир. Улар сайловолди дастурида уларнинг манфаатларини илгари сурган номзодларни танлайдилар. Аммо умумий ирода жамият иродаси бўлиб, у умумий манфаатга риоя қилишга эътибор беради. У жамиятнинг аксарияти ёки алоҳида бир гуруҳнинг эмас, балки бутун бир жамиятнинг иродасидир. Руссо айтади: «Фақат умумий иродагина давлат кучларини давлат қуришдан мақсад сари, яъни умумий яхшиликни амалга ошириш сари йўналтира олади. Чунки, жамиятлар пайдо бўлишини заруратга айлантган нарса шахсий манфаатлар тўқнашуви бўлган бўлса, айнан шу манфаатларнинг келишуви уларни имконли қилиб қўяди. Чунки ушбу манфаатлар ўртасида келишув бўлмаганида мутлақо жамиятлар барпо бўлмаган бўлар эди».

манбаи Уммат ёки халқнинг «умумий иродаси»дан келиб чиқмади. Тузум эса ўзининг барпо бўлиш қонунийлигини назарий жиҳатдан суверен бўлган халқдан олмади. Чунки аслида халқ ва ҳокимият ўртасидаги бу муносабатлар халққа тўлиқ суверенитет ва ҳукмронликни бериш ҳамда қонунларни халқдаги ҳар бир шахснинг ҳуқуқини тўғри гавдалантирадиган суратда ишлаб чиқариш орқали гавдаланиши керак эди. Лекин воқелик бу ғоя олдида харсанг тошдек эди. Чунки одамларни бир майдонга йиғиб, бошқарув низоми ва идорага алоқадор ҳар бир масалада улар билан маслаҳатлашиш, уларга ким вакил бўлиши, уларга қандай қонун чиқарилиши, уларнинг умумий манфаатлари нималардан иборат экани, улар қандай назорат қилинишини белгилашлари ва мана шу ишлар борасида келишишлари мумкин эмас. Биринчи чекиниш шундан иборат бўлдики, ғарб тафаккури ҳуқуқни амалга оширишдан уни амалга ошириш имконияти¹ ҳақида ҳамда келишув ўрнига кўпчиликнинг фикрини олиш ҳақида гапиришга ўтди. Бу ерда иккинчи тош (тўсиқ) ҳам бўлиб, у одамларга улар устидан ҳукмронлик қиладиган қонун ва тузумларни ҳамда уларни қандай татбиқ этилишини бевосита танлаш имкониятини бериш орқали кўпчиликнинг фикрига эришиб бўлмаслигидир.

Ғарб тафаккури ушбу умумий иродани ҳамда сиёсий воқеликдаги ҳокимият ва суверенитет ҳуқуқини вакиллар сайлаш орқали гавдалантиришда иккинчи марта таназулга юз тутди. Чунки бу кўпчиликнинг фикрини шакллантиришда назарий жиҳатдан кафолат бўлса-да, амалда муваффақиятсизликка учради. Бу ҳуқуқ шундай нарсаки, ҳокимият ўзини мана шу ҳуқуқни деб ташкил этилганини даъво қилади. Ғарб тафаккури қонунларни қабул қилиш учун масъул бўлганлар (улар вакиллар бўлиб, ҳар бири халқнинг яқдиллиги ёки кўпчиликнинг фикрини ифодалаши керак) жамиятнинг фикрини ифодалашини таъминлайдиган тузумни ишлаб чиқишда муваффақиятсизликка учраганига қўшимча равишда, ҳокимият бир ҳовуч мустабиднинг қўлида тўпланиб қолмаслигини таъминлашда ҳам муваффақиятсизликка учради. Дунёдаги турли сайловлар натижаларини кузатувга ихтисослашган веб-сайтлар орқали ўрганар

(1) Яъни сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи бўлиб, унда ким хоҳласа иштирок этади ёки қатнашмайди. Лекин бундаги муаммо натижа ҳар қандай тарзда ҳам яқдиллик у ёқда турсин, ҳақиқатда кўпчиликни гавдалантирмайди. Бу сайлов жараёнининг табиати, бошқача айтганда, ўша сайловга мувофиқ фаолият юритувчи механизмнинг табиати билан боғлиқ. Шундай қилиб, ҳуқуққа олиб борадиган механизмларнинг муваффақиятсизлиги соясида ҳуқуққа эришишга имкон бериш бемаънилик бўлиб, халқ у орқали ўз суверенитетини гавдалантира олмайди.

эканмиз, сайловлар кўпчиликнинг фикрини ўрнатмаганлигини ва уларда ғолиб ҳам кўпчилик фикрининг маҳсули эмаслигини аниқладик. Биз бунга ушбу мавзунинг бошқа жойида тўхталдик.

Бир томондан, Ғарб тафаккури умумий иродани, яъни шахслар иродасига боғлиқ бўлмаган халқ иродасини рўёбга чиқарадиган механизмлар функционалигини кафолатлашга уринишда бутунлай муваффақиятсизликка учради. Шунинг учун конституция қабул қилганда ҳам, қонунлар қабул қилганда ҳам ҳеч ким бутун халқнинг хоҳиш иродасини ўрганмади. Шунингдек, уларга зид бўлган нарсаларни четга суриб, қолганларини «Умумий ирода»ни ифодалаш учун танламади ҳамда жамият муаммоларининг ечими ва алоқаларини шу фикрларга асосламади. Ғарб муфаккирларининг жамият қарашларига таяниб, унинг муаммоларини ҳал этиш мумкин, деган назариялари асоссиз бўлиб чиқди. Қолаверса, илмоний-демократик давлатлар конституция ва қонунларни тасдиқлашда ҳамisha халқ иродасига эмас, балки унинг таркибидаги сиёсий партиялар, капиталистлар каби сиёсий кучларга таянади. Шунинг учун умумий ирода тушунчаси воқеликда мавжуд эмас.

Ғарб низоми одамларнинг иродаси ёки яхшилик ва манфаатлар ҳақидаги қарашларини акс эттирадиган ва улар учун муҳим бўлган қонунларда улар билан маслаҳатлашиш механизмини (камдан-кам ҳолларни ҳисобга олмаганда) эътиборсиз қолдирди. Парламентдаги вакиллар эса ўзлари маслаҳатлашиш учун уларни сайлаган халқ базасига мурожаат қилмайди. Улар ўз фикрлари билан ҳукм чиқарадиган субъектив тарзда ҳаракат қиладилар. Сайлов ваъдаларида кўрсатилган масалалардан бошқасида парламентда бўлган чоғларида уларга тақдим этилган ва унинг асосида сайланмаган масалаларнинг аксариятида ёки сиёсий партияларига ёки шахсий фикрига мурожаат қиладилар. Демак, улар ушбу фикрларда халқ вакили бўлмайди ва унда сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатини рўёбга чиқариши ёки ҳақиқатни тамсил этишларини кафолатлаш имконияти йўқ. Агар қонун чиқарувчи органлар қонун ва ҳукмларда экспертлар фикрига мурожаат қилсалар, жамият бу «экспертлар»га жамият манфаатларини аниқлаш ва улар номидан қонунлар қабул қилиш ҳуқуқини бермаган.

Ғарб низоми ўз суверенитети намоён бўладиган органларда, жумладан ҳукуматнинг уч шуъбасида халқ вакиллигини кафолатлайдиган механизмларни йўлга қўя олмади. Шунингдек, мутлақ кўпчиликни нисбий кўпчиликка айлантирди. Масалан, Франция президентлари ўзлари ғалаба қозонган сайловларда Макрон сайлаш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 18, 19 фоиз, Олланд 22,3

фоиз, Саркози эса 25,7 фоиз овозини олган. Уларнинг ҳар бири кўпчилик овоз билан ғалаба қилди деб ҳисобланган. Лекин бу кўпчилик нисбий бўлиб, сайлаш ҳуқуқига эга бўлганларнинг мутлақ кўпчилигини англатмайди. Бошқача айтганда, президент воқеликда кўпчиликни эмас озчиликни шакллантиради. Бу нарса парламентга сайланган ҳар бир вакилга ҳам тўғри келади. Демак хўжайинлик на халқники ва на кўпчиликни, балки нисбий озчиликники бўлади. Шундай қилиб мутлақ кўпчилик суверенитетдан фойдаланишдан маҳрум бўлади. Бошқача айтганда, уларнинг фикри воқеликда намоён бўлиши ёки ҳокимият уларга таяниши ва улар буни ўзлари рози бўлган шаклда вакиллик қиладиганларга беришидан маҳрум бўладилар. Шундай экан, бундай давлатни кўпчиликнинг фикрини ва халқ ҳукмронлигини ифодалайди, деб қандай ҳисоблаш мумкин? Бу давлатнинг чорасиз аҳволини кўрсатиб турибди. Чунки унинг ҳокимияти умумий иродани ифодаламаяпти ҳамда халқ ва унинг кўпчилиги амалда ўз суверенитетидан фойдалана олмаяпти. Чунки бундан келиб чиқадиган нарса тузум халқнинг¹ мутлақ кўпчилигини ҳоким ёки вакилни танлаган нисбий кўпчиликнинг фикрига бўйсунушга мажбур қилишидир.

Бунинг ортидан конституция, қонунлар ва ҳатто ҳокимиятнинг ўзи ҳам умумий иродага асосланмаганлигини кўрсатадиган қонуний дилемма келиб чиқади. Ҳолбуки, бу конституция ва қонунлар халқнинг унга бўйсунуши ва итоат қилишини талаб қилиши учун зарур таянчдир. Шундай қилиб, бу ижтимоий шартноманинг ҳуқуқий ва фикрий пойдеворининг бузилишига олиб келади. Шунингдек, у тузумни умумий ирода ва халқ суверенитетига зулм қилади деб таърифлашга олиб боради. Бундан ташқари, унда ҳокимият эришиши ва таяниши керак бўлган асос бўлмиш ҳақиқий қонунийлик йўқ.

Нега озчилик бирданига кўпчиликнинг фикрига бўйсунуши керак? Нега жамиятнинг қолган қисми президентни сайлаган нисбий кўпчилик ёки парламент депутатларининг катта қисми фикрига бўйсунуши керак? Демократия нега бундай бўлиши ҳақида қонуний асослар келтирмайди.

Демократия 40 ёки 80 фоиз бўлса ҳам сайловга қарши бўлган бетарафлар қатлами фикрига қарамайди ва айбни уларнинг зиммасига юклайди. Шунингдек, бутун низом ҳақида референдум ўтказиш масаласини кўтармайди. Аксинча, овоз беришдан бош

(1) Масалан Макронни оладиган бўлсак, уни 18.19 фоиз сайловчи сайлаган, бу нисбий кўпчиликдир. Аммо унга қарши овоз берган 81.81 фоиз сайловчи мутлақ кўпчиликдир. Демак мутлақ кўпчилик нисбий кўпчиликка бўйсунуши шарт бўлмақда.

тортганларнинг фикри қандай бўлишидан қатъий назар, сайловчиларнинг фикридан ҳоким ёки вакилни қонунийлаштириш воситаси сифатида фойдаланади. Аслида, у фикри нисбий кўпчиликка (лекин жамиятнинг озчилигини ташкил қиладиганларга) тўғри келмайдиган жамиятнинг катта қисмини ҳамда сабаби қандай бўлишидан қатъий назар сайловдан бош тортганларни суверенитетдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Натижада вазият умумий ирода ва ҳукумат борасидаги нисбий кўпчиликнинг истибдод билан шуғулланишига ҳамда жамиятнинг қолган қисми ўзининг мустақкам ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келди. Аҳолининг бошқа барча гуруҳлари ўзининг асосий ҳуқуқидан, яъни ҳукмронлик ва ҳокимиятга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Бу нарса демократия фалсафаси ва унинг шиорларига зиддир. Чунки у ўз дунё қарашини хўжайинлик халқники деган асосга қурган ҳамда шу халқнинг катта қисмидан сиёсий фаолиятдаги ва суверенитетдан фойдаланишдаги ҳуқуқини тортиб олиб, қўлига кишан солган эди. Шу боис, халқ учун сайловнинг бу адолатсиз натижасидан чиқишига йўл йўқ эди. Бу эса нисбий кўпчиликнинг суверенитет ишини монополияга айлантиришига имкон яратди. Кейинги давраларга ҳам шу тарзда киришди ва худди шу нарса қайта-қайта такрорланадиган бўлди.

Халқ ҳукмдорни ўзим танлаяпман, ҳокимият ва хўжайинлик халқники, ҳукумат қонуний, у чиқараётган ҳаёт низоми ва қонунларига итоат қилиш вожиб деб алданиб қолди. Бу гирдоб бир соябон бўлиб, унинг остида Ғарб тафаккурининг сиёсий, қонуний ва фикрий тизимга эга эмаслиги яширилади.

Учинчидан: Халқнинг конституция ва қонунларга бўйсунушига қандай ҳуқуқий асос бор!

Конституция¹ конституциявий муносабатларни тартибга солиб, назоратчи (яъни умумий салтанат) ва халқ ўртасидаги алоқаларни мустақкамлайди, давлатнинг тушунча ва масъулиятларини белгилайди ҳамда давлатдаги ҳар бир ҳокимиятнинг чегаралари ва ихтисослашувини баён қилади. Агар биз ушбу ҳуқуқий тушунчаларни

⁽¹⁾ Конституция бу – ҳоким одамларни ўзаро муносабатларида унга амал қилишга мажбурлайдиган қоидалар йиғиндиси. Шунингдек, у давлатнинг шакли, характери, унинг бошқарув ва иродадаги қоидалари ва органларини ҳамда давлат унга асосланадиган асосларни баён қилувчи қонунларга асосланган бошқарув тизимини белгилайди. (Бошқача айтганда, у фикрий асос, яъни унинг тақозосига кўра ишларни назорат қилинадиган қаноатлар, стандартлар ва тушунчалар тўпламидир. Яна у шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайди ҳамда ҳокимият сифатида давлат ўртасидаги сиёсий муносабатларни тартибга солади. Ҳокимиятки, одамларнинг ишларига ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ишларини бошқаради).

диққат билан кўриб чиқсак, уларнинг барчаси ҳуқуқий ва техник ваколатлар талаб қиладиган масалалар бўлиб, на халқ ва на вакилларда мавжудлигини кўрамыз. Демак, депутатлар томонидан уни муҳокама қилинишининг ўзи уларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларни ўрганиш деб ҳисобланади¹. Шунинг учун уларни парламент билмаганидек, халқнинг барчаси бундай ишлардан беҳабардир. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, демократияда халқ ҳокимияти деган тушунчанинг воқелиги йўқ.

Ғарб низоми кўпчиликнинг фикрини ифодалайдими ёки конституция ва қонунларни ишлаб чиқишга ваколатли ҳокимиятнинг фикрини ифодалайдими бундан қатъий назар халқ қонунларига ёки конституцияга бўйсуншни талаб қиладиган ҳуқуқий асосга эриша олмади. Зеро, нисбий кўпчилик жамоат номидан иш юритишни бошласа, шахснинг роли кўпчиликнинг иродасига кўр-кўрона бўйсунмишга айланади. Кўришиб турибдики, конституция на халқ иродасини акс эттиради, на у билан маслаҳатлашган ҳолда тузилади. Шундай экан, ким ўша конституцияга итоат қилишни юклади? Унга итоат қилишнинг қонуний асоси нимада? Зеро илмоний давлатда ҳуқуқий асос конституциядир. Лекин у бир ҳужжат бўлиб, бир гуруҳ конституциявий қонунчилар ва ҳуқуқшунослар томонидан тузилган.

Конституция вакиллар палатаси (парламент)га овоз бериш учун тақдим этилади. Лекин биз айтганимиздек, конституция моддалари вакилларнинг ваколатига кирмайди, шунинг учун уларнинг ўша моддалар ҳақидаги фикрлари тўғри бўлмайди. Улар яна биз исботлаганимиздек халқ иродасини ифодаламайди. Хўш, бу ҳужжатга бўйсунмиш мажбуриятини ўрнатувчи ёки мана шу бўйсунмиш ва бош тортиш асосида мукофот ва жазо белгиловчи ҳокимият нима? Шунингдек, йўлларни конституция ва ундан келиб чиққан қонунларни ишлаб чиққан гуруҳнинг фикрига мос келиш ёки мос келмаслигига қараб «чиroyли» ёки «хунук» деб белгилайдиган ҳокимият нима? Бу улкан қонуний муаммо бўлиб, унинг ечими йўқ!

Шунга кўра, конституциявий қонун чиқарувчилар ва ҳуқуқшунослар органи томонидан ишлаб чиқилган конституциянинг ўзида халқ иродасини ифодалайдиган асос йўқ. Шунинг учун унинг ҳукмларига тўлиқ ва батафсил риоя қилиш мажбурияти соқит бўлади.


(1) Тасаввур қилиб кўринг, референдум техник масалалар ёки физик назария ёки математик тенглама ёки тиббий рецепт ёки ҳуқуқий фатво масалаларида мутахассис бўлмаганлар учун бўлиб ўтади. Кўриб турганингиздек, бундай референдумни қабул қилиш мумкин эмас. Конституция борасида вакиллар ва халқнинг фикрини билиш учун референдум ўтказиш ҳам шунга ўхшашдир.

Қонунчилик конституцияга асосланганлиги сабабли, унга бўйсунуш учун ҳам асос йўқ. Илмоний тузумлардаги қонунчилик на халқ иродаси маҳсули ва на кўпчилик фикрининг маҳсули. Балки у адвокат, судья, ҳуқуқшунослар ва нуфузли сиёсатшунослардан иборат озчиликнинг хоҳиши ва фикрларининг маҳсулидир.

Агар конституцияни тузганлар умумий ироданинг ҳам, халқнинг ҳам вакили бўлмаса, унда ким уларга халққа нима қилишлари ва ёки қилмасликлари кераклигини айтиш ҳуқуқини берган. Нима учун жамият ва барча шахслар (конституциявий ҳуқуқшунослар ва баъзи сиёсатчилар) каби шахслар гуруҳидан иборат қонун чиқарувчи орган ҳужжатлаштирган ҳамда шу давлатга муносиб деб билган давлат конституциясига итоат қилиши керак?

Тўртинчидан: Мутлақ адолатга эришишни имконсиз қилиб қўядиган доимий ўзгарувчан қонунчилик муаммоси:

Илмоний-демократик низом нисбий ҳақиқатдан бошланган. Чунки замонавий файласуфлар нисбийликни барча билимларнинг асосига айлантирдилар. Улар ақл мутлақ ва аниқ ҳақиқатга эриша олмайди деб билишади. Шунинг учун улар ҳеч қандай мутлақ ёки куллий меъёр мавжуд эмас, балки фақат мутлақ нисбийлик бор дейишади. Улар моҳияти барқарорлик, кенгайиш ва янгиланишдан иборат бўлган қонун ўрнига ўзгариш ва мослашувчанликни алтернатив қилиб ушлашди. Уларнинг фикрига кўра ўзгартириш жамиятлар ва улар тузаётган қонунлар ҳаракатидаги асосдир. Улар айтадики, инсон ўзгарувчан вужуд, шунинг учун унинг ҳаётини тартибга солаётган қоидалар ҳам ўзгарувчан бўлиши керак. Инсонга моҳияти барқарорлик бўлган (уларнинг фикри бўйича) қонун ярамайди. Чунки бу абадий турғунлик деганидир.

Воқелик улар ўйлаган нарсанинг аксидир. Чунки инсоннинг моҳияти ўзгармайди. Инсон Одам  дан бугунги кунгача ақлия, нафсия, майл, сулук ҳамда унинг моҳиятини шакллантирувчи ғариза ва узвий эҳтиёжларда гавдаланадиган ҳаётий кучдан иборатдир. Мана шу ҳаётий кучни қондириш йўллари чекланган ва уларнинг тўғри қондирилишини тартибга солувчи қоидалар барқарор. Бу нарса янгиланиб турувчи воситалар билан ўзгармайди. Гоҳида воқе ўзгариб, уни тартибга солиш керак бўлади. Аммо чекланган муайян воқеликни тартибга солувчи қоида ўзгармайди. Чунки у ушбу воқеликка тўғри деб тахмин қилинган муайян муолажани қўллайди.

Ислоний шариат мақсадлари ҳақидаги фанга параллел бўлган ҳуқуқий фанлардан бири ҳуқуқ фалсафаси бўлиб, у Ғарб ҳуқуқшунослигида Legal philosophy, яъни ҳуқуқий фалсафа номи остида етакчи ўринни эгаллаган. Ҳуқуқий фалсафа деб номланишига

сабаб унинг эътибор қаратадиган мавзулари ҳуқуқий тўзумлар ортида яширинган мақсад ва ҳукмларни ўрганиши ҳамда қонун ва жамият ўртасидаги муносабатларни очиб беришидадир. Бироқ бу илм демократия ва илмонийликка асос бўлган фалсафий фикр асослари билан ҳал қилиб бўлмайдиган даражада тўқнашади. Чунки жамиятни бошқариш ҳамда хавфсизлик, дахлсизлик, жон ва мулкни ҳимоя қилиш, адолатни рўёбга чиқариш каби қонунчиликнинг ғояси бўладиган қадрият ва меъёрлар мавжуд бўлиши лозим. Лекин бундай қадрият ва меъёрларнинг мавжуд бўлиши илмонийлик ва демократия асосларига ҳамда улар айтаётган плюралистик жамиятга зиддир. Қадрият ва меъёрларнинг мавжуд бўлиши бир томондан плюрализм ғоясига таҳдид солади. Чунки уларнинг фикрига кўра, у жамиятга инсонни фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган маълум қарашларни ўрнатади.

Илмонийлик «дин маълум қарашларни инсонга мажбуран юклайди ва одамларни фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади» деб динни турғунликда айблайди ва унга қарши курашади. Бошқа томондан, меъёр ва қадриятларнинг бўлиши қонунчиликни турғун аҳволга солади. Чунки уларнинг фикрига кўра, қонунчиликнинг табиати нисбий ва ўзгарувчандир. Чунки аслида инсоннинг табиат ва ҳаёти доим ўзгариб туради, шунинг учун уларнинг фикрига кўра, қонунчилик турғун бўлмаслиги керак. Шунинг учун қонунчилик ўзгарувчан жамиятда рўёбга чиқариш кўзланаётган қадриятларга боғланса, турғун бўлиб қолади. Ўзи аслида қадрият ва меъёрлар ўзгармас ва турғун бўлгани учун ўзгариш ва ривожланишга зиддир. Шу боис, қонунчилик қадрият ва меъёрларга боғланмайдиган бўлса, бу адолатга зид эшикларни очади. Натижада бугун ҳаром бўлган нарса, эртага фарзга айланади. Кеча наркотик савдоси билан шуғулланаётган киши устидан ҳукм ўқиб, жиноят қилгани учун уни қамасангиз, бугун унга наркотикни қонунан ва расман сотиши учун турли кўчаларда жой қилиб берасиз. Шубҳасиз бугунги қонунда уни қамашингиз адолатсизлик ҳисобланади. Агар бугунги қонун хато экани кўриниб қолса, наркотикни яна тақиқлайсиз. Демак сиз ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни рўёбга чиқара олмайсиз. Бу ерда сиз эришмоқчи бўлган ҳар қандай ғоя ва ижтимоий мақсаддан қонунчиликни холи қилишга йўл очган бўляпсиз. Бу эса, ечими йўқ бўлган қонуний ва ҳуқуқий муаммодир. Шунингдек бу ўз оёғига ўқ узган одамнинг ҳолатига ўхшайди. □

БУГУНГИ КУНДА ИНСОН ҲАЁТИДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ФАСОДГА (БУЗҒУНЧИЛИККА) БАРҲАМ БЕРИШНИНГ ТЎҒРИ ЕЧИМИ

Ёзувчи Ҳошим Самсом – Яман

Ушбу мақолада биз бугунги кунда инсоният ҳаётини қамраб олган ва унинг энг катта муаммосига айланган бузғунчиликни бартараф этишнинг тўғри ечимини тақдим этишга ҳаракат қиламиз. Чунки ер юзининг қайси бурчаги бўлмасин, бузғунчилик кенг тарқалиб, зулмат эгаллади. Инсон ўйлаб топган ботил низомни татбиқ этиш орқали ҳаддан ошиб бузғунчилик қилаётганлар ёвузлигидан на инсон, на ҳайвон ва на атроф-муҳит омон қолди. Шунинг учун одамларни бахтсиз қилган ва атроф муҳитни вайрон этган ушбу тузумдан халос бўлиш лозим ишга айланди.

Бузғунчиликни илдизи билан йўқ қилиш имконига эга бўлишимиз учун аввало унинг ўзи нима эканини билишимиз лозим.

Фасоднинг луғавий маъноси: *صلاح* (яроқли бўлди) феълининг зидди бўлган *فسد* (бузилди, айниди) феълидан олинган. Бирон бир нарса яроқсиз ҳолга келса, *فسد* бузилди ёки айниди дейилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ التَّالِسَ مَنْ يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشْهَدُ اللَّهُ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ ۗ وَهُوَ أَلَدُّ الْخِصَامِ

﴿وَإِذَا تَوَلَّىٰ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفُسَادَ﴾

«(Эй Муҳаммад) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (Исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва насларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди» [Бақара 204-205]

Аммо фасоднинг истилоҳий маъносига келсак, у инсон ҳаёти низомининг экологик, сиёсий, идорий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий, адлия, илмий ва медиа жиҳатидан бузилишига айтилади... Маълумки, ҳаёт низоми ушбу низомнинг белгилари ва фикрий йўналишларини белгилаб берадиган сиёсий фикрдан келиб чиқади. Бугун инсоният ҳаётига ҳукмронлик қилиб, ҳаётнинг барча соҳаларини бошқараётган халқаро низом одамлар томонидан ишлаб чиқилган бузғунчи капиталистик мабдадан келиб чиққан. У ожиз, муҳтож ва нуқсонли ақлнинг маҳсулидир. Шунинг учун у инсон ҳаётини тартибга солишга яроқсиз. Бу низом татбиқ қилинишининг бугунги оқибатлари бунинг ёрқин мисолидир. Чунки фисқу-фасод қуруқликни ҳам, денгизни ҳам ва атроф-муҳитни ҳам қамраб олди.

﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيُذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ﴾

«Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди. (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тотдириб қўйиш учундир» [Рум 41]

Шунинг учун инсониятни ўз оловида куйдираётган фисқу-фасод, бахтсизлик ва машаққат Аллоҳ оламлар учун рози бўлган ҳақ манҳаж билангина йўқолади.

﴿طه ﴿﴾ مَا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْقُرْآنَ لِتَشْقَى ﴿﴾ إِلَّا تَذَكْرَةً لِمَنْ يَخْشَى ﴿﴾ تَنْزِيلًا مِمَّنْ خَلَقَ الْأَرْضَ وَالسَّمَوَاتِ الْعُلَى ﴿﴾

«То, Ҳа. (Эй Мухаммад), Биз сизга бу Қуръонни қийналиб жафо чекишингиз учун эмас. Балки (Аллоҳдан) қўрқадиган кишиларга панд-насиҳат бўлсин учун нозил қилдик» [Тоҳа 1-3]

﴿فَأِمَّا يَا تِيبَتُّكُمْ مِثِّي هُدَى فَمَنْ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴿﴾

«Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтиурмиз» [Тоҳа 123-124]

﴿فَأِمَّا يَا تِيبَتُّكُمْ مِثِّي هُدَى فَمَنْ تَبِعَ هُدَايَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

«Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, шу ҳақ йўлга эргашган кишиларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар» [Бақара 38]

Аммо фасоднинг шаръий маъносига келсак, у шариатга, унинг мақсадларига ва унга амал қилишга зид бўлган амаллардир. Бошқача айтганда, барча ҳаром ва қайтарилган ишлар бўлиб, улар Аллоҳнинг буйруғига қарши чиқишдир. Замахшарий айтади: Фасод бу тўғрилиқ ва манфаат ҳолатидан четга чиқишдир. Ибн Касир айтади: Фасод итоатсизликдир. Чунки у шаръий нусусларга қарши ҳаракатдир. Демак, у диний истакнинг заифлиги ҳамда Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилмасдан бошқаларнинг қонунларини ҳакам қилиш, Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунмаслик ва қайтарувларидан қайтмаслик туфайли Аллоҳдан узоқлашиш натижасидир.

﴿إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ يَقُضُ الْحَقُّ وَهُوَ خَيْرُ الْفَاصِلِينَ﴾

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У фақат ҳақни сўйлар. У (Ҳақ билан ноҳақни) ажратувчиларнинг энг Яхшисидир»

[Анъом 57]

﴿أَلَا لَهُ الْحُكْمُ وَهُوَ أَسْرَعُ الْحَسِيبِينَ﴾

«Сўнгра (бандалар) ҳақиқий ҳожалари Аллоҳга қайтарилурлар. Огоҳ бўлингизким, ҳукм қилиш Унинг Ўзигагина хосдир ва У жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчидир»

[Анъом 62]

﴿إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар» [Юсуф 40]

﴿إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَعَلَيْهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ﴾

«Ҳукм ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. Мен фақат У зотнинг ўзига таваккал қилганман-суянганман. Барча таваккал қилгувчилар Унинг Ўзигагина таваккал қилсинлар-суянсинлар» [Юсуф 67]

﴿وَهُوَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَهُ الْحُمْدُ فِي الْأُولَى وَالْآخِرَةِ وَلَهُ الْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

«У (ёлғиз) Аллоҳдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигагина бордир. Аввалу-охирда (яъни дунёю-охиратда) ҳамду сано (ёлғиз) Унинг учундир. Ҳукм Унинг (ҳукмидир). Ва (барчаларингиз) ёлғиз Унга қайтарилурсизлар»

[Қасос 70]

﴿وَلَا تَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ لَهُ الْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

«Аллоҳ билан бирга бошқа бирон «илоҳ»га илтижо қилманг! Ҳеч қандай илоҳ йўқ магар Унинг Ўзигагина бордир. Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар Унинг Ўзигагина (мангудир). Ҳукм Унинг (ҳукмидир) ва (барчаларингиз) ёлғиз Унга қайтарилурсизлар»

[Қасос 88]

﴿ذَٰلِكُمْ بِأَنَّهُ إِذَا دُعِيَ اللَّهُ وَحْدَهُ كَفَرْتُمْ وَإِنْ يُشْرَكَ بِهِ تَوَمَّنُوا فَاَلْحُكْمُ لِلَّهِ الْعَلِيِّ الْكَبِيرِ﴾

«(Йўқ, сизлар мана шу азобда мангу қолурсизлар). Бунга сабаб, қачон (сизларни) ёлғиз Аллоҳгагина (ибодат қилишга) даъват қилинганида, кофир бўлиб-бўйсунмай, агар У зотга ширк келтирилса (яъни турли бут-санамларга сиғинишга чорлаганда), иймон келтиришларингиздир. Бас барча ҳукм юксак ва улғу Аллоҳникидир»

[Ғофир 12]

﴿وَإِنْ حَكَمْتَ فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

«Агар ҳукм қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг. Албатта, Аллоҳ адолат қилгувчиларни севади» [Моида 42]

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّبَّيُّونَ وَالْأَحْبَابُ بِمَا اسْتَحْفِظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَكَانُوا عَلَيْهِ شُهَدَاءَ فَلَا تَخْشَوُا النَّاسَ وَآخِشُوا وَلَا تَخْشَوْا اللَّهَ بِمَا اسْتَحْفِظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ﴿٤٤﴾ وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ فَمَنْ تَصَدَّقَ بِهِ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَهُ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٤٥﴾ وَقَفَّيْنَا عَلَىٰ آثَرِهِم بِعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَعَاتَيْنَاهُ الْإِنْجِيلَ فِيهِ هُدًى وَنُورٌ وَمُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٦﴾ وَلِيَحْكُمَ أَهْلَ الْإِنجِيلِ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فِيهِ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٤٧﴾ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيِّمًا عَلَيْهِ فَاحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكِن لِّيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٤٨﴾ وَإِنْ أَحْكَمْتُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَاعْلَمُوا أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُصِيبَهُمْ بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِن كَثِيرًا مِنَ النَّاسِ لَفَاسِقُونَ ﴿٤٩﴾ أَفَحُكْمَ الْجَاهِلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

«44. Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйсунувчи бўлган пайғамбарлар, илоҳий билим эгалари ва донишмандлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у (яъни Таврот ҳукмлари) билан ҳукм қиладилар. Улар бу китоб устида гувоҳдирлар. Бас, (эй яҳудий уламолар), одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирмангиз! Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир. 45. Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб ёзиб қўйдик. Энди ким уни (яъни қасосни) кечиб

юборса, ўзи учун каффорат (яъни гуноҳларни ўчириб юборувчи) бўлур. Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир. 46-47. Уларнинг изларидан ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлган Исо ибн Марямни эргаштирдик ва унга ҳидоят ва нурни ўз ичига олган, ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва тақводорлар учун ҳидоят, панд-насиҳат бўлган Инжилни бердик ҳамда «Инжил аҳли унда Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм қилсинлар», дедик. Кимда-ким Аллоҳ нозил этган дин билан ҳукм этмас экан, улар фосиқлардир. 48. Сизга эса (Эй Муҳаммад), ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик. Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шарият ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир миллатга алоҳида шарият йўл қилиб қўйди). Бас, яхши амалларга шошилингиз! Барчангиз Аллоҳга қайтишингиз бор. Сўнг у зот сизларга ихтилоф қилгувчи бўлган нарсаларингизнинг хабарини берур. 49. (Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар (сизнинг ҳукмингиздан) юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар. 50. Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» [Моида 44-50]

﴿يٰۤاٰدٰمُ اِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيْفَةً فِى الْاَرْضِ فَاٰحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوٰى فَيُضِلَّكَ

عَنْ سَبِيْلِ اللّٰهِ اِنَّ الَّذِيْنَ يَضِلُوْنَ عَنْ سَبِيْلِ اللّٰهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيْدٌۢ بِمَا نَسُوْا يَوْمَ الْحِسَابِ﴾

«Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас сен (нафс) хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини (яъни қиёматни) унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир» [Сод 26]

Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло бузуқ тузум билан бошқараётган кимсанинг ер юзидаги бузғунчилардан бири эканлигини маълум қилган.

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشْهَدُ اللَّهُ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ ۖ وَهُوَ أَلَدُّ الْخِصَامِ
وَإِذَا تَوَلَّىٰ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفُسَادَ﴾

«(Эй Муҳаммад) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради» [Бақара 204-205]

﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيُذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ﴾

«Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди. (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тотдириб қўйиш учундир» [Рум 41]

Аллоҳ Таоло ушбу оятларнинг аксариятида ҳукм фақат Аллоҳ учун бўлишини таъкидлаган. Шунингдек, таъкидлаш ҳамда бошқалардан ҳақиқатни инкор қилиш ва чеклаш услубини қўллаган. Бундан ташқари, уларда Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш ва бунинг аксидан қайтариш, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмаган кишини жоҳил деб аташ ҳамда Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмаган ҳокимларни кофир, золим ва фосиқ деб сифатлаш услубларини қўллаган. Айтиш жоизки, бошқарув ҳақидаги оятлар шунчалик кўпки, лекин мусулмон уламолар улар ҳақида бош қотирмаслиги ва уни мусулмонлар ҳаётида ўрнатиш учун ҳаракат қилмасликлари ҳайратланарли ишдир.

Бузуқ низомни ўзгартириш орқали бузуқликка чек қўйиш.

Аммо фасодга чек қўйиш масаласига келсак, унга фақат тубдан ўзгартириш орқалигина чек қўйилади.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ﴾

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» [Роъд 11]

Ҳа, фасодни ўзимиздаги Ғарб фикрлари таъсирида пайдо бўлган хато тушунчаларни ўзгартириш орқалигина йўқ қиламиз. Исломда бошқарув низоми, бошқача айтганда ҳаёт низоми мавжуд эмас, Ислом фақат банданинг Аллоҳ билан бўладиган алоқасинигина тартибга солган каби тушунчалар шулар жумласидандир. Ёки капиталистик низом етакчилари қўллаётган ҳамда ватанпарварлик, миллатчилик, мазҳабпарастлик ва тарафкашлик каби инсоннинг уйғонишига ярамайдиган адаштирувчи фикрлар таъсирида пайдо бўлган тушунчаларни ўзгартириш орқали йўқ қиламиз.

Демак, ўзгартириш зарур, лекин ўзгартириш амалиётини бошлашдан олдин ҳаётни тузатадиган ва фасодга чек қўядиган тўғри ва алтернатив низомни билишимиз зарур бўлади. Шунингдек, инсон ҳаёти низомини тузишга ким ҳақли, бошқача айтганда, тузум ишлаб чиқишга ким ҳақли эканини билишимиз лозимдир.

Бунинг жавоби шуки, фақат ушбу ҳаётнинг яратувчисигина инсоният учун яроқли ҳаёт низомини бера олади. У эса Аллоҳ Таоло бўлиб, бу ишга ёлғиз У зот ҳақли.

﴿إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ﴾

«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир» [Юсуф 40]

Шунинг учун Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилиш Аллоҳга яқинлаштирадиган энг катта ибодатдир.

Аммо бошқарув халқники дейдиган демократия каби инсонлар томонидан ишлаб чиқарилган низомлар инсон табиатига зиддир. Чунки инсон ожиз, чекланган, нуқсонли ва бошқасига муҳтождир... Кимдаки ушбу сифат ва хусусиятлар бўлса, қонун ва низом ишлаб чиқариши мумкин эмас. Айти пайтда у соф Ислому динига зиддир. Чунки халқ бу бандалар бўлиб, Аллоҳдан бошқасининг бандалар устидан ҳакам бўлиши банданинг бандага ибодатидир. Шунинг учун ёлғиз Аллоҳнигина ҳакам қилиш бандаларни ўзларига ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга олиб чиқади.

﴿مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَآبَاءَكُمْ مِمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ لِلدِّينِ الْقَيِّمِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Сизлар эса, У зотни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буну билмайдилар» [Юсуф 40]

﴿فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Бас (эй Муҳаммад), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда (Ислому) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар» [Рум 30]

Бугунги кунда инсон ҳаётида ҳукм сураётган фасодга (бузғунчиликка) барҳам беришнинг тўғри ечими

Бошқача айтганда, дин низомнинг ўзидир, тўғри дин тўғри низомдир. Биз ушбу оятлар орқали биламизки, аксарият одамлар билмайдилар ва шукр қилмайдилар ҳамда уларнинг қилмишлари туфайли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам фисқу фасод (бало-офатлар) юз беради.

﴿وَأَن تَطَّعَ أَكْثَرُ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ﴾

«Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар» [Анъом 116]

﴿وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар» [Аъроф 187]

Низом яратиш ҳамда қонун ва конституция қабул қилиш ҳуқуқига ким эгалиги тўғрисида ҳаётимиздаги аниқ воқеликдан мисол келтирсак бўлади. Масалан, автомобилни ишлаб чиққан конструктор унинг тартиб қоидаларини ҳам ишлаб чиқиб, уларни китобга (каталог)га киритиб қўйган. Бу «қўлланма» деб номланади. Ҳайдовчи автомобилни бошқаришда ва уни таъмир этишда шу қўлланмадан фойдаланади.

Шунинг учун ҳайдовчи фойдаланувчи қўлланмасидаги барча кўрсатмаларга амал қилиши керак, акс ҳолда унинг машинаси шикастланади ва яроқсиз бўлиб қолади. Шундай қилиб, сиз барча ҳайдовчиларни ушбу қўлланмада кўрсатилган барча қоидаларга риоя қилишни хоҳлашларини кўрасиз. Бундан мақсад ундан фойдаланиш ва машинани бузиб қўймаслиқдир. Ҳатто автомобил соловчи уста ҳам уни таъмир этишда ўша қўлланмага риоя қиладди. Бу автомобил тизими ҳақида эди, буни телефон, телевизор ҳамда электрон ва автоматик маҳсулот тизимига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Чунки биз ушбу маҳсулотларни сотиб олар эканмиз, уларда ўзларига хос қўлланмалар борлигини кўрамиз. Бу нарса Аллоҳ Таоло яратган ҳар қандай махлуқотга тўғри келади.

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир» [Мулк 14]

Эй мусулмонлар, нима учун сизларни яратган ва барча шериклардан пок хабардор ва билимдон зот нозил қилган ҳаёт низомини татбиқ этмайсизлар. Ахир, у зот сизларни зулматлардан нурга, залолатдан ҳидоятга чиқариш, шунингдек, ҳаётингизни қамраб олган фисқу фасодни йўқ қилиш имконига эга бўлишингиз учун саййидимиз Муҳаммад ﷺ га нозил қилган китобида (Қуръони каримда) ўша низомни нозил қилди-ку. Чунки бугунги ҳаётингизда,

қолаверса, ер юзининг шарқу ғарбида фисқу фасод тарқалишига сабаб бўлган, одамлар томонидан ишлаб чиқилган ушбу низомлар татбиқ этилиши танг-бахтсиз ҳаётни олиб келди. Қуръони Карим бизнинг ва барча инсонлар ҳаёти учун қўлланмадир. Усиз ҳаёт тузалмайди. Ёлғиз ечим Аллоҳ ўз китоби ва муҳкам оятларида тўлиқ қилган ҳамда бандалари учун дин деб рози бўлган динни тиклашдир.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Бошқача айтганда, Аллоҳнинг бизга бўлган неъматини динга тўла амал қилиш билан бўлади ва шунда Аллоҳ биздан рози бўлади. Акс ҳолда, Аллоҳ биздан неъматини ва баракотини кўтаради, шунда бизга Аллоҳнинг ғазаби тушади. Аллоҳ ўзи хоҳлаганидек у зотга қайтишимиз учун пайғамбар ва элчиларнинг охиригиси бўлмиш саййидимиз Муҳаммад ﷺ га нозил қилган соф дин (Ислом) билан ҳукм юритишимиз лозим.

Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло инсондаги мавжуд уч алоқани тартибга солиш учун пайғамбар ва элчиларни юборди. Улар банданинг яратувчиси билан бўлган алоқаси, банданинг ўзи билан бўлган алоқаси, банданинг бошқа инсонлар ва махлуқотлар билан бўлган алоқаси. Аллоҳ Таоло бандалар ҳаётини барча соҳаларда тартибга солувчи мукамал ва тўлиқ низом келиб чиқадиган ақидани берди. Бошқача айтганда, ушбу низом бандалар ҳаётининг бошидан охиригача тартиблаштиради. Шунингдек, уларни ислоҳ қилади ҳамда дунё ҳаётида бахтли қилиб, охиратда нажот беради. Чунки уларни жаннат билан мукофотлаб, дўзахдан сақлайди ва Аллоҳнинг розилигига эриштиради.

Хотима ўрнида айтамикки, инсонлар қанча ечим изламасинлар, ҳал қилувчи ечим фақат Исломдир. Ечим фақат Ислом давлати билан бўлади, у ҳам бўлса Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифаликдир.

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ ۗ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир. Лекин одамларнинг кўплари (бунини) билмайдилар» [Юсуф 21]

Эй Аллоҳим мен етказдим, ўзинг гувоҳ бўл. Саййидимиз Муҳаммадга, саҳобаларига ва қиёматгача у кишининг йўлидан юрган кишиларга салот ва саломлар, оламларнинг Роббисига ҳамдлар бўлсин. □

АХЛОҚҚА ЧАҚИРИШ... ҲАҚИҚАТ ВА ИЛЛЮЗИЯ ЎРТАСИДА

Иззуддин Абулбашир

Исломга даъват қилишга иштиёқманд бўлган воизлар орасида «Инсон ҳам, жамият ҳам фақат ахлоқ билан уйғонади» деган гап кўп такрорланади. Уларнинг айтишича, Инсон хулқи биландир, ахлоқ бўлса, инсон уйғонади ва тараққий этади, агар ахлоқ бўлмаса, тубанлашади. Сўнг улар ушбу тавсифга асосланиб айтишади: «Жамият шахслардан таркиб топади, шахсларни ислоҳ қилсак, жамият ҳам ислоҳ қилинади. Демак, шахс ва жамият уйғонишининг асосий таянчи ахлоқдир». Сўнг ўзлари айтаётган гапларни тасдиқлаш учун Қуръон ва Суннатдан далил келтиришади. Масалан, Аллоҳ Таолонинг Пайғамбар ﷺ га қарата

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз»

[Қалам 4]

деган қавлини далил қилишади. Уларнинг Суннатдан келтирган энг кўзга кўринган далиллари:

﴿إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ﴾

«Мен гўзал хулқларни тўла қилиш учун юборилдим», бошқа ривоятда «صَالِحِ الْأَخْلَاقِ яхши хулқларни», яна бир ривоятда «حُسْنِ الْأَخْلَاقِ чиройли хулқларни», дея келган. (Ушбу ҳадисни Молик, Аҳмад, Табароний ва Ҳоким ривоят қилган). Улар шу нусусларни келтириб, пайғамбарларни юборишдан бўлган асосий мақсад ахлоқийдир, қолаверса, диннинг ўзи ахлоқдир, дейишади. Бу гап қанчалик тўғри? Улар келтирган далиллар уларнинг фикрларига далил бўла оладими? Инсон ва жамият воқелиги ҳақидаги тўғри сўз нимадан иборат? Исломда ахлоқ қандай ўрин тутади? Унинг исломий шариатдаги ўрни қандай? Ушбу ва унинг ортидан туғиладиган саволларга Аллоҳнинг ёрдами билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ибн Манзур «Араб тили» китобида шундай дейди: Ломи заммали ва сукунли бўлиб келадиган хулқ сўзи дин, табиат ва феъл маъносидадир. Бу сўз Қуръон ва Суннатда айни шу маънода келган ва шариат бу сўзга алоҳида маъно белгилаган эмас. Балки у ўзининг луғавий маъносида келган бўлиб, Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарига айнан шу маънода хитоб қилган

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз»

[Қалам 4]

Муфассирлар бу ҳақида икки хил фикр билдирадилар. Ибн Аббос, Мужоҳид, Абу Молик Саъдий, Робеъ Ибн Анас, Заххок, Муқотил ва Ибн Зайд каби муфассирлар

﴿وَأَنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз»

[Қалам 4]

дегани «Ислом устидадирсиз» маъносида дейишган. Улардан Али ва Атийя кабилар У Қуръон одоби дейишган. Табарий эса иккисини бирлаштириб: Албатта сиз Эй Муҳаммад улуғ одоб устидадирсиз, Аллоҳ таълим берган Қуръон одоби Ислом ва унинг шариатидир деган.

Кўпчилик муфассирлар биринчи маънони, яъни (дин) деган маънони олишган бўлса, айримлари (табиат ва феъл-атвор) маъносини олишган. Агар биринчи маънони рожиҳ деб билсак – гапнинг оқими ҳам шуни кўрсатмоқда – бу юқоридаги воизларнинг фикрларига далил бўлмайди. Чунки улар далил келтирар эканлар, бундан бошқа маънони ирода қилишган. Аммо иккинчи маънога келсак, бу улар ирода қилган маъно бўлиб, ундан Оиша رضي الله عنها айтганидек: «У кишининг хулқи Қуръон эди» деган маъно тушунилади. Бошқача айтганда, Қуръон ҳукмлари жумладан буйруқ ва қайтарувлари Пайғамбарга сифат бўлиш ўрнига Росулulloҳнинг табиати ва феъл атворига ўхшаб қолади. Шундай экан, ушбу ҳадисни ахлоқ шахс ва жамиятнинг ўйғонишига асос эканига далил қилиб бўлмайди.

Росулulloҳ ﷺнинг:

﴿إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ﴾

«Мен гўзал хулқларни тўла қилиш учун юборилдим» деган ҳадиси эса шу сўзнинг луғавий маъносига мос келади. Таховий ўзининг «Мушкилul Осор» номли китобида шундай дейди: (Бизнинг фикримизча – Аллоҳ билгувчиروқ – бунинг маъноси Аллоҳ Таоло Пайғамбарни одамларга динларини тўла қилиш учун юборди деганидир. Шунинг учун айнан мана шу маънодаги оятни нозил қилди.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим»

[Моида 3]

Шундай экан, Пайғамбар ﷺнинг Аллоҳ Таоло тарафидан юборилишлари олдинги пайғамбарлар ибодат қилган динларни мукамал қилиш учун бўлган. Сўнгра Аллоҳ

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ﴾

(Бугун сизларга динингизни комил қилдим) деган қавли билан уларни комил қилди. Комил қилиш дегани тамомига етказиш маъносида бўлиб, бу Росулulloҳ ﷺнинг:

﴿بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ صَالِحَ الْأَخْلَاقِ﴾

«Мен яхши хулқларни (яъни динларнинг яхшиси бўлган Исломни) тамомига етказиш учун юборилдим», деган ҳадисига мос келади. Тавфиқ Аллоҳдандир). Иқтибос тугади.

Шундан келиб чиқиб ҳадисни (табиат ва феъл-атвор) маъносини олганимизда ҳам, у биринчи маънога яқин бўлади. Яъни Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺни юбориш орқали гўзал хулқларни комил қилгани, демак, у кишининг юборилиши динни, шу жумладан, гўзал хулқларни комил қилиш учун бўлганини англатади. Ҳар икки маъно ҳам луғавий маънога мос келади. Икки маънонинг бирини рожиҳ қиладиган қарина мавжуд эмас. Ҳадисда келган «انما» лафзи ҳам икки маънонинг бирини рожиҳ қила олмайди. Чунки «انما» хаср (чеклаш) учун келади, шунингдек, чеклашдан бошқа маъноларда ҳам келади. Агар аввалги маънони, яъни (дин) деган маънони тушунсангиз, чеклаш учун келган бўлади. Агар иккинчи маънони, яъни (табиат ва феъл-атвор) деган маънони тушунсангиз, таъкид учун келган бўлади. Яъни Пайғамбар ﷺнинг юборилиши динни, шу жумладан, гўзал ахлоқни комил қилиш учун бўлади. Шу маънода Росулulloҳ ﷺдан қуйидаги ҳадис ворид бўлган:

﴿إِنَّ مَثَلِي وَمَثَلَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لَبَنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ وَيَعْجَبُونَ لَهُ وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ اللَّبَنَةُ؟ قَالَ: فَأَنَا اللَّبَنَةُ وَأَنَا خَاتِمُ النَّبِيِّينَ﴾

«Мен билан мендан аввалги анбиёларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди, дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман». (Бухорий ривояти). Демак, Пайғамбар ﷺнинг юборилиши шариатни, шу жумладан, гўзал хулқларни комил қилиш учун ғишт ўрнида бўлган.

Шунга кўра, оят ва ҳадис маъносини хато тушуниш ва бу икки нусусни шахс ахлоқ билан уйғонади деган фикрга далил қилиш ҳамда ҳадисни Пайғамбар ﷺни юборишдан мақсад – ўзларининг

тушунчаларига кўра – ахлоқни тамомига етказиш учун бўлган деб иллатлаш уни хато тушунишдир. Чунки бу оят ва ҳадис далолат қилган нарсага тўғри келмайди. Шунинг учун улар далил қилишаётган нарсада далил келтириш важҳи (йўллари) мавжуд эмас. Шундан маълум бўладики, динни хулққа чеклаш ва хулқни дин деб тушуниш хато тушунча бўлиб, у ҳеч қандай далилга суянган эмас. Диннинг барчаси ахлоқдир деган гапни эса айтмаса ҳам бўлади. Уни воқелик тасдиқламайди, чунки динда ақида, ибодат, муомала ва инсонлар ишларини юргизувчи низом мавжуд. Буларнинг барчаси ахлоқ эмас, уларни Ислом олиб келган.

Аммо шахс ва жамият ахлоқ (табиат, ва феъл-атвор ёки сифатлар) билан уйғонади деган гапга келсак, бу мутлақо нотўғри гапдир. Чунки уйғониш хулқ каби жузъий фикрларга асосланмайди. Аксинча, у куллий фикрларга асосланади ва бу фикр ҳар бир нарсада фикрлаш учун асос бўлади. Бу куллий фикр фикрий қоида бўлиб, ундан низомлар келиб чиқади. Бу эса хулқ каби жузъий фикрларга мос келмайди. Ахлоқ ҳар бир нарсада фикрлашга асос бўлишга ярамайди ва ундан тузум келиб чиқмайди. Шунинг учун куллий фикргина шахсми ёки жамиятми фарқсиз, уларнинг уйғонишига асос бўла олади. Бу куллий фикр ақлий ақидадан ўзга нарса эмас. Бошқача айтганда, фикр ва мулоҳаза билан эришилган ақидадир.

Бундан ташқари, ахлоқ инсон амалларига берилган баҳодир. Инсон амални баҳолаш ёки унга ҳукм чиқариш қобилятига эга эмас. Шунга кўра, инсоннинг амалларига берилган энг тўғри баҳо шариат берган баҳодир. Бизнинг хулқларимиз эса шариат кўрсатиб бергандек риоя қилинадиган шаръий ҳукмлардир. Шунинг учун ахлоққа улар мақталгани учунгина риоя қилинмайди, балки уларга шаръий ҳукм бўлгани учун амал қилинади. Шў боис, ахлоқимиз манбаи ваҳий бўлиб, бу бошқа дин ва мабдалардаги ахлоққа зиддир. Ахлоқ барча халқ ва миллатларда бир хил эмас, гарчи айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшаса-да.

Аммо инсон ва жамиятнинг воқесига келсак, инсонда узвий эҳтиёжлар ва уларни қондиришга ундайдиган ғаризалар мавжуд. Ғаризаларни қондириш жараёнида инсонда алоқалар пайдо бўлади. Биз уларни қуйида келтирилган учта алоқада умумлаштиришимиз мумкин:

1 – Инсоннинг яратувчиси билан бўлган алоқаси. Бу ақида ва ибодатларни ўз ичига олади.

2 – Инсоннинг ўзи билан бўлган алоқаси. Бу ахлоқ, ейиш ва ичиш ҳамда кийим-кечакни ўз ичига олади.

3 – Инсоннинг бошқа инсонлар билан бўладиган бўлган алоқаси. Бу муомала ва жазоларни ўз ичига олади.

Ислом ушбу алоқаларни тартибга солиш учун келган бўлиб, инсонни уйғотади ва ривожлантиради. Шундан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шахс уларга кўра уйғонадиган асосларнинг аҳамиятига қараб қуйидаги тартибда келтириш мумкин: 1 – Ақида. 2 – Ибодат. 3 – Муомала 4 – Ахлоқ. Агар шу асослардан бирортаси йўқ бўлса, инсоннинг уйғониши рўй бермайди. Демак, инсон ёлғиз ахлоқ билан уйғонмайди, балки ахлоқ шахснинг уйғонишига сабаб бўладиган тўрт асоснинг биридир.

Аммо жамиятга келсак, инсонлар ўзвий эҳтиёжлари ва ғаризаларини қондиришга муҳтож бўлгани, шунингдек, инсон эҳтиёж ва ғаризаларини қондириш жараёнида ўзича мустақил бўла олмагани учун бошқа инсонлар билан алоқа ўрнатишга мажбур. Ушбу алоқалар эса доимий бўлиши лозим. Токи, инсонлар ўз жамоалари ичида яшаши барқарор бўлсин. Бу доимий алоқалар жамоадагилар рози бўладиган фикрлар, ўша фикрларга мос туйғулар ҳамда жамиятнинг фикр ва туйғуларини тартиблаштирадиган тузумдан иборат. Жамиятга берилган бундай таърифдан аён бўладики, жамият фақат шахсга асосланмайди. Балки у шахсга, умумий ўрф (фикрлар ва туйғулар)га ҳамда мана шу умумий ўрфни назорат қиладиган низомга асосланади. Шунга кўра, ахлоқнинг жамият воқелигига таъсири йўқ, унинг асосларидан эмас ва жамият асосларининг бир қисми ҳам эмас.

Шариат инсон учун белгилаб берган ахлоқ буйруқ ва қайтариқлардир. Бошқача айтганда, эргашиш вожиб бўлган шаръий ҳукмлардир. Мусулмон киши ҳаёт майдонида юрар экан, унда ўша ахлоқ пайдо бўлади. Чунки Аллоҳ Таоло шаръий ҳукм сифатида тўғри сўзликка буюриб, ёлғон гапиришдан қайтарган. Шунингдек, шаръий ҳукм сифатида урушда ёлғон гапиришга рухсат берган. Бундан ташқари, мўминларга раҳмдил бўлиш ва кофирларга шафқат қилмасликка ҳам ахлоқий сифат бўлгани учунгина эмас, балки шаръий ҳукм сифатида буюрган. Демак, улар ўзининг шаръий ҳукмига мувофиқ риоя қилинадиган шаръий аҳкомлардир. Лекин шахс ёлғиз ахлоқнинг ўзи билан уйғонмайди, жамиятнинг уйғониши ёки тубанлашишига ахлоқнинг алоқаси йўқ. □

ИҚТИСОДИЙ МУСТАМЛАКАЧИЛИКНИНГ ИСЛОМИЙ ЮРТЛАРГА БЎЛГАН ХАТАРИ

Мозин Дибоғ – Ироқ вилояти

Усмоний Халифаликда гавдаланган Исломий давлатнинг заифлашиб, биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраганидан кейин қулашида унга қарши қилинган фикрий ҳужумнинг таъсири кучли бўлди. Жиноятчи Мустафо Камол томонидан 1924 йилда Халифалик бекор қилингани эълон қилинди ва у мустамлака ҳукмронлиги остидаги давлатчаларга бўлиниб кетди. Ҳарбий мустамлакачилик ҳар бир мусулмонга аён эди ва бу чуқур мулоҳаза юритишни талаб этмасди. Шунинг учун ҳарбий мустамлакачилик исломий юртлар халқларини мустамлакачиларни қувиб чиқариш учун қўзғолон қилишга ундади. Ислом Уммати бу йўлда кўп қурбонлар берди. Миллионлаб шаҳидларни берган Жазоир қўзғолони ва йигирма йил давом этган Ливиядаги Умар Мухтор қўзғолони шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, босқинчи ўзининг бу юртларда қолиши қийинлигини тушунди. Шунинг учун бу юртлардан чиқиб, уларга мустақиллик беришга қарор қилди. Лекин у сохта мустақиллик эди. Чунки у ҳокимиятни Уммат фарзандлари орасидаги мустамлакачига содиқ бўлган ва унинг Ислом юртларидаги манфаатларини ҳимоя қиладиган малайларга топширганидан кейингина чиқиб кетди. Шундай қилиб, босқинчи эшиқдан чиқиб, ойнадан кирди, натижада берилган улкан қурбонликлар бекор кетди.

Мустамлакачиликнинг ҳамма билиши мумкин бўлган очиқ юзи бор ва бу ҳарбий назоратни ўрнатишдир. Лекин Уммат фарзандларининг кўпчилигига маълум бўлмаслиги мумкин бўлган сиёсий, иқтисодий ва сақофий юзлари ҳам бор.

Ушбу мақолада биз иқтисодий мустамлакачиликка, яъни мамлакатлар устидан иқтисодий назорат ўрнатилишига тўхталамиз. Мустамлакачиликнинг бундай тури Уммат фарзандларининг кўпчилигига маълум эмас ва у хатарлидир. Чунки у ҳар бир мабданинг ўзига хос бўлган иқтисодий низоми билан умуминсоний бўлган иқтисод фани ўртасидаги фарқни ажрата олмайдиган зиёлилар зеҳнига ин қуриб олган.

Бойлик ҳақидаги қараш ва аҳолининг унга бўлган муносабати асосида капитализм ва коммунизм шаклланган. Капитализм ва коммунизм мана шу қарашга биноан номланган.

Иқтисодий мустамлакачилик кучли давлатнинг заиф давлатлар устидан ҳукмронлик қилиши ҳамда уларнинг ресурс ва бойликларини

эксплуатация қилиш учун ўз нуфузини ёйишидан иборат. Шунинг учун Америка ўзининг иқтисодий нуфузини умуман олам устидан, хусусан, муслмон юртлари устидан қуйидаги иқтисодий қуроллари орқали кенгайтиришга ҳаракат қилаётганини кўрамыз:

Биринчи: Америка долларининг дунё иқтисодиёти устидан ҳукмронлиги:

Доллар ҳукмронлиги 1944 йили Бреттон-Вудс иттифоқи тузилган пайтдан бошланди. Бу иттифоқда 44 давлат иштирок этди. Унинг муҳим натижаларидан бири АҚШ долларининг бошқа мамлакатлар валюталари нархини аниқлашда асосий манба сифатида қабул қилиниши бўлди. Шундай қилиб, ушбу келишув АҚШ долларининг жаҳон иқтисодий операциялари устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин урушдан чарчаган Европа мамлакатларига нисбатан Америка катта олтин улушига эга бўлганлиги сабабли бу мамлакатларнинг катта қисми долларни валюта захираси сифатида ишлата бошлади. Бу 1971 йилгача давом этди, шу йилга келиб, АҚШ президенти Никсон ўз мамлакатининг Америка долларини олтинга алмаштириш мажбуриятини бекор қилди. Бу баёнот кейинчалик Никсон зарбаси сифатида танилди. Муаммо шунда эдики, бу давлатлар доллар билан муомала қилишга мажбур бўлди. Чунки улар долларни тўплаганидан кейин ундан воз кеча олмас ва муқобил топиш учун сиёсий қарашга ҳам эга эмас эди.

Доллар ҳукмронлигидан қутулиш олтин низомини иқтисодий ҳаёт ва халқаро муомалаларга қайтариш билангина бўлиши мумкин. Чунки уни мабдаий давлат тиклайди сўнг дунё давлатларини у билан муомала қилиш сари етаклайди. Бу эса, Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги рошид Халифалик қайта тикланиши билан амалга ошади. Ўшанда Халифалик давлати Уммат олдидаги мажбуриятлари доирасида мажбурий банкноталар ўрнига танга зарб қилиш тизимини қабул қилади.

Иккинчи: Халқаро Банк ва Халқаро Валюта Фонди:

Бу иккиси 1944 йилдаги Бреттон-Вудс конференцияси қарорларига кўра ташкил этилди. Мақсад, унга қўшилган ва ёрдамга муҳтож бўлган мамлакатларни қайта қуриш ва ривожлантириш учун сармоя киритишни рағбатлантириш эканини эълон қилдилар... Уларнинг даъвоси шу. Лекин воқелик ва ҳужжатлар бунинг аксини кўрсатади. Чунки ушбу ёрдамларнинг инсоний жиҳатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Моддийликка қурилган капитализм манфаатдан бошқасини билмайди, капитализм лўғатида инсонийлик номли нарсанинг ўзи йўқ. Америка ушбу рибо муомаласига асосланган муассасалари орқали исломий юртларга ўз нуфузини ёйди. Сўнг юрт бойликларини

талон-торож қилиб, уларнинг кўпларини қарзга ботириш ва судхўрлик билан йиғилган даромадларни тўлатиш орқали банкрот қилди. Ҳатто ресурслар, конлар, сувлар ва тупроққа бой бўлган Ироқ каби юртлар ҳар йили ўз халқига давлат банкротлик ёқасида деб таҳдид қиладиган бўлди. Шунингдек, ҳукумат номидан сўзловчи Аҳмад Мулла Талол каби жинойтчи сиёсатчилар давлат ишчилар маошини тўлашга қодир эмас деб айтадиган бўлди. Парламентнинг молия қўмитаси аъзоси Аҳмад Ҳаж ва молия вазири Али Абдуамир Алави иқтисодий вазиятнинг жиддийлигини тан олди. Америка бу муассасалар орқали мамлакатнинг ички сиёсатиға ҳукмронликни қўлга киритди. Америка буни қарз давлатларга юклаётган шартлари орқали амалга оширди. Ушбу шартларнинг энг кўзга кўринганлари қуйидагилардир:

Қарз олувчи давлат ўз валютасини маълум фоизга девалвация қилиши ҳамда озиқ-овқат ва ёқилғи субсидияси (мустаҳкамлиги)дан бош тортиши керак. Яна у сарф харажатиини камайтириши ҳамда хусусий секторнинг ривожланишдаги ролини ошириши ва давлат секторининг ролини чеклаши керак. Шунингдек, даромадларнинг хорижга қараб оқишиға ҳеч қандай чекловлар қўймаслиги керак. Яна бошқа шартлар ҳам мавжуд бўлиб, улар мамлакат суверенитетини йўқотиб, ушбу муассасаларға қарам қилиб қўяди.

Бинобарин, қашшоқлик, солиқларнинг кўпайиши, аҳолининг озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим каби асосий эҳтиёж ва бошқа турмуш эҳтиёжлари учун давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бекор қилиниши туфайли бу қарзлар мамлакат ҳаётиға таъсир қиладиганини кўрамиз. Шунингдек, бу давлатлар қарзни тўлаш ва судхўрлик фоизларини тўплашнинг асири бўлиб қоладиганини кўряпмиз. Халқаро Валюта Фондининг самараси қашшоқликни йўқ қилиш эмас, балки камбағалларни йўқ қилишдир. Бу ҳақда Америка президенти Никсон бир марта шундай деган эди: «Эсда тутайликки, Америка ёрдамнинг асосий мақсади бошқа давлатларға ёрдам бериш эмас, балки ўзимизға ёрдам беришдир». Юқоридагилардан иқтисодий мустамлакачиликнинг исломий юртларға бўлган хатари ҳамда бу Умматнинг кўп фарзандларига маълум эмаслиги аён бўлади.

Мустамлакачиликнинг муслмон юртларға киришиға йўл очиб берганлар хоин ҳокимлардир. Улар нафақат мамлакатни қарзға ботиришди, балки улар бойликларнинг катта қисмини ўғирлаб, қолганини боғу роғлар қуриш, ёдгорликлар ўрнатиш ва фавворалар бунёд этишға сарфлашмоқда. Улар бирорта ҳам юртға фойда келтирадиган иқтисодий лойиҳа яратиша олмади. Шундай қилиб,

бойликларга тўла мусулмон юртларни бир товоқ тилла эвазига Уммат душманларига топширди.

Эй мусулмонлар: Юртда сиёсий, иқтисодий ва сақофий босқинни қолдириб, уни ҳарбий босқиндан тозалаш ва босқинчининг қўшинини юртдан чиқариб юбориш юртни тозалаш деб ҳисобланмайди. Бундай юртни мустақил юрт деб бўлмайди... Юрт озод ва мустақил бўлиши учун мустамлакани ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва сақофий шакллари билан биргаликда улоқтириб юбориш лозим. Шунинг учун босқинчи кучлар мусулмон юртларидаги сиёсий тузумни сақлаб, конституциясини муқаддаслаштириб, мамлакатни иқтисодий ишғол қучоғига ташлаб кетар эканлар, ҳокимлар ва қуролли гуруҳларнинг қичқириқ ва ҳайқириқлари аҳмоқлик, халқларни адаштириш, Умматга хиёнат қилиш, Аллоҳ ва Росулига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Мустамлакачиликдан азоб чекаётган Уммат дарбадарликда ва ўзи ишонган нарса билан унга татбиқ этилаётган нарса ўртасидаги зиддият шароитида яшашга мажбур. Чунки ҳоким ўзини исломий ҳизбга мансуб деб ҳисобласа-да, куфр билан ҳукм юритмоқда. Зиёли демократияга ва Ғарб томон иқтисодий очиқликка тарғиб қилмоқда ва ўзини мусулмонман деб даъво қилиб, шаҳодат калимасини айтмоқда. Суд эса намоз ўқиб, рўза тутар экан, инсонлар чиқарган қонунлар билан ҳукм чиқармоқда.

Дарбадарлик ва зиддият ҳолати туфайли Уммат ўзлигини йўқотди. Натижада ранглари қоришиб, уни бошқалардан ажратиб турадиган ўзига хос ранги қолмади. Бу ҳақда Росулulloҳ ﷺ Абу Саиддан ривоят қилинган ҳадисда шундай деган эдилар:

«لَتَبْعُنَّ سَنَنَ مَنْ قَبْلَكُمْ شِبْرًا بِشِيرٍ، وَدِرَاعًا بِدِرَاعٍ، حَتَّىٰ لَوْ سَلَكَوْا جُحْرَ صَبِّ لَسَلَكْتُمْوْهُ.

قلنا: يا رسول الله، اليهود والنصارى؟ قال النبي ﷺ: فَمَنْ؟!»

«Сизлар олдингиларнинг йўлига қадамма-қадам, қаричма-қарич эргашасизлар. Ҳатто улар калтакесак инига кирса, сизлар ҳам кирасизлар. Шунда биз Эй Аллоҳнинг элчиси яҳудий ва насронийларгами? – деб сўраган эдик, У зот: **Бошқа ким ҳам бўларди, деб жавоб бердилар**». Икки шайх ривоят қилган.

Эй мусулмонлар: Ташкил топгандан бери исломий ҳаётни қайта бошлаш ва исломий юртларни ҳар қандай босқинчидан тозалаш ишига ўзини бахш этган Ҳизб ут-Таҳрир сизларни Пайғамбарлик минҳожини асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳнинг фарзини бажаришга чақиради. Ана ўшанда дарбадарлик ва зиддият ўрнига камолот ва уйғунлик ҳолатида яшайсизлар.

Ҳақиқий Ислом давлати барпо этилгандан кейингина бахтга эришасиз, ўз юртингиз бойликларидан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз ва дунё халқларини одамларга ибодат қилишдан озод қилиб, Роббисига ибодат қилишга етаклайсиз.

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ ؕ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ
يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ ؕ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглр ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар» [Анфол 24] □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ислом ва мусулмонларга очиқ қаршилик... Гейларга бағишланган камалак рангли Қуръон		
<p>Гейларга бағишланган камалак рангли Қуръон бутун Ислом дунёсидаги мусулмонларнинг ҳис туйғуларини қўзғади. Бу баъзи мамлакатларда ушбу жирканч ҳодисага қарши жазо чоралари кўрилишига олиб келди. Жазоир Бискра вилоятида турли ўлчамдаги 81та Қуръони карим нусхаси мусодара қилинди. Уларнинг аксарияти араб мамлакатларида айна шу хусусият билан нашр қилинган. Кейинчалик, улар Бискра вилояти дин ишлари ва вақфлар бошқармаси илмий қўмитасига тақдим қилиниб, текширувдан ўтказилгач, бу нусхалар ёқиб юборишга қарор қилинди. Жазоир расмийлари ушбу Қуръонларни гейлар рангида чоп этиш ва тарқатиш ортида турган томонлар ҳақида изланишлар давом этаётганига ишора қилди. Жазоирнинг Наҳор газетасига кўра, бу нусхалар араб ва хорижий мамлакатларда босилган; Полиция баёноти бўйича, мусодара қилинган нусхаларни иш бўйича тергов мобайнида йўқ қилишга қарор қилинган. Қувайтда Вақф ва Ислом ишлари вазирлиги Жаҳра шаҳридаги масжидда кузатилган (гейлар) масаласида изоҳ бериш учун расмий баёнот берди. Вақф вазирлиги ўз баёнотида «Рангли Қуръоннинг айланиб юрувчи видеоклипи лицензияга эга эмас ва вақф вазирлигига алоқаси бўлмаган Кирбидаги масжидда суратга олинган», деди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ушбу тадбир гомосексуализмни тарғиб қилиш ва нормаллаштириш ҳамда янги глобал диний тартибни яратишга қаратилган ва АҚШ давлати томонидан ўтказилаётган энг йирик кампания доирасида бўлмоқда. Қаранги, бугунги кунда дунё маданий таназзул даражасига етдики, Америка президентлари (Обама ва Байден) буни қабул қилиб, Блинкен эълон қилган ташқи сиёсат фаолияти қаторига киритдилар... Бу мусулмонларни ҳаётдаги ўз ролларини бажаришга ва дунёни янгидан бошқаришга чақирмайдими? Чунки Ислом охирги ҳақ дин бўлиб, унинг соф таълимоти ва ҳаққоний ҳукмлари шифобахш малҳамдир.</p>		
Масжидул Ҳаром имомига қарши шиддатли кампания!		
<p>Масжидул Ҳаром хатиб имоми Шайх Солиҳ ибн Ҳумайд Макка шаҳридаги жума хутбасида яҳудийларга қарши: «Эй Аллоҳим босқинчи ва зўравон яҳудийларга ўзинг кифоя қил. Чунки улар кибр қилишмоқда... Эй Аллоҳим уларга жиноятчи қавмдан</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
қайтаролмайдиган куч-қудратингни нозил қил... Эй Аллоҳим сендан уларнинг ёмонлигидан сақлашингни сўраймиз», деб дуо қилди.		
<p>Бу Салмон ва унинг ўғли ҳукмдорлиги даврида қораланадиган иш бўлганлиги сабабли, унинг дуоси ижтимоий тармоқларда яҳудийларнинг ғазабини қўзғади. Сурбетлик шу даражага етдики, (исроил)лик журналист шайхни имомликдан четлатишни талаб қилди ва имом режимдан узр сўради. Айнан шу нарса ижтимоий тармоқларда «Ҳаммамиз Шайх ибн Ҳумайдмиз» хештеги билан твитлар рўйхатида биринчи ўринни олган акс садони пайдо қилди. Ижтимоий тармоқларда ўзининг дадил позициялари билан танилган Уммон Султонлиги бош муфтийси шайх Аҳмад ибн Ҳамад Ҳалилий Маккадаги Масжидул Ҳаром имом хатиби Солиҳ ибн Ҳумайд билан биргалигини билдирди. У ўзининг твиттердаги саҳифаси орқали шундай ёзди: «Масжидул Ҳаром имоми, биродаримиз шайх Солиҳ ибн Абдуллоҳ ибн Ҳумайднинг ҳақни қўллаб-қувватлашга ва ботилни мағлуб этишга чақирган дуоси қалбимизни қувонтирди. Ёмон кўрадиганларнинг ғалаёни қанчалик бўлмасин, Аллоҳ у билан ва мўминларнинг яхшилари билан биргадир».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Қачон уламолар ҳақ тарафда турсалар, Уммат ҳам улар билан бирга бўлади. Бу улар учун энг катта таянчдир. Улар бу билан ҳукмдорларни Росулulloҳ ﷺ айтганларидек тўғри йўлга юришга ва ҳаққа чекланишга ундайдилар. Биз мусулмонларга таъкид билан айтамызки, яҳудийларни Фаластиндан қувиш ва уларнинг давлатига барҳам бериш энг енгил ишдир. Чунки Уммат қайноқ ҳолатдадир. Лекин бу ердаги катта тўсиқ яҳудийларни ҳимоя қилиш учун тўсиқ бўлиб турган ҳукмдорлардир. Шунинг учун ким Фаластинни озод қилмоқчи бўлса, аввало золим ҳукмдорларга барҳам бериши лозим. Қирол Салмон ва унинг ўғли ҳам шулар жумласидандир. Бу режимлар харобалари узра рошид Халифаликни барпо этмоғи даркор. Шунда мусулмонлар яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларнинг юзларини қаро қиладилар ҳамда масжидга аввал кирганларидек кириб, эгаллаган нарсаларини тамоман парчалайдилар. Бу мусулмонлар ва яҳудийлар биргаликда кутаётган нарсадир.</p>		
<p>Америка Қўшма Штатлари: Маймунчечак эпидемияси сабабли соғлиқни сақлаш бўйича фавқулодда ҳолат эълон қилинди</p>		
<p>Вашингтон Пост газетаси расмийлардан иқтибос келтирган ҳолда, АҚШ президенти Жо Байден маъмурияти маймунчечак эпидемияси пандемияга айланиб кетишидан хавфсираб, уни соғлиқни сақлаш учун фавқулодда ҳолат деб эълон қилишни режалаштираётгани</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>ҳақида хабар берди. АҚШ соғлиқни сақлаш вазири эса Қўшма Штатларда маймунчечак касаллиги авж олганидан жиддий хавотирда эканини билдирди. АҚШ соғлиқни сақлаш бўйича юқори мартабали бир амалдор яқин ҳафталарда маймунчечак касаллигининг кўпайишини кутаётган Қўшма Штатларда ҳозирда талабни қондириш учун вакцинанинг етарли дозалари йўқлигини тан олди. Шу муносабат билан Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 78та мамлакатда, асосан Европа қитъасида 18 мингта маймунчечакка чалинганлар борлигини тасдиқлади. Шуниси эътиборга лойиқки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адҳаном Гибриесус маймунчечак эпидемияси «Халқаро ташвишга сабаб бўлган фавқулудда вазият» эканлигини билдирган эди. Австралия эса мамлакатда инфекциялар сони ортиб бораётгани муносабати билан маймунчечакка қарши 450 минг доза вакцина таъминланганини эълон қилди. Франция икки мингдан ортиқ касаллик юқтирганлар борлигини айтди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси «Францияда аниқланган ҳолатларнинг қарийб 96 фоизи гейлар орасида содир бўлган» деди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Маймунчечак биринчи марта 1958 йилда лабораториядаги маймунларда чечакка ўхшаган касаллик пайдо бўлганида аниқланган. Демак, бу чечак Ғарб маҳсулотидир. Унинг энг кўп тарқалаётган жойи Ғарб мамлакатларига тўғри келади. Чунки бунга сабаб уларнинг ифлос ҳазоратидир. Уларнинг тепасида эса гомосексуализмни қонунийлаштириш ва уни халқларга сингдиришга қақираётган Америка турибди. Аллоҳ нақадар тўғри сўзлагувчидир:</p>		
<p style="text-align: center;">﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ﴾</p> <p>«Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди» [Рум 41]</p>		
<p style="text-align: center;">Насруллоҳ (Исроил)ни тан олдимиз?!</p>		
<p>Ахборул Явм шундай хабар тарқатди: «Ҳизбуллоҳ бош котиби Саййид Ҳасан Насруллоҳ ҳар доим ўзининг қуролли қаршилигини босиб олинган Фаластинни (Исроил) душманлигидан озод қилиш ва унинг фаластинликларнинг ҳуқуқларига зарар етказилишини олдини олиш учун бўлганини айтиб келган. Аммо бу даъво денгизга чўкаётганга ўхшайди» дейди кузатувчи манба. Ушбу манба Насруллоҳнинг қуйидаги айтганларини келтиради: «Агар Каришдан нефть ва газ қазиб олиш сентябр ойида, яъни Ливан ўз ҳуқуқини</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва қамситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>олишдан олдин бошланса, биз муаммога дуч келамиз». Унинг фикрича, Ҳизбуллоҳ бош котиби шу ибора билан (Исроил)нинг нефть қазиб олиш ҳуқуқини тан олади, бир шарт биланки, бу Ливаннинг шу борадаги ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги лозим. Бу эса, Ҳизбуллоҳнинг (Исроил) билан муаммоси энди мавжуд эмаслиги, балки муаммо унинг географиясини хоҳ денгиз, ёки қуруқлик бўлсин белгилайдиган «чегарада» қолганини англатади. Манба шундай яқунлайди: «Насруллоҳ (Исроил)ни давлат сифатида мавжудлигини тан олиши янгилик эмас. Чунки у Ливан давлати Америка воситачиси (Исроил) томони билан денгиз чегараларини белгилаш бўйича олиб бораётган музокараларга барака тилаб дуо қилган».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бунгача Эрон Ҳизби Американинг янги Яқин Шарқ лойиҳаси доирасида Миср, Иордания ва Сурия орқали (Исроил) газини кредитга олиш ҳақида сукут сақлаган эди. (Исроил) гази масаласига АҚШ энергетика вазирлиги расмийси бўлган Метю Зайс Атлантика кенгаши веб-сайтида эълон қилинган мақоласида тўхталиб, шундай дейди: «Миср табиий гази Иорданияга етмасдан олдин (Исроил) гази билан аралаштирилади. Иордания электр энергиясининг катта қисми (Исроил) газидан ишлаб чиқарилади». Унинг қўшимча қилишича, Ливан ҳолатида (Исроил) табиий газининг роли яшириладими ёки йўқми аниқ эмас... Минтақада, жумладан, Эрон муҳим минтақавий рол ўйнайдиган Сурия ва Ливанда содир бўлаётган воқеалар Американинг минтақа учун чизган режасидир. Эрон эса Американинг пиёда аскарлари ва тобесидир.</p>		
<p align="center">Бурқиба ҳам Ибн Али ҳам бундай қилмаган эди... Қайс Саиднинг сурати минорага осиб қўйилди</p>		
<p>Тунис президенти Қайс Саид суратининг Сиди Али ибн Аун минтақасидаги масжид минорасига осиб қўйилиши кенг танқидлар тўлқинига сабаб бўлди. Туниснинг собиқ ташқи ишлар вазири Рафиқ Абдуссалом шундай деди: «Буни Бурқиба ҳам Ибн Али ҳам амалга оширмаган. Аммо Қайс Саид машинаси буни онглилик ва қатъият билан қилган... Менимча, бундай тадбир ташкилотчилари нотўғри йўл тутдилар, чунки бу масжид муқаддаслигини очиқдан-очиқ бузиш бўлиб, олдин бундай ишлар содир бўлмаган». Кенг тарқалган танқидлардан сўнг Сиди Бузид вилоятидаги маҳаллий ҳокимият масжид минорасидан Саид суратини олиб ташлади. Бир неча соат ўтгач, давлат ҳокимияти Саиднинг бевосита буйруғи билан сурат масжид минорасидан олиб ташланганини таъкидлаб, президентнинг «ҳокимиятни шахсийлаштиришга» қарши эканини билдирди. Тунис</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>муҳолифати президент Саидни 25 июл куни бўлиб ўтган референдумда ўз ваколатларини сезиларли даражада оширган янги конституцияни қабул қилишга муваффақ бўлганидан сўнг уни индивидуал бошқарув ўрнатганликда айбламоқда.</p> <p>Ал-Ваъй: Бундай хабарлар фақат бир нарсани англатади, яъни Тунис инқилоби Ғарб томонидан сиёсий элитадан иборат малайлари ва тилёғламачи уламолари орқали ўғирланган. Шунинг учун золим режим ҳам, унинг ҳукуматдаги ақлияси қуламаган эди. Балки шасхлар қулаб, ўрнига ҳукуматда уларга яқин бўлган кимсалар келганди... Шунингдек зулм, қашшоқлик ва истибдод ўзгаргани йўқ. Одамлар қўзғалган нарсага чек қўйилмади.</p>		
<p>Газета: «Оли Шайх»га қилинган ҳужум ортида Миср разведкаси турибди</p>		
<p>Ливанда чиқадиган «Ахбор» газетаси Миср разведкаси Саудия кўнгилочар бошқармаси бошлиғи Турки Оли Шайхнинг Мисрдаги санъат ва медиа соҳаларидаги таъсиридан жуда хавотирда эканини маълум қилди. Газетанинг таъкидлашича, Турки Оли Шайх Мисрдаги санъаткорларни сотиб олишга бўлган қатъий уринишларидан кейин разведка идоралари томонидан ҳужумга учраган». Газетага кўра, келишмовчилик биринчи бўлиб Мисрлик санъаткорлар билан тўғридан-тўғри муомала қилиш сиёсатини қабул қилганлиги ва режимга содиқлигини кафолатлаш учун анавиларга тазйиқ ўтказётган разведкага мурожаат қилмагани туфайли келиб чиққан. Санъаткорларнинг Оли Шайх билан муомалаларини давом эттириши уларга катта даромадга эришиши учун эшик очган. Миср доираларида бу саудиялик маслаҳатчи атрофидагилар ва у билан алоқада бўлганларга кўп пул сарфлагани туфайли «Гуруч қопи» номи билан танилган. Газетанинг эътибор қаратишича, Миср разведка хизматларининг ғазабланишига сабаб шуки, Оли Шайх авваллари разведка шартлари ва қоидаларига бўйсуниб келган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан келишиб, уларга 70 % аванс берган. Оли Шайх кино ҳамда драма спектакллари ва асарларни намойиш қилиш ҳуқуқини сотиб олиш бўйича улкан режаларини эълон қилган эди. Газетанинг ёзишича, разведка бундан хавотирда. Чунки бу разведканинг бозор монополиясига таъсир қилади.</p> <p>Ал-Ваъй: Бу ярамас хабар бўлса-да, лекин у санъатнинг сиёсий ва жосуслик эксплуатацияси оламига қандай кириб бораётганини ҳамда бу нафақат Мисрда, балки бутун минтақада разведка қўлида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>эканлигини ва шармандаликлар санаб бўлмайдиган даражада кўплигини фош қилиб беради. Санъаткорларнинг кўплаб ёдномаларида разведка хизматлари уларни қандай қилиб ёллаб, сиёсий арбоблар билан мулоқот қилиш ва алоқа ўрнатишга мажбурлагани тилга олинган. Эҳтимол, Миср вазири Сафват Шариф уларнинг ичида ифлослик, аҳмоқлик ва жиноятда энг машҳури бўлса керак.</p>		
<p align="center">Фуқаролар уруши шарпаси Американи таъқиб қилмоқдами?</p>		
<p>2022 йил биринчи сентябрда Филадельфиядан «Америка халқи»га мурожаат қилган АҚШ президенти Жо Байден ўзидан олдинги президент Доналд Трамп ва унинг тарафдорларига қаттиқ ҳужум қилиб, уни «Демократия ва республикамиз асослари учун таҳдид» деб тарифлади. Байден Трампнинг «Американи яна буюк қилайлик» шиорига ишора қилар экан, «Доналд Трамп ва республикачилар республикамиз пойдеворига таҳдид қилувчи экстремизмни ифодалайди» деди. Демократик партия вакили бўлмиш президент Қўшма Штатларда «Тенглик ва демократия ҳужум остида» эканини қўшимча қилди. У яна «Биз Америка тажрибасининг ҳақиқий меросхўрларимиз» дея давом этди ва «Биз демократиямизга таҳдидлар олдида заиф эмасмиз ва Америка олдинга ёки орқага кетишини танлаши керак» деб қўшимча қилди. Байденнинг айтишича, Трамп ва республикачи экстремистлар «Қўрқув ва ёлғон тарқатиб, бошбошдоқликда яшайдилар». Кўчада республикачилар билан мисли кўрилмаган қарама-қаршиликка тушиб қолиш эҳтимоли ҳақида Байден шундай деди: «Биз мамлакатимизда зўравонлик ҳукм суришига ва сайловлар яхлитлигига путур етказишига йўл қўймаймиз».</p>		
<p>Финансиал Таймс газетаси 2022 йил 26 августда АҚШнинг собиқ президенти Доналд Трамп бўлажак сайловларда партия раҳбарлигига қайта олмаслиги ва унинг қулаши эҳтимоли ҳақидаги катта шубҳалардан сўнг республикачилар партия устидан назоратни кучайтирганини айтган. Газетанинг айтишича, «Бу шубҳа ҳозир соддалик деб таърифланади, чунки Трамп қўллаб-қувватлаган номзодлар машҳурликка эришган». Мақола давомида айтиладиги, «Трампнинг энг кўзга кўринган танқидчиларидан бири бўлган республикачилар партияси вакили Лиз Чейннинг бу ойдаги мағлубияти унинг ўтган йили АҚШ конгресси биносига бостириб кириши юзасидан олиб борилаётган терговдаги роли учун қасос бўлди». Финансиал Таймсга кўра, «Республикачи сиёсатчиларнинг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>деярли тўртдан уч қисми Жо Байден Қўшма Штатларнинг қонуний сайланган президенти эканини рад этади». Газета бўлажак сайловларда Байден билан бўладиган рақобат ҳақида «Ҳозирги президент машҳур эмас» деган. Газетанинг қўшимча қилишича, «Бироқ ноябр ойидаги сайловлар яқинлашар экан, Трампни қўллаб-қувватловчи номзодлар ҳар қачонгидан ҳам кўзга кўпроқ ташланмоқда ва оралиқ сайловларда одатда ҳукмрон партия ҳар қандай сиёсий қонунбузарликлар учун жазоланади. Газета «Трамп 2024 йилда республикачилар партиядан президентликка номзод бўлишга интилиши ва ғалаба қозониши мумкин» дея хулоса қилган.</p> <p>Ал-Ваъй: Республикачилар ва Демократлар ўртасидаги кескин тафовут мисли кўрилмаган даражага етди. Бунда Республикачилар партиясининг ўта ўнг қанот оммабоп базага бўлган эҳтиёжи ўз ҳиссасини қўшди. Бундай база Трамп ортида турди ва ҳамон турмоқда. Трамп эса президентликка эришгунича унинг интилишларини ифодалайди. Бу кескин бўлиниш баъзи хорижий газеталарни фуқаролар уруши шарпаси Американи таъқиб қилмоқда деган мавзунини тарқатишга ундади. Шунингдек, Капитолий биносига бостириб кириш воқеалари бу атмосферани мустаҳкамлашнинг муҳим белгиси деб ифодалаб, Америка «Ўз лангарини йўқотганини» айтди. (Халқаро хавфсизлик бўйича эксперт ва Калифорния университети профессори) Барбара Волтер ўзининг «Фуқаролар уруши қандай бошланади ва уни қандай тўхтатиш керак» номли китобида Америка фуқаролар уруши ёқасида экани ҳақида огоҳлантирган. Шунингдек, у фуқаролар урушининг омил ва белгиларини батафсил кўрсатиб берди. □</p>		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرَ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ

غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи меҳрибондир»

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий тафсирида шундай дейилади:

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرَ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ

رَحِيمٌ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи меҳрибондир»

[Оли Имрон 31]

Биз шуни билишимиз керакки, агар оятда (قُلْ **айтинг**) калимаси келса, демак, ундан кейин келган калималар Росулulloҳ ﷺнинг ўз Роббисидан одамларга етказаётган хабари, яъни буйруқ ва буюрилган ишлардан иборат хабар эканига далилдир. Дилларида ҳақ йўлдан оғиш бўлган айрим кимсалар Пайғамбар (قُلْ **айтинг**) калимасини ўқимасдан ҳам, фақатгина

﴿إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ﴾

(Агар Аллоҳни севсангиз менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади), деб айтиб қўйса ҳам бўлаверар эди, дейишади. Биз уларга айтамыз: Агар Росулulloҳ ﷺ шундай қилганларида эди, буюрилган ишни адо қилган, лекин буйруқни тўлиқ адо қилмаган бўлар эди. Хўш, нима учун шундай? Чунки бу ерда (قُلْ **айтинг**) калимаси буйруқ бўлса,

﴿إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ﴾

(Агар Аллоҳни севсангиз) эса, буюрилайётган нарсадир. Гўёки Росулulloҳ ﷺ бошланишида (قُلْ **айтинг**) калимаси келган ва Аллоҳдан етказайётган ҳар бир хабарда ҳам буйруқни, ҳам буюрилайётган нарсани етказмоқдалар. Бу эса, Росулulloҳ ﷺ Аллоҳ томонидан у кишига нима келса, барчасини етказувчи эканига далилдир.

Буни айтаётганлар Қуръондан (قُلْ **айтинг**) калимасини ўчиришимизни ҳамда

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад) Аллоҳ ягонадир»

[Ихлос 1]

дейиш ўрнига

﴿اللَّهُ أَحَدٌ﴾

(Аллоҳ ягонадир) дейишимизни хоҳлашади. Биз уларга айтамыз: Сизлар Пайғамбар ﷺнинг буюрилган ишни адо қилган, лекин буйруқни адо қилмаган бўлишини хоҳлаяпсизлар.

Аллоҳ Таолонинг:

﴿إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ﴾

(Агар Аллоҳни севсангиз менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади) ояти нимага далолат қилади? Улар Аллоҳни севаман деб даъво қилганликлари аниқ. Лекин Росулulloҳ олиб келган нарсада Аллоҳга эргашмаганлар. Улар бу билан гўё Аллоҳни севишни бошқа нарса, таклиф-буйруққа эргашини бошқа нарса қилиб олишган. Аллоҳ Таоло бандаларини яратиб, уларни қўллаб-қувватлаб қўйган экан, бу эса унинг неъматидир. Энди, Аллоҳ Таоло бандалари устидан таклиф-буйруқ бериш шарафига ҳам эга. Айни шу буйруқнинг Аллоҳ Томонидан бандага берилиши ва бу борада Аллоҳга бандадан ҳеч қандай манфаат етиб бормаслиги, балки Аллоҳнинг бундан беҳожатлиги ҳам Аллоҳнинг бир неъматини ҳисобланади.

Албатта Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло бирортасига муҳтож эмас. У зот бизга вазифа юклар экан, инсон ҳаётини сақлаб қолувчи қонунга амал қилишимизни хоҳлайди. Биз инсон қўли билан ясалган станокни мисол келтириб ўтган эдик. Ўша станокни ишлаб чиққан муҳандис унинг ишлашини таъминлайдиган қонунни белгилаб беради. Қонунда фойдаланиш кўрсатмалари келтирилган бўлади. Бу кўрсатмада (буни

қил), (бундай қилма) деб айтилади. Бундан ташқари, муҳандис станок учун жой ва ишлаш усулларини ҳам белгилаб беради.

Шундай қилиб, станокка техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қонунлар рўйхатини тузиш ҳамда уни кичик рисолада чоп этиш харидорнинг фойдаси учундир. Инсон томонидан яратилган нарсада шундай бўлади. Энди, Аллоҳ Таоло яратган нарсаларда қандай бўлади?! Аллоҳ Таоло инсонни яратиб, уни қўллаб-қувватлади ва вазифаларни юкледи. Ҳақ Таоло таклифни яратиш ва қўллаб-қувватлаш йўлида хизмат қиладиган қилиб белгилади. Агар Ҳақ Таоло (қил) ва (қилма) деган ҳаёт низомини бермаганида яратиш ва қўллаб-қувватлаш бизнинг зараримизга бузилган бўлар эди. Ҳақ Таолонинг бандаларига таклифни яратиши бу унинг неъматидир. Агар банда Аллоҳнинг қудратини англаб, уни яратгани ва қўллаб-қувватлагани учун севган бўлса, таклифни қабул қилиш жиҳатидан ҳам Роббисининг фазлини билиши керак. Шунингдек, банда Роббисини унга иймон вазифаларини юклагани учун севиши керак.

Ҳа, сен Аллоҳни севасан, лекин сен Аллоҳни севишинг билан Аллоҳ сени севиши ўртасини ажратиб олишинг лозим. Чунки гоҳо таклиф қийин туюладида, сен унга сусткашлик қиласан. Шунинг учун биз сенга айтамыз: Аллоҳ сени яратгани ва қўллаб-қувватлагани учунгина У зотни севишинг кифоя қилмайди, чунки бундай ҳолатда сен ўзинга таклиф олиб келаётган таклиф неъматига эътиборсиз бўлиб қоласан. Эй инсон таклифни бажарар экансан, бу неъмат сенга барча яхшиликларни олиб келади. Бандалар Аллоҳ Таоло уларни яратиб, қўллаб-қувватлагани учун У зотни севишлари яхши нарса. Лекин Аллоҳнинг ўз бандаларини севиши банда Аллоҳнинг таклифдаги неъматини билишига боғлиқ. Аллоҳ Таоло таклифдаги неъматнинг баҳосини биладиган бандасини яхши кўради.

Биз инсоний шароитимизда бир инсон бошқа инсонни севишини лекин ўша бошқа инсон уни севмаётганини кўрамыз. Шоир Мутанаббий айтади: Сен севасан, лекин мен севилмайдиган ошиқ бўлиб қолишдан қўрқаман.

Мутанаббий бир кишини севсанг-у, лекин ўша киши сени севмайдиган бўлиб қолишидан паноҳ сўрамоқда. Шунга кўра Аллоҳни севамиз дея даъво қиладиганлар Аллоҳнинг яратиш ва қўллаб-қувватлашдаги эҳсонига нисбатан бандадирлар. Лекин таклифни адо этишга келганда нафсларини мажбурлай олмайдилар. Биз уларга айтамыз: Сизлар Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг ярмини тўсдингиз, чунки Аллоҳ Таоло ўзининг эмас, аксинча, сизнинг

фойдангиз учун таклиф юклайди. Таклиф яратиш ва қўллаб-қувватлашдан кам эмас.

Нима учун? Жавоб шуки: Таклифда яратиш ва қўллаб-қувватлашнинг эзгулиги бор. Муҳаббат – билганимиздек – қалб севгисидир. Агар қалб севгиси Аллоҳга нисбатан қиёсланса, биз унинг таъсирларини ҳамда афв, раҳмат ва розилик каби амалини кўрамыз. Агар банданинг Аллоҳга нисбатан қалб муҳаббатини қиёсласак, у итоатда бўлади. Ҳар бир инсонда муҳаббат, яъни қалб севгиси бўлиши мумкин, лекин ҳақиқат қалб севгисини ҳам қалбни берган зотнинг севгисини ҳам талаб қилади. Шунинг учун инсон итоат қилган ва Аллоҳни севган ҳолда у Зотнинг таклифларини бажариш учун улар ҳақида баҳс қилиши керак. Токи, у Аллоҳнинг унга бўлган афв этиш, раҳм айлаш ва рози бўлиш каби муҳаббатига сазовор бўлсин.

Шаръан талаб қилинган муҳаббат тор маънодаги муҳаббатдан фарқ қилади. Барчамиз билиб олишимиз учун айтаман: Аллоҳ Таоло одил бўлиб, чегарадан ва тоқатдан ортиқчасини юкламайди. Таклиф борасида Аллоҳга бўлган муҳаббат ақлий муҳаббатдир. Шунинг учун ақлий муҳаббат билан ҳиссий муҳаббат ўртасини ажратиб олишимиз керак. Ҳиссий муҳаббатда турли туманлик бўлмайди. Мен сизга (фалончини ҳиссий жиҳатдан севишинг лозим деб айтмайман). Чунки ҳиссий муҳаббатнинг қонуни йўқ. Инсон ўз фарзандини ақли заиф ёки ногирон бўлса ҳам севади; Уни ҳисси билан севади, ақли заифлигини ақли билан ёмон кўради.

Инсон қўшнисини ёки душманининг истеъдодли боласини кўрганда, уни ақли билан яхши кўради. Лекин қўшнисини ёки душманининг боласини ҳисси билан яхши кўрмайди. Бунинг далили шуки, инсон ўзида бир чиройли нарса бўлса, уни қўшнисини боласига эмас, балки ўзининг боласига беради. Демак, ақлий муҳаббат билан ҳиссий муҳаббат ўртасида фарқ бор.

Таклиф доим қудрат доирасида бўлади ва у ақлий муҳаббатдир. Инсон ақл муҳаббати билан: Агар мен бу динни қабул қилмаганимда ҳаётим қандай бўлар эди деб савол бериши мумкин. Аллоҳ бизни ушбу дин билан сийлаб, раҳм қилмаганида ҳамда ушбу ҳурматли элчини юбормаганида дунёга нима бўлар эди, деб савол бериши мумкин. Албатта мана шу ақлнинг гапи ва ақлнинг муҳаббатидир. Гоҳида севги чегарадан чиқиб, ҳиссий бўлиб қолиши ҳам мумкин. Лекин таклиф қилинган муҳаббат ҳиссий эмас ақлий муҳаббатдир. Шунинг учун Умар رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺдан ривоят қилган қуйидаги ҳадисни яхшилаб фаҳмлашимиз лозим:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

«Мен сизга фарзандингиз, ота-онангиз ва барча одамлардан кўра суюқлироқ бўлмагунимча, комил иймонли бўла олмайсиз».

Саййидимиз Умар мана шу нуқтада тўхтаб, шундай деган эди: Наҳотки сизга бўлган муҳаббат жондан ортиқ бўлса мен сизни мол дунёим ва бола чақамдан кўра кўпроқ яхши кўраман, лекин ўзимга келсак, ўзимга бўлган муҳаббатим юқоридир, деди. Шундай қилиб, Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг иймон ижросининг самимийлигини кўрамыз. Чунки Росулulloҳ ﷺ ушбу сўзини иккинчи ва учинчи марта такрорлагач, Умар бу нарса таклиф эканини тушунди. Шунингдек, бунда қодир бўлган севги ҳиссий севги эмас, ақлий севги бўлиш кераклигини билди. Шунда Умар (Эй Аллоҳнинг росули ҳозирдан бошлаб сизни ўзимдан кўра яхши кўраман) деган эди. Росулulloҳ ﷺ «Эй Умар мана энди тушундинг» дедилар. Бошқача айтганда, энди иймонинг баркамол бўлди, деди. Яъни Саййидимиз Умар رضي الله عنه бу муҳаббатдан мақсад ақлий муҳаббат эканини тушунди. Ушбу масала қалбларда ёки ақлларда ноаниқ бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирмоқчимиз. Инсон аччиқ дорида манфаат бор деб қарайди ва ўзидан уни яхши кўрадими ёки йўқми шуни сўрайди. Инсон у дорини ҳиссий жиҳатдан эмас, балки ақлан яхши кўради. Демак, ақлий севги гарчи нафсингиз уни ёмон кўрса-да, сиз ўзингизга фойдали деб билган кишини севишингиздир. Қачонки бирор нарсанинг фойда чегараси аён бўлса, уни ҳиссий жиҳатдан яхши кўрасиз. Демак, иймоний таклиф учун талаб қилинган нарса ақлий муҳаббатдир. Шундан кейин у ҳиссий муҳаббатга кўтарилади. Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ﴾

(Агар Аллоҳни севсангиз менга эргашишлар. Шунда Аллоҳ сизларни севади) деган қавлини ҳам шундай тушуниш лозим, чунки бу севги фақат даъво эмас. Инсон бошқа инсонни севишини даъво қилса, унга тегишли ҳамма нарса севишли бўлади. Шоир: Маҳбубнинг барча айтганлари ҳам маҳбубдир) деб бежиз айтмаган.

Агар Росулulloҳ ﷺни севсангиз, иймоний таклифни бажариш орқали у кишига эргашиш. Шу ўринда менга эргашиш ибораси билан мени тингланг ибораси ўртасини ажратиш олишимиз керак. Эргашиш фақат сулукда бўлади, шунинг учун агар Росулulloҳни яхши кўрсанг, у кишининг нима қилаётганига қараб, ўша тарзда қилишинг лозим бўлади. Аммо яхши кўришни даъво қилсанг-у, Росулulloҳ ﷺ қилганидек қилмасанг, бу яхши кўриш борасида ёлғон гапирганинг бўлади. Чунки даъво қилган яхши кўришингни тасдиқлашинг учун Росулulloҳ ﷺга эргашишинг керак. Агар биз Росулulloҳ ﷺга эргашсак, Аллоҳдан бўлган таклифни неъмат деб билишимиз ва унда

қанча машаққат бўлса ҳам қабул қилишимиз лозим. Шунда Аллоҳ бизни севади, чунки биз машаққат бўлса-да таклифни қабул қиляпмиз.

Бу оятни тушуниш биздан Аллоҳ Таолонинг бизни огоҳлантираётганини билишни талаб қилади. Гўё у бизга айтади: Сизлар Аллоҳни яратгани ва қўллаб-қувватлагани учун севдингиз, сўнг таклиф оғир бўлгани учун тўхтаб қолдингиз. Биз айтамыз: (Ўйлаб кўринг, таклиф юклаган зотнинг фойдаси учунми ёки юкланган кишини фойдаси учунми?). Албатта таклиф уни қабул қилиб олганнинг фойдаси учундир.

Шунинг учун таклифни неъмат сафига қўшишимиз керак. Шунда яратиш, қўллаб-қувватлаш ва таклиф неъматларининг барчаси неъматга айланади. Агар Аллоҳни яратгани ва қўллаб-қувватлагани учун севсангиз, бу Аллоҳни таклиф юклагани учун ҳам севишингизни тақозо этади. Аллоҳни яхши кўришликнинг далили банда томонидан таклифнинг бажарилишидир. Агар сиз ҳис-туйғуларингизнинг самимийлигини Аллоҳга бўлган мана шундай севгингиз билан ифодалайдиган бўлсангиз, Аллоҳ ҳам сизни севади. Ҳар биримиз биламизки, унинг Аллоҳга бўлган севгиси на илгарилайди ва на ўзоқлашади. Лекин Аллоҳнинг сизга бўлган севгиси илгарилаши ёки ўзоқлашиши мумкин.

Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ га:

﴿فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ﴾

(Менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни севади) деб ўргатар экан, яъни Аллоҳ томонидан юборилган элчи ўзига нозил қилинган нарсани олиб келган ва у кишига етказиш буюрилган нарсанинг бирортасини ҳам яширмаган экан, ҳеч ким Аллоҳ билан Росули ўртасини ажратиши тўғри бўлмайди. Чунки Росулulloҳ ﷺ Аллоҳ нозил қилган барча нарсани етказувчидир. Шундан кейин Ҳақ Таоло айтади:

﴿وَيَغْفِرَ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ﴾

(Ва гуноҳларингизни мағфират қилади). Бу масала инсонлар чиқарган қонунларда қонуннинг орқага қайтиш кучи деб номланади. Ким бу ҳақда, яъни Аллоҳга бўлган муҳаббат ва Росулulloҳ ﷺ га эргашиш ҳақида ўйланмаган бўлса, бас, билсинки, зудлик билан бу ишни бошлаши, Росулulloҳ ﷺ га эргашиши ва ийманий таклифни бажариши шарт. Шунда Аллоҳ Таоло унинг олдинги гуноҳларини мағфират қилади. Бу ерда савол туғилади: Аллоҳ унинг қайси гуноҳларини кечиради? Бунинг жавоби шуки, бу гуноҳлар баъзи

бандаларнинг Росулulloҳга эргашишдан қочганда содир бўлган гуноҳларидир. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ бу борада Аллоҳнинг ҳукмини олиб келганлар. Биз шунга аминмизки, агар инсон иймон амалларини бажаришга рози бўлса, Аллоҳ адолати зот бўлиб, ҳеч кимни олдинги гуноҳи учун жазоламайди. Росулulloҳ ﷺ даъватни кимларга етказган бўлса, улар у зотнинг нимани етказганликлари ҳақида фикр юритсинлар. Чунки бу нарса инсонга етиб келмагунча унга қарши ҳужжат бўла олмайди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло етказишдан олдинги гуноҳларни кечиради. Шундан кейин Ҳақ Таоло бундай деяпти:

﴿وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

(Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи меҳрибондир). Биз биламизки, албатта мағфират ҳам, раҳмат ҳам Аллоҳдандир. Шундан кейин айтади:

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ﴾

«Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!»» [Оли Имрон 32]

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكٰفِرِينَ﴾

«Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!» Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларни севмас»

[Оли Имрон 32]

Мен олдин итоатга буюриш масаласида айтган эдимки, бу масала Қуръони Каримда уч хил кўринишда келган. Ҳақ Таоло бир марта ушбу оятдаги каби

﴿أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ﴾

(Аллоҳ ва пайғамбарига итоат қилинг) дейди. Шу ўринда таъкидлаймизки, Аллоҳ Таоло итоат амрини такрорламади, балки бир марта айтди, яъни **﴿أَطِيعُوا﴾** **итоат қилинг**). Агар итоат қилинувчи ким деб савол берсак, жавоб: Аллоҳ ва Пайғамбари биргаликда бўлади. Демак, Росулulloҳ ﷺ Аллоҳ томонидан

﴿فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ﴾

(Менга эрашинг, Аллоҳ сизларни севади) деб етказиши мўминларнинг Пайғамбарга итоат қилиш бу Аллоҳга итоат қилиш эканини англатади. Яъни Росулulloҳ ﷺ бизни ўзига эмас, балки Аллоҳга итоат қилишга буюряптилар. Шунинг учун Ҳақ Таоло итоат қилиш амрини такрорламади. Албатта бу ерда Ҳақ Таоло итоат амрини битта қилиб, унда ҳам Аллоҳга ва ҳам Пайғамбарига итоат

қилишга буюряпти. Бунда иккинчи итоат қилинувчини биринчи итоат қилинувчига боғляпти, биринчи итоат қилинувчи Аллоҳ бўлса, иккинчиси Пайғамбар ﷺ дир.

Ҳақ Таоло ўзининг азиз китобида айтади:

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ فَإِن تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ وَعَلَيْكُمْ مَّا حُمِّلْتُمْ وَإِن تُطِيعُوهُ تَهْتَدُوا وَمَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَّغُ الْمُبِينُ﴾

«Айтинг: «Аллоҳга бўйсунингиз ва Пайғамбарга бўйсунингиз! Энди агар юз ўгирсангизлар бас, (Пайғамбар) зиммасида ўзига юкланган нарса бордир, сизларнинг зиммангизда эса ўзларингизга юкланган нарса (Пайғамбарга бўйсунингиз) бордир. Агар унга бўйсунсангиз ҳидоят топурсизлар. Пайғамбар зиммасида фақат етказиш бордир» [Нур 54]

Ҳақ Таоло бу ерда итоат амрини уч марта такрорлади. Биринчи марта Аллоҳга итоат қилиш, иккинчи ва учинчисида Пайғамбарга итоат қилишга буюряпти. Ҳақ Таоло яна айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَى الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳокимларга итоат қилингиз. Борди-ю бирор нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатдан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз. Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

Итоат қилишга бўлган бундай амрларни қандай тушунса бўлади? Бунинг жавоби шуки, булар турли хил таклифларга итоат қилишга бўлган буйруқлардир. Мўминлардан талаб қилинган ҳукмлар эса ўша буйруқларга итоат қилиш. Уларда бир марта Аллоҳ томонидан буйруқ келади-да, Росулulloҳ ﷺ уни ўз қавли ва сулуки билан таъкидлайдилар. Мўмин эса ўша битта буйруққа итоат қилар экан, Аллоҳ ва росулига биргаликда итоат қилган бўлади. Баъзида эса ҳукм Аллоҳ томонидан мужмал келадида Росулulloҳ ﷺ уни тафсилотини айтиб берадилар. Масалан,

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾

«(Эй мўминлар), намозни тўқис адо этинглар, закотни адо этинглар ва Пайғамбарга бўйсунинглар. Шояд раҳматга эришсангизлар» [Нур 56]

Кимдир бир кунда неча маҳал намоз ўқилиши керак ва ҳар бир намозда неча ракат бор эканини ҳамда намоз ўқиш тартибларини

билмаслиги мумкин. Росулulloҳ ﷺ намоздаги мана шу масалаларни айтиб берганлар. Демак, мўмин мужмалликда Аллоҳга итоат қилса, тафсилотда Пайғамбарга итоат қилади. Биз бу ерда эътибор беришимиз керак бўлган нарса шуки, бу ерда иккита итоат, биринчиси Аллоҳга ва иккинчиси Пайғамбарга итоат қилиш бор. Лекин битта буйруқ билан Аллоҳга ҳам, Пайғамбарга ҳам итоат қилинади, чунки бу ерда буйруқ битта.

Шундан кейин иш эгаларига итоат қилиш мавзуси келади, Ҳақ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِيَ الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳокимларга итоат қилингиз. Борди-ю бирор нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатдан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз. Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

Албатта Ҳақ Таоло иш эгаларига итоат қилишни Аллоҳ ва росулига итоат қилиш билан бирга айтмади, яъни барчасини битта итоат қилиб белгиламади. Ҳақ Таоло иш эгаларига итоат қилиш билан Аллоҳга итоат қилиш ва Росулига итоат қилиш ўртасини ажратди. Бунда иш эгаларига итоат қилиш Пайғамбарга итоат қилиш буйруғи остига киргизилди. Нима учун шундай? Бунинг жавоби шуки, иш эгаларининг шахсан ўзига итоат қилинмайди, Пайғамбарга эса ўзига итоат қилинаверади. Иш эгаларига итоат қилиш ўша иш эгаларининг Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат қилишига боғлиқ. Иш эгалари Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат қилишмас эканлар, уларга итоат қилинмайди. Ҳақ Таоло айтади:

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِن تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ﴾

(Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!» Агар юз ўғирсалар, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларни севмас). Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарига Аллоҳни яхши кўрамиз деб айтаётганларга Аллоҳнинг муҳаббатига эришиш учун нима қилиш шартлиги ҳақида етказиб қўйишни айтяпти. Токи, инсонлар учун фойда рўёбга чиқсин. Чунки Аллоҳнинг муҳаббати инсон муҳаббатидан юксақдир.

Пайғамбарга эргашиш ва тақлифни бажариш Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилиш билан бўлади. Бандалар Аллоҳ ва Росулига бўлган муҳаббатларини мана шундай изҳор қиладилар. Агар бош

тортсалар, ёки агар тингламасалар ва эргашмасалар, Аллоҳ сақласин, уларнинг мавқеи кўфр бўлади. Чунки Ҳақ Таоло Аллоҳ ва Пайғамбаридан юз ўгирганлар ҳақида

﴿فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ﴾

(Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларни севмас) демоқда. Бундан даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак. **(Тَوَلَّوْا юз ўгирсалар)** калимаси Аллоҳнинг оятларини эшитиб, қабул қилмайдилар ва рад этадилар деган маънода. Чунки улар Аллоҳнинг ҳукмини олмадилар ва буйруқни бажаришда ялқовлик қилдилар. Аллоҳ сақласин улар Аллоҳнинг ҳукмидан бош тортдилар. Шунинг учун мен олдин ҳам айтганман ва ҳозир ҳам айтаманки, Аллоҳнинг амрига зид иш тутаётганлар, бир ҳукми Аллоҳнинг ҳукми деб қабул қилиш билан нафси шу ҳукмга эргаштириш ва уни амалга оширишга мажбурлаш орасини фарқлай олмасликдан эҳтиёт бўлсинлар.

Эй мусулмон нафсингизни мажбурлай олмайдиган ёки мажбурлашга қодир бўлмаган ҳукми инкор қилишдан эҳтиёт бўл. Агар шундай қилсанг, ўзингни Ислом доирасидан чиқариб, кўфр доирасига отган бўласан, бундан Аллоҳ сақласин. Лекин сен ҳукмга ишон ва айтгинки, (Бу Аллоҳнинг ҳукми ва у савоб амал, лекин мен ўз нафсимни мажбурлай олмаяпман). Мана шу нарса ҳукми ижро қилмасликни фақат маъсият қилиб қўяди. Шундан сўнг Ҳақ Таоло қуйидаги оятда бизга ақида асосларини баён қилмоқда

﴿شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ

الْحَكِيمُ﴾

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи бор. У қудрат, ҳикмат эгасидир» [Оли Имрон 18]

Ҳақ Таоло мўминларга иймон бойлигини бераётгани ва У барча нарсага қодир илоҳ экани тўғрисида ҳамда Унинг қудрати кечани кундузга, кундузни кечага киритиши, ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқариши ҳақида хабар берганидан кейин, шунингдек, Аллоҳни севиш йўлини ўргатганидан кейин, яъни агар Аллоҳнинг яратгани ва қўллаб-қувватлагани учун севсангиз ҳамда Аллоҳ ҳам сизларни севишини истасангиз, таклифларни бажаришда Аллоҳ ва росулига итоат қилинг деб ўргатганидан кейин... бунга қўшимча, иймон асосларини ақида ва қонун қилиб белгилаганидан кейин, буларнинг барчасидан сўнг инсон қандай йўлни тутиши кераклиги

Ҳақида амалий намунаи бермоқда. Буни шундай тушуниш зарур: Назариялар ишлаб чиқарилаверади-ю лекин татбиқ қилишга келганда ҳеч ким бўлмайти. Ҳақ Таоло эса ортиқча ёки бефойда нарсани юкламади. Аллоҳ Таоло бизга: Мен сизларга иймоний тақлифларни юкладим сиз каби одамлар орасида унга эргашиб, уни амалга оширишга қодир бўлганлар бор, деди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло бизга мана шуни баён қилиб берадиган намуналарни кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ саводсиз Умматга юборилдилар, Исломулар учун янгилик эди. Шунинг учун Ҳақ Таоло ўтмишдан мисолларни келтирди. Бу мисол-намуналар шуни таъкидлайдики, биз Исломудинида тарафкашликни топмаймиз. Чунки Аллоҳ Таоло томонидан Одам ﷺ га келган дин Иброҳим ﷺ га, Имрон сулоласига, Мусо ﷺ ва Исо ﷺ га келган диндир.

Албатта Ҳақ Таоло Ўзи юборган манҳажга мансуб дин вакилларига ҳурмат сифатларини беради. Исломуэса ушбу собиқ рисолалар олиб келган айрим нарсаларни насх қилиб, уларни қиёматгача боқий бўладиган битта манҳажга тизди. У Исломуманҳажни бўлиб, мутлақ буюқдир. Ҳақ Таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَىٰ آدَمَ وَنُوحًا وَآلَ إِبْرَاهِيمَ وَآلَ عِمْرَانَ عَلَى الْعَالَمِينَ﴾

«Албатта Аллоҳ Одам ва Нуҳни ҳамда Иброҳим ва Имрон сулолаларини бутун олам устида (Пайғамбарлик учун) танлаб олди»
[Оли Имрон 33] □

АЛЛОҲНИНГ ТАҚСИМОТИГА РОЗИ БЎЛИШ

– Термизий Савбондан чиқарган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ шундай дейдилар:

«مَنْ قَالَ حِينَ يُمَسِّي: رَضِيتُ بِاللَّهِ رَبًّا، وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا، وَبِمُحَمَّدٍ نَبِيًّا، كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُرْضِيَهُ»

«Кимки кеч киргач: Аллоҳни Роббим, Исломни диним ва Муҳаммадни пайғамбарим деб рози бўлдим дея уч марта айтса, уни қиёматда рози қилиш Аллоҳга вожиб бўлиб қолади». Маъруф Курхий айтади: Менга Довуд Тойининг баъзи дўстлари: Амални тарк этма, чунки амал сени хожангнинг розилигига яқинлаштиради, деди. Шунда мен: Бу қандай амал дедим. У: Хожанга тўхтамай итоат қилиш, мусулмонларни ҳурмат қилиш ва уларга насиҳат қилиш, деди. (Вафийёт Аъен китоби, 5-жилд, 232-саҳифа). Қаноатсизлик инсоннинг бу ҳаётдаги қашшоқлигига ва ғам ташвишларнинг ҳужумига сабаб бўлади. Ҳасан Басрийдан: Бундай феъл-атвор қаердан келади? – деб сўрашди. У: Аллоҳдан рози бўлмасликдан – деб жавоб берди. Аллоҳдан рози бўлмаслик қаердан келади – деб сўрашди. У: Аллоҳни танимасликдан – деб жавоб берди.

– Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра айтади: Пайғамбаримиз ﷺ:

«مَنْ يَأْخُذُ عَنِّي هَوْلَاءِ الْكَلِمَاتِ فَيَعْمَلُ بِهِنَّ – أَوْ يُعَلِّمُهُنَّ مَنْ يَعْمَلُ بِهِنَّ – ؟ فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ:

قُلْتُ: أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَأَخَذَ بِيَدِي، فَعَدَّ خَمْسًا وَقَالَ: اتَّقِ الْمَحَارِمَ تَكُنْ أَعْبَدَ النَّاسِ، وَارْضَ بِمَا قَسَمَ اللَّهُ لَكَ تَكُنْ أَعْنَى النَّاسِ، وَأَحْسِنْ إِلَى جَارِكَ تَكُنْ مُؤْمِنًا، وَأَحِبَّ لِلنَّاسِ مَا نَحِبُّ لِنَفْسِكَ تَكُنْ مُسْلِمًا، وَلَا تُكْثِرِ الصَّحِكَ، فَإِنَّ كَثْرَةَ الصَّحِكِ تُمِيتُ الْقَلْبَ»

«Ким мендан ушбу калималарни олиб, уларга амал қилади ёки амал қиладиганларга уларни ўргатади, дедилар. Шунда мен: Эй Аллоҳнинг Росули мен, дедим. Расулуллоҳ ﷺ қўлимдан тутдилар ва бешта амални санаб, шундай дедилар: Ҳаромдан хазар қил, энг ибодатгўй одам бўласан. Аллоҳнинг тақсимотига рози бўл, энг бой одам бўласан. Қўшнингга яхшилик қил, мўмин бўласан. Ўзингга яхши кўрганни одамларга яхши кўр, мусулмон бўласан ва кўп кулма, чунки

кўп кулиш қалбни ўлдиради». Бу Росулulloҳ ﷺнинг бир неча хислатларни жамлаган васияти бўлиб, унда кўп нарсаларни жамловчи яхшилик бор. Росулulloҳ ﷺнинг:

«وَأَرْضَ بِمَا قَسَمَ اللَّهُ لَكَ»

«Аллоҳнинг тақсимотига рози бўл» деган васиятлари Аллоҳ берган ризққа рози бўл, дунёда етолмаган нарсанга афсус қилма, чунки коинот Аллоҳнинг ҳикмати билан юради деганидир.

«تَكُنْ مِنْ أَعْيَى النَّاسِ»

«Энг бой одам бўласан» деганлари эса, Аллоҳ сенинг қалбинг ва қўлингни бойитади. Чунки ким ўзига тақсимланган нарсага рози бўлиб, одамларнинг қўлидаги нарсадан тамаъ қилмаса, улардан беҳожат бўлади, деганидир. Бу ердаги бойлик қалб бойлигидир.

Абдурраҳмон ибн Иброҳим Фаҳрий отасининг шундай деб айтганини ривоят қилади: Аллоҳ Таоло баъзи пайғамбарларига шундай ваҳий қилган: Агар мен томонимдан сенга ризқ берилса, унинг камлигига қарама. Лекин сенга ўша ризқни ҳадя қилган зотга қара. Агар сенга бало нозил бўлса, мени халқимга шикоят қилма. Худди мен сенинг ёмонликларинг ва шармандаликларингни фаришталаримга шикоят қилмаганимдек. (Хатиб Бағдодийнинг Зуҳд ва Рақоиқ китобидан саралаб олинган. 1-жилд, 108-саҳифа). Ғайлон ибн Жарир айтади: Кимга қаноат, ишонч ва таваккал берилса, бас, кифоядир. Ибн Саъдон айтади: кифоя қиладиган нарсага қаноат қил, розилик изла, чунки тонг отгунча етиб борасанми ёки кечга, буни билмайсан. Бойлик мол давлатнинг кўплигида эмас, балки бойлик ва камбағаллик қалбда бўлади.

Мўмин одам берилганига рози бўлади, агар берилмаса ғазабланмайди ва ноумид бўлмайди. Аксинча балоланса, унда манфаат топади. Чунки у синовларни афзаллик ва қийинчиликларни ҳадя ўрнида кўради. Мўмин одам синовлар қалбни мустаҳкам қилишини билади. Чунки қалб қийинчиликлардан ҳаёт олади. Қиёмат кунинда танага эмас, балки қалбнинг ҳолатига қараб тарозида тортилади. Иброҳим رضي الله عنه шундай деган эди:

﴿وَلَا تُخْزِنِي يَوْمَ يُبْعَثُونَ ﴿٨٧﴾ يَوْمَ لَا يَنْفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ ﴿٨٨﴾ إِلَّا مَنْ آتَى اللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ﴾

«Ва (барча жонзот) қайта тириладиган Кунда мени шарманда қилмагин. У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас; Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» [Шуаро 87-89]

Шоир айтади: Агар балолар кўпайса, Аллоҳга рози бўлиш билан уларни озайтир. Дарҳақиқат, кузатган ва қаноат қилган киши муваффақиятга эришади. Қанчадан-қанча неъматлар борки, одамларга кўринмайдиган балоларга яқиндир. Қанчадан-қанча балолар борки улар совғадир.


Саъд ибн Абу Ваққос Маккага келди ва унинг кўзи кўрмай қолган эди. Одамлар шошганича унинг олдига келиб, ҳар бири дуо қилишини сўрашди. У ҳар бирига дуо қилди, чунки у дуолари қабул бўладиган киши эди. Абдуллоҳ ибн Соиб айтади: Ўшанда мен ёш йигит бўлиб, унга ўзимни таништирган эдим, у ҳам ўзини таништирди. Кейин у менга: сен Макка аҳлининг қорисимисан, деди. Мен ҳа, деб жавоб бердим. Кейин: эй амаки сиз одамларга дуо қиляпсиз, агар ўзингизга дуо қилганингизда Аллоҳ кўзингизни қайтарган бўлар эди, дедим. Шунда у табассум қилиб: Эй ўғлим, мен учун кўзимдан кўра Аллоҳнинг қазоси яхшироқ, деди. (Мадарижус саликийн китоби, 2-жилд, 227-саҳифа). Сафориний (Қалблар озуқаси, Одоб Манзумаси, 2-жилд, 421-саҳифасида) шундай дейди: Умарий айтади: Мен Бухлунни оёғини қабрга осилтириб, тупроқ ўйнаётган ҳолда кўриб, унга: Бу ерда ўтирган наҳот сен бўлсанг, дедим. Шунда у: Ҳа, менга озор бермайдиган ва йўқлигимда мени ғийбат қилмайдиган қавм олдида ўтирибман, деди. Мен эса унга: Нархлар кўтарилди, дедим. У: агар бир дона дон бир мисқол бўлганда ҳам мен учун қизиғи йўқ. Биз Аллоҳ бизга буюрганидек ибодат қиламиз ва у зот ўзи ваъда берганидек бизни ризқлантиради, деди.

Сўнг (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) ушбу байтни ўқиди:

Умрингизни ета олмайдиган ва унинг лаззатларидан кўзлар ухламайдиган нарсага беҳуда сарфляяпсизми. Эй дунё ва унинг лаззатларидан тотиган киши Аллоҳга йўлиққанингда нима дейсан.

Баъзи инсонлар баъзи айрим онгли кишиларга шикоят қилиб, Аллоҳдан хафа эканини айтишди. Шунда у: Агар сен кўр бўлиб, ўн минг дирҳаминг бўлса, хурсандмисан деган эди, у: йўқ деди. Агар сен соқов бўлиб, ўн минг дирҳаминг бўлса хурсандмисан деган эди, у: йўқ деди. Агар сенинг икки қўл ва икки оёғинг йўқ бўлиб, йигирма дирҳаминг бўлса хурсандмисан деган эди, у: йўқ деди. Агар сен жинни бўлиб, ўн минг дирҳаминг бўлса хурсандмисан деган эди, у: йўқ деди. Шунда у: Хожанг сенга эллик минг таклиф қилса-ю, унга шикоят қилишдан уялмайсанми? – деди.

Залолат йўлига юрган Ибн Рованд бир куни Бағдод кўпригида ўтирган эди, олдидан отлар подаси ўтиб қолди. Шунда у: бу отлар кимники деган эди, Али ибн Балтақники деб жавоб беришди. Кейин унинг олдидан жориялар ўтиб қолди. Шунда у: бу кимники деган эди, унга Али ибн Балтақники дейишди. Кейин бир ёш бола келиб, унга раҳм қилганидан бир бўлак нон берди. Шунда залолат йўлидаги Ибн Рованд: Али ибн Балтақнинг отлари ва жориялари бўлса-ю, мен қаттиқ нон сўрайманми дедида нонни отиб юборди ва ўша кунини оч ҳолда ўтказди. Шундай қилиб, унда ҳасад, ғилли-ғаш ва Аллоҳнинг тақсимотига норозилик хислатлари йиғилди ва натижада Аллоҳ уни қалбини муҳрлаб қўйди. Аввал аҳли суннада бўлса, энди мўътазилага ўтди, сўнг рофизий бўлди, сўнг кофир бўлди ва шу аҳволда ўлди.

Абу Дардоъ  айтади: Иймон ўрқачининг чўққиси тўрттадир: Ҳукмга сабр қилиш, қадарга рози бўлиш, таваккалга ихлос қилиш ва Улуғ ва буюк Парвардигорга бўйсунуш». Умар Форук Абу Мусо Ашъарийга шундай ёзган эди: «Аммо баъд, яхшиликнинг барчаси розиликдир. Агар қодир бўлсанг, рози бўл, йўқса сабр қил». Розилик неъматинг энг буюк, тўлиқ ва улуғ неъматдир. Розилик банданинг Аллоҳдан рози бўлиши, яъни унинг устидан бўлаётган Аллоҳнинг қазосини ёмон кўрмаслигидир. Аллоҳнинг ўз бандасидан розилиги эса уни ўзининг буйруқларини бажараётгани ва қайтарганидан қайтаётганини кўришидир. Ҳақиқий мусулмон нафси рози бўлиб, қалби хотиржам бўлганича барча ишларини оламларнинг Парвардигорига холис қилаётган кишидир. □

УММОН МУФТИЙСИ... АЛЛОҲГА БЕРИЛГАН АҲД ПАЙМОН БИЛАН ҲУКМДОРГА БЕРИЛГАН АҲД ПАЙМОН ЎРТАСИДА

Уммон султонлиги бош муфтийиси шаиҳ Аҳмад Халилийнинг сиёсатга таъсир этувчи Исломиё масалаларга тўғри шаръий баҳони бериб, ўз позициясини жасорат билан очиқ билдираётганини тез-тез эшитяпмиз ёки бу ҳақда ўқияпмиз. Жумладан, Фаластин масаласида, шунингдек, Росулulloҳ ﷺ ни ҳақорат қилиш кампаниясига қарши туриш ва Умматни бошқаларга қарамликдан озод бўлишга чақириш масалаларида у ўз позициясини очиқ билдирди. У бугунги кунда Қўшма Штатлар қабул қилган ва Блинкен очиқ эътироф этганидек, давлат департаменти унга даъват этишни фаолиятининг бир қисми қилиб белгиланган гомосексуализмни рад этувчи позициясини ҳам қайд этди... Бундан ташқари, унинг яна бир қанча позициялари борки, расмий диний марказлар ундан узоқроқ туради ва улар тўғрисида тўтилардек сайрашади... Унинг бундай позициялари айримларнинг ғазабини кўзгади ҳамда суриштириб ўрганиш ва ҳатто зимдан айбланиш мавзусига айланди. Зеро, одамлар орасида бу позицияларнинг пинҳоний томони ҳақида, шунингдек, шайхга нисбатан душманлик позициясини кўрсатмаган ва унга тўсқинлик қилишга уринмаган давлатнинг расмий позициясига қанчалик мос келиши ҳақида саволлар пайдо бўлди. Бундай позициялар у томондан қўтилмаганда йўл қўйилган ноҳўя ҳаракатми? Ёки шайх ўз фикри ва позициясида мустақилми? Булар расмий муфтийлар синфи атрофида кўзғаладиган саволлардир. Чунки бундай одамлар орасида ҳақиқатни яшириш ҳамда Ҳақ Таолога берилган аҳд паймонга эмас, ҳукмдорларга берилган аҳд паймонга амал қилиш қоидаси ҳукм суради...

Бошқа томондан, бундай позиция ва баёнотларни қўллаб-қувватлаётганлар ҳам борлигини кўраимиз. Шунинг учун унга мақтовлар ёғдириляётганига, одамлар томонидан унга муқаддаслик ва буюк олимлик даражаси бериляётганига гувоҳ бўламиз. Бунинг сабаби шуки, расмий муфтийлар ва уламолар синфида ҳақиқатни айтмаслик, тўғри позицияни билдирмаслик ва буни ноҳўя иш, деб ҳисоблаш одати бор... Шунинг учун тўғри позиция билдирган уламолар одамларнинг қўллаб-қувватловига сазовор бўладилар... Хўш, бундай ҳолатларга қандай муносабатда бўлиш керак?

Ал-Ваъй: Кузатган киши кўрадики, мустамлакачи ғарб ва унга малай бўлган ҳукмдорлар мусулмонлар орасида обрў ва нуфузга эга бўлиш учун ҳийла-найранг ва алдовга таянишади. Ғарб биладики, халқлар бошқармайди балки бошқарилади. Ким халқнинг фикрини очиқ айтиб чиқса, халқ унга етакчиликини беради ва унинг муаммоларини кўтариб чиқадиган етакчини излайди. Бу ерда етакчилик қилиш учун ташаббусни қўлга олиш кифоя. Ғарб ҳукмдорлар, уламолар ва муфаккирлар орқали етакчиликни қўлга олишга эришмоқда. Масалан, Абдунносир бир пайтлар (Исроил)ни баликларга ем қилишини, Абу Аммор (Ёсир Арафот) эса Фаластиннинг денгиздан дарёгача бўлган ерларини қўтариб олишини айтиб чиққан эди. Улар бундай гаплар билан одамларнинг қалбидан жой эгаллагач, барча нарсани унутиб, Уммат масалаларини сотишди ва уларнинг гаплари алдов бўлиб чиқди...

Бундай ҳолатда ҳақни ноҳақдан қандай ажратамиз?! Мусулмонлар ўз позициялари ва қарашларида шариятга асосланишлари лозим. Шунда уларнинг позициялари ҳеч қачон ва ҳеч қандай жойда ўзгармайди. Аввалги мусулмонлар шариятга асосланишдан қилча оғишмадилар. Улар (Эргашиш учун энг муносиб бўлган нарса ҳақиқатдир), (Ҳақни билсанг, унинг аҳлини ҳам биласан), (Рижоллар ҳақ билан танилади, ҳақ рижоллар билан танилмайди) каби қоидаларни маҳкам ушлашган... Бугунги мусулмонлар ушбу қоидалардан фойдаланиб, ҳукмдор ва уламоларнинг барча позицияларини ўлчашлари ва фақат аввалги позицияси билан кифояланиб қолмасликлари лозим. Чунки улар қанчадан-қанча позицияларни ўзгартиришди. Унутмангки, Ҳақ собит бўлиб, ҳеч қачон ўзгармайди. □

ҲИНДИСТОН СОБИҚ РАСМИЙСИ: ҲЕЧ КИМ ҲОЗИРГИ ДУНЁ ТАРТИБИНИ ХОҲЛАМАЙДИ

Ҳиндистон собиқ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Шифшанкар Менон Америкада чиқадиган (Foreign Affairs) журналидаги мақолада «Бугунги дунё тизимлар ўртасида сарсон-саргардон кезмоқда. Ҳозирги халқаро тизимни фақат бахтсиз ва аянчли, деб таърифлаш мумкин», деди. Унинг фикрича, фақат шу асрнинг ўзида содир бўлган босқин ва ишғоллар, ҳукмрон режимларни ўзгартиришга уринишлар, йирик давлатларнинг яширин аралашувлари натижасида дунё мамлакатлари ва халқларида халқаро тизимга ишончсизлик туйғуси ҳукм сурмоқда. Россиянинг Украинага бостириб кириши бундай зўравонликнинг сўнгги ёрқин мисолидир... Шунингдек, у заиф давлатларнинг халқаро тизим қонунийлиги ва адолатига бўлган ишонч аста секин йўқотаётганини кўрди. Чунки БМТ, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро банк, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Йигирмалик гуруҳи ва бошқалар ривожланиш масаласи, ривожланаётган давлатларга таъсир ўтказётган қарз инқирози, КОВИД-19 пандемияси туфайли кучайган инқироз ва Россия Украина уруши сабабли озиқ-овқат ва энергия нархларидаги инфляция қаршисида муваффақиятсизликка учради. Халқаро Валюта Фонди маълумотида кўра, ҳозир 53 давлат жуда жиддий қарз инқирози ёқасидадир... Унинг таъкидлашича, бу тизим устунларига бўлган ишонч сўниб бормоқда. Сўнгги йилларда муайян давлатларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш ёки ҳарбий чоралар кўриш тўғрисидаги қарорлар БМТ хавфсизлик кенгаши ёки халқаро кўп томонлама форумлар орқали ўтмайдиган бўлиб қолди.

Бунинг ўрнига, санкциялар ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун ҳарбий аралашувлар киритиш қарорлари АҚШ ёки Ғарб кучларига боғлиқ. Халқаро қонун кучлиларни жиловлаб, уларнинг ҳаракатларини чеклашга қодир эмаслиги сабабли халқаро муассасаларнинг самарадорлиги тобора камайиб борди ва уларнинг қонунийлиги пасайиб кетди... Унинг таъкидлашича, Россиянинг Украинага бостириб кириши Германия канцлери Олаф Шолцни дунё бурилиш нуқтасига, яъни икки тизим ўртасидаги дунёга келганини ва ноаниқ келажак тайёрланаётганини эълон қилишга ундади. Байденнинг янги халқаро тизимни бошқариш учун «Яхшироқ дунё қурайлик» деган баёноти бунга яққол мисолдир. У эски тизим парчаланиб бораётганини, янгиси эса туғилиш арафасида эканини кўрди. Шунингдек, у олам мафкуравий ёки тизимли алтернативани тақдим эта олмаётганини, аксинча, мабдаий эмас, балки молиявий ва технологик васвасалар ва лойиҳаларни амалга ошириш билан бошқа мамлакатларни ўзига тортаётганини кўрди. Бундан ташқари, тузатишни истаётган кучларнинг ҳеч бири талаб қилинадиган ўзгаришларнинг моҳияти ҳақида ишончли фикрга эга эмаслигини кўрди.

Ал-Ваъй: Бу ерда бугунги кунда дунё икки тизим ўртасида ўтиш босқичида эканлиги ҳақида аниқ баёнот берилган. Шунингдек, дунёдаги етакчи кучларнинг «мафкуравий алтернатива» таклиф қила олмаётгани ва уларнинг ҳеч бирида «керакли ўзгартириш табиати ҳақида ишончли тасаввур» йўқлиги эътироф этилган... Биз айтамызки, тўғри, стратегик қарашга эга бўлмаган глобал ўзгаришлардан нима фойда?!... Ёлғиз Исломгина шундай алтернативага эгадир... Яна айтамызки, бугунги кунда Исломнинг барча динлар устидан ғалаба қилиши Аллоҳ ваъда берган ва Росулulloҳ ﷺ башорат қилган рошид Халифаликни барпо этиш билан амалга ошади. Халқаро курашнинг мана шундай шаклда ривожланиши ваъданинг яқинлашаётганидан дарак бермоқда. □